



АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

ШАМОИЛИ МУҲАММАДИЙЯ

Саййид Маҳмуд Тирозийнинг
туркий таржималарини асли арабча
қўлёзмаларга таққослаган ҳолда
ҳозирги ёзувимизга ўгирувчи
Масъудали ҲАКИМЖОНОВ

Тошкент • "Меҳнат" • 1991

Таҳрир ҳайъати: МАҲМУД ҲАСАНИЙ, АБДУЛАЗИЗ
МАНСУРОВ, АБДУСОДИҚ ИРИСОВ, УЛУҒБЕК ДОЛИМОВ,
МУҲИДДИН НАЗМИДДИНОВ, НЕЪМАТ ШОНОСИРОВ, РҶС-
ТАМ МИРЗАЕВ, МИРСОЛИҲ ҚОСИМОВ, МАҲМУД ТҶИЧИЕВ,
АБДУРАУФ АБДУРАҲИМОВ.

Имом ат-Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадийя» асарига Му-
ҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишлари, хулқ-
одоблари ва юриш-туришларига оид ҳадислар жамланган. Ушбу
ҳадислар кишиларни ёмон одатлардан сақланишга ҳамда ўзида
энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиришга даъват этади.
Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчи: филология фанлари номзода **Убайдулло Уватов.**

Масъул муҳаррир: **Абдулазиз Мансуров.**

Муҳаррир: **Акбар Али Мирзо Қосим ўғли**

Ушбу китоб «Ижод» давлат кичик корхонасининг молния-
вий иштироки ва унинг буюртмаси асосида чоп этилди. Шарт-
нома баҳосида харид қилинган қоғозга босилди. Қитобнинг
нархи ҳам шулар асосида белгиланди.



БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

МУҚАДДИМА

«Шамонли Муҳаммадийя» Муҳаммад алайҳиссаломнинг шамоиллари, яъни хислатлари, хулқ-одоблари ва сифатлари ҳақида маълумот берувчи асардир. Бу бебаҳо асар бизларга, хусусан ёшларимизга тарбиявий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир. Китобда Муҳаммад алайҳиссаломнинг хулқ ва сифат тавсифларини баён қилувчи уч юз йигирма олтинта ҳадис жам қилинган.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган таълимот ҳадис деб аталади. Муҳаммад алайҳиссалом айтган сўзларини ва қилган ишларини суннат деб билиб, ана шу кўрсатмалар, хатти-ҳаракатлар ҳақидаги ривоятларни йиғиб китоб ҳолига келтирувчи ва уларни баён қилувчилар муҳаддислар деб юрнтилади.

Ҳадис илмининг йирик тарғиботчи муҳаддисларининг энг машҳурлари ўз юртдошларимиз — Урта Осиёлик олимлардир. Булар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870), Абу Исо Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу ар-Раҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий (737—868), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Зарир ат-Термизий ал-Буғий ва бошқалардир.

Муҳаддислар илгари яратилган ҳадислар асосида халқ орасида ҳадисларни баён қилиб юришган. Ҳатто яқин даврларда, яъни ҳижрий 1342 (мелодий 1923) йили Тошкентда бир гуруҳ уламо зотлар ўша вақтда Тошкентда яшаган суриялик олим, муҳаддис Саъид ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Асалий раҳбарлигида Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Саҳиҳул Бухорий» ҳадис шарифларини ўқиб хатм қиладилар. Улар халқ орасида ҳадислар баён қилиб юрганлар.

Охирги умрларигача Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлаган, араб, форс ва туркий тилларининг билимдонин Юнусхон домла Ҳакимжон ўғли шундай зотлардан эдилар. Уларга аллома Асалий томонидан ҳадис баён қилишлари учун ёзма равишда «Иршод» ҳам берилган. Юнусхон домла муҳаддис сифатида турли мажлис ва йиғилишларда ҳадис баён қи-

либ юрганлар. Булар каби муҳаддислар ҳозирда ҳам халқимиз орасида учраб туради.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо аз-Зарир ат-Термизий ал-Буғий 824 йили Термиз шаҳрида туғилганлар. Ешлик чоғларидан илмга катта қизиқиш ва иштиёқ кўрсатдилар. Самарқанд, Бухоро, Марв, Термиз ва Маворауннаҳрнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини ўргана бошладилар. Имом Термизий ҳадис ўрганиш мақсадида Ислом дунёсининг турли шаҳар ва мамлакатларига сафар қилдилар. Хижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа жойларда бўлиб, машҳур муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлдилар, улардан таълим олдилар. Ҳаётлари давомида кўпгина асарлар ёзиб келажак авлодга улкан мерос қилдилар.

Булардан «Китоб ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ», «Китоб илал», «Китоб ат-Тарих», «Китоб аш-Шамоилю ан-Набавия», «Китоб аз-Зухд», «Китоб ал-Асмо ва Куня» асарлари машҳурдир.

«Шамоилю Муҳаммадийя» араб тилида ёзилган бўлиб, туркий тилларга ҳам таржима қилинган. Кейинги вақтларда асарнинг янги таржимаси юзага келди. Бу таржима Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тирозий Олтинхон тўра қаламига мансубдир. Шу йил сентябрь ойида Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси томонидан диёримизда Саййид Маҳмуд Тирозий таржималари қайта нашр этилди. Бу нашр ўзбек тилида араб алифбосида чоп этилганлиги учун эски ўзбек ёзувини билувчиларга қулай қўлланма бўлса ҳам лекин араб ёзувини билмайдиган ўқувчилар бу асардан фойдалана олмадилар. Мана шу мушкулни осонлаштириш мақсадида кўп сонли ўқувчиларимиз мутоласи осон бўлиши учун асарни ҳозирги ёзувимизга ўгирдик. Аслий таржима тили сақланиб қолган бўлса-да, баъзи тушиниш қийин бўлган арабча ва форсча сўзларга изоҳ берилди. Бу нашрни тайёрлашда диний бошқарма нашри билан кифояланмадик. Диний бошқарма асос қилиб олган Саййид Маҳмуд Тирозийнинг Карачи шаҳрида чоп этилган нусхаси ва диний бошқарма кутубхонасида сақланаётган араб тилидаги аслий қўлёзма нусхалари билан таққосланган ҳолда тайёрланди.

Иш жараёнида диний бошқарма томонидан чоп этилган нашрда бир қанча нуқсонларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Бунга сабаб нашрга асос қилиб олинган нусха настаълик хатида чоп этилган бўлиб, настаълик хатидаги «вов», «дол», «ро», «снп» ва «мим» ҳарфларини бир-бирига алмаштириб ўқилгани учун баъзи сўзлар ўзгариб кетган. Унда баъзи тарихий номлар хато ёзилган. Бундай хатоларга Дихйа Калбий ўрнига Вихйа Калбий (II ва 26-бетларда), Саъид Журайри ўрнига Саъид Журайди (II-бет), Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Саржис ўрнига Маржис (14-бет), Ҳаким ибн Амр ўрнига Ҳаким ибн Умар

(18-бет) кабиларни кўрсатиш мумкин. 94-бетда эса бир сатр бутунлай қолдириб кетилган.

Асарни ҳозирги ёзувимизга ўгиришда эса яна ҳам эҳтиёткорлик талаб қилинар эди. Тархий номларни тўғри ёзиш, баъзи мавҳум жумлалар маъносини тушунтириб кўрсатиш учун асарнинг араб тилидаги аслий қўлёзма нусхасига таққослаб, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ-ул Бухорий» ҳадисларининг иъроблик нусхаларидан истифода қилинди.

Бу асар ўқувчига Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида мукамал маълумот берувчи қўлланмалардан бири бўлур деб умид қиламиз.

Масъудали Ҳакимжонов,
Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги Шарқшунослик олийгоҳининг катта ўқитувчиси.



БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

1. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу Таоло анҳу¹ дебдурларки, Жаноб Расули акрам² саллоллоҳу алайҳи васаллам³ на кўп узун қоматлик ва на паст қадлик зот эрдилар. Балки ўрта бўйлик, қоматлари ниҳоятда мавзун⁴ бир зот эрдилар. Ранглари на ниҳоятда оқ ва на тўқ буғдойранг эрди. Балки оқ қизиллик ичирулган, малоҳатлик⁵ ўн тўрт кечалик ой каби нурлик эрди. Муборак сочлари на ниҳоятда буралган ва ниҳоятда ёзилган эрди. Балки ўрта бир ҳолда ўзларига ярашган эрди. Аллоҳ Таоло⁶ ул жанобни қирқ ёшида пайғамбарлик мақоми ила сарофроз этди. Жаноб ўн сана Маккан мукаррамада ва ўн сана Мадина мунавварада турдилар. Ва олтмиш ёшда дунёдан рихлат қилдилар. Муборак бошларида ва соқолларида йигирма адад ҳам оқарган мўй йўқ эрди.

Ф о й д а⁷: Бу ривоятда Маккадаги иқоматларини⁸ ўн сана дейилибдур ва бутун умрларини олтмиш ёш кўрсатилибдур. Бунинг сабаби шулдурки, араблар гоҳо каср ададни зикр қилмайдурлар. Ҳақиқатда Жаноб Маккан мукаррамада ўн уч сана тургандирлар. Ва муборак ёшлари вафот қилганларида олтмиш учда эрди.

2. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу Таоло анҳудан бу ривоят ҳам бордурки, дебдурлар: Жаноб Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўрта қадлик бир зот эрдилар. На узун ва на паст бўйли эрдилар. Жисмлари чиройлик, келишган, сочлари на буралган ва на ёзилган эрди. Чеҳралари буғдойранг, қачон юрсалар олдиларига мойил бўлиброқ юрур эрдилар.

3. Ҳазрати Бароъ ибн Озиб Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли (бироз узунга мойил) бир киши эрдилар. Икки елкаларининг ўртаси кенг бўлиб, зулфи⁹ мубораклари кўп ва икки қулоқларининг юмшоқларига тушиб турарди. Устларида бир жавра¹⁰ қизил либос (яъни ридоъ¹¹ ва лунги чодир¹²лари) бор эрди. Мен Жаноб Расулуллоҳ¹³ саллоллоҳу алайҳи васалламдин ҳуснилик бир нарсани ҳаргиз кўрмадим.

4. Ҳазрат Бароъ ибн Озиб Розиеллоҳу анҳудан бу ривоят ҳам бордурки, дебдурлар: Мен ҳеч бир зулфик маҳбубни қизил либос жаврасин ичинда Жаноб Расули мақбул саллоллоҳу алайҳи васалламдин зиёда ҳуснилик кўрмадим. Жанобнинг

зулфи муборақлари икки елкалариға тушиб турар эрди. Икки елкаларининг ўртаси кенг эрди. Қадлари на паст ва на зиёда узун эрди.

5. Ҳазрат Али Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноб Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам на узун ва на паст бўйли эрдилар. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла ва гўштлик эрди. Муборақ бошлари катта ва аъзоларининг бўғимлари, ҳар икки суяқларининг қўшилган ери йўғон эрди. Сийналаридан киндиклариға қадар узун ва ингичка мўйлари бор эрди. Қачон юрсалар баландликдан пастликка тушиб турган каби маълум бўлур эрдилар. Мен бу Жанобдин аввал ҳам кейин ҳам Жанобга ўхшаган бир зотни ҳаргиз кўрмадим.

6. Ҳазрат Иброҳим ибн Муҳаммад, ҳазрат Али Розиеллоҳу анҳунинг набиралари дебдурлар: Ҳазрат Али Розиеллоҳу анҳу қачон Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васфларини баён қилсалар, дер эрдилар: Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам на узун ва на паст бўйлик эрдилар, балки ўрта қадлик одамлардан эрдилар. Ва муборақ сочлари на зиёда буралган ва на зиёда ёзилган эрди, балки иккисини ўртасида эрди. Муборақ баданлари на семиз ва муборақ чеҳралари на юмалоқ балки озроқ мудаввар¹⁴ эрди, чеҳралари қизилға мойил оқ эрди. Икки кўзлари ниҳоятда қора ва киприклари ниҳоятда узун эрди. Икки суяқларининг қўшидадурган бошлари йўғон ва икки кифтлари жам бўладурган ёрлари ҳам йўғон гўштлик эрди. Баданларида тук йўқ эрди. Магар сийналаридин киндиклариға нозик мўйдин бир хат¹⁵ тортилган эрди. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла ва гўштлик эрди. Қачон йўл юрсалар қадамларин ердан қувват ила узлиб олур, гўёки пастликка кетиб турган каби кўринур эрдилар. Қачон бир тарафға бурилсалар, бутун баданлари ила бурилур эрдилар. Танҳо бўйинларини буриб қўймас эрдилар.

Икки кифтларини ўртасида муҳри нубувват, яъни набийлик (пайғамбарлик) муҳри бор эрди. Ва ўзлари тамоми набийларнинг охирлари эрдилар. Ҳаммадин зиёда, саҳий диллик зот эрдилар. Ва ҳаммадин зиёда рост сўзлагувчи ва мулойим табиат ва хонадонини шарафлик бир зот эрдилар. Кимки Жанобни бирдан кўриб қолса, ҳайбатлари босур эрди. Ва кимки яхши таниб, суҳбатлариға мушарраф бўлса, дийдорлариға ва суҳбатлариға ошиқ бўлиб қолур эрди. Маддоҳлари¹⁶: Мен бу Жанобга ўхшаган зотни на ўзларидан аввал кўрдим ва на ўзларидан кейин кўрдим, дер эрди.

7. Ҳазрат имом Ҳасан Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен ўзимнинг тоғам Ҳинд ибн Аби Ҳоладин Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида савол қилдим. Ул зот Жанобнинг васфи муборақларини ҳаммадин зиёда равшан ва яхши баён қилур эрдилар ва мен хоҳлар эрдимки, тоғам менга авсофи алийян набавийя¹⁷ дан бироз баён қилсалар ва уни мен ёд қилиб олсам. Тоғам дедилар: Жаноб Расули ак-

рам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқатда ўзлари ниҳоятда улуғ бир зот бўлиб, халқ назаринда ҳам ниҳоятда улуғ, ҳурматли зот эрдилар. Муқаддас чеҳралари ўн тўрт кечалик ой каби дурахшон¹⁸ эрди. Ўрта қадлик инсондин узунроқ ва ниҳоятда узун бўйлик одамдин пастроқ эрдилар. Бошлари катта, сочлари озроқ буралган эрди.

Агар сочлари ўзича осонлик ила очилса, фарқ очур эрдилар, агар тороқ ва бошқа нарсага зарурат тушадиган бўлса, фарқларин очмай қўйиб қўйур эрдилар. Сочларини зиёда ўстирсалар, қулоқларин юмшоғиндин тушиб турур эрди. Муборак ранглари ялтираб турган оқ эрди. Пешоналари кенг ва кушода¹⁹ эрди. Қошлари эгилган бўлиб, ингичка ва қалин ва бир-биридин алоҳида ва қўшилмаган эрди. Икки қошларин ўртасида бир томирлари бор эрдик, ғазаблари келганда ҳаракатга келиб кўринур эрди. Муборак бурунлари бироз баланд ва қирралик ва анда бир қисм нури дурахшон турур эрдик, андин яхши диққат қилиб кўрмаган одам бурунларин катта ва баланд гумон қилур эрди. Муборак сақоллари катта ва қалин, муборак икки хадлари²⁰ на озғин ва серғўшт, балки ниҳоятда марғуб эрди. Маъсум²¹ оғизлари эътидол²² ила кенг эрди (фасеҳ ва балиғ инсонларнинг оғизлари шундоқ бўлур). Дандонини²³ мубораклари майда ва ялтираб турган эрди. Олдинги тишлари бир-биридан алоҳида кўринур эрди. Муборак сийналаридин киндикларига қадар нозик мўйдин бир хат тортилган бўлиб, муборак бўйинлари шундоқ ярашган, чиройли эрдик, гўё оқ мрамор тошдин, ё ождин²⁴ тарашланган ҳайкалнинг бўйини каби эрди, оқликда кумуш каби соф эрди.

Баданларининг аъзолари ҳаммаси бир-бирига муносиб яратилган, ўрта даражада гўштлик эрди. Гўштлири осилиб турган эмас, қоринлари ва сийналари текис ва баробар эрди. Сийналари кенг эрди. Икки елкаларин ўртаси узоқ эрди. Бўғимлари йўғон эрди. Либосдин ташқари турган узвлари²⁵ нурлик, ниҳоятда дурахшон кўринур эрди. (Бундин маълум бўлурки, либос ичида маҳфуз турган аъзолари нақадар нурлик бўлур). Сийналарин ва киндикларин ўртасида хат каби чўзилган бир мўй тушган эрди. Шул мақомдин кўкраклари ва қоринлари мўйдин холи эрди. Лекин икки билаклари ва икки елкалари ва сийналарин юқори ҳиссалари²⁶да мўйлари бор эрди. Икки билаклари узун эрди, кафтларин кушода, икки кафтларин ва икки қадамлари гўштлик эрди. Қўлларин ва оёқларин бармоқлари эътидоллик узун эрди.

Қадамлари силлиқ эрдик, унда сув тўхтамас эрди. Қачон юрсалар, қувват ила қадам кўтарур эрдилар. Олдиларига ҳам²⁷ бўлиброқ юрур ва оҳиста қадам қўюр эрдилар. Рафторлари²⁸ тез-тез бўлиб, кенг қадам қўюр эрдилар. Қачон юрсалар, бир баландликдин тушиб тургандек юрур эрдилар. Ва бир тарафга бурилсалар, бутун қоматлари ила бурилур эрдилар. Назарлари тубанга бўлур эрди. Осмондин кўпроқ ерга боқур эрдилар. Кўпинча кўз қирраси ила боқур эрдилар. Са-

хобаларин²⁹ ўзларидин илгари юргузиб орқаларидин ўзлари юрур эрдилар. Ҳар кимга йўлиқсалар, андин илгари салом берур эрдилар.

8. Ҳазрати Жобир бин Самра Розиеллоху анҳу дебдурлар: Жаноб Расули акрам саллоллоху алайҳи васалламнинг оғизлари муътадил катта эрди (Араблар эрлар учун катта оғиз бўлишни яхши кўрурлар, чунки фасоҳатлик бўлурлар). Маъсум кўзларининг оқида қизиллик бор эрди. Қадамларининг орқасида гўшт қам эрди.

9. Ҳазрати Жобир Розиеллоху анҳудан бу ривоят ҳам бордурки, дебдурлар: Мен ойдин бир кечада Жаноб Расулуллоҳ Розиеллоху алайҳи васалламни кўрдимки, баданларида қизил либос жовраси бор эрди. Мен гоҳо Жаноб Расулуллоҳга боқар эрдим, гоҳо ойга боқар эрдим. Боқа-боқа шул натижага етдимки, Жаноб Расулуллоху алайҳи васаллам ҳуснда, жамолда ва нурда ойдин зиёда ва ортиқдурлар.

10. Абу Исҳоқ дебдурларки: Бир киши ҳазрати Бароъ Розиеллоху анҳудан савол қилдики: Жаноб Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг чеҳраи муборақлари қилич каби ялтираган эрдими? Ҳазрати Бароъ дедилар: Йўқ. Ой каби нуроний, яъни ниҳоятда нурли, дурахшон эрди. Узун эмас ва юмалоқ ҳам эмас эрди.

Ф о й д а. Бу қисм ташбиҳлар ҳаммаси тахминийдур, ҳақиқат эмасдур. Бир ой нима (бўлибди), минг ой бир бўлса ҳам нуронията чеҳраи набавийяга ўхшай олмас.

11. Ҳазрат Абу ҳурайра Розиеллоху анҳу дебдурлар: Жаноб Расули акрам саллоллоху алайҳи васалламнинг жисми муборақлари шул қадар марғуб, жамия³⁰ ва зебо эрдикки, инсон кўриб, вужудларин Аллоҳ Таоло кумушдан кўйганмикин деб қолур эрди. Муборақ сочларида бироз буралганлик бор эрди.

12. Ҳазрат Жобир ибн Абдуллоҳ Розиеллоху анҳу дебдурлар: Жаноб Расули аъзам саллоллоху алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, менга тамоми набийларни тўғри қилинди. Боқсам ҳазрат Мусо алайҳиссалом бироз нигичка ва ориқ одам эканлар. Ямандаги Шануа қабиласини одамларига ўхшар эканлар. Ва ҳазрат Исо алайҳиссаломни кўрдимки, ул зотга мен кўрган одамлардан Урва ибн Масъуд ниҳоятда ўхшайдир. Ва ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни ҳам кўрдимки, ман кўрган одамлар ичларинда ул зотга ниҳоятда ўхшаган одам сизларнинг пайғамбарларингиздур, яъни ўзларини дээрлар. Ва Жибрил алайҳиссаломни ҳам кўрдимки, ул зот мен кўрган зотлардан Дийан Қалбийга ниҳоятда ўхшар эканлар.

13. Саъид Журайрий дебдурлар: Мен ҳазрат Абу Туфайл Розиеллоху анҳудан бу сўзни айтиб турганликларин эшитдим: Мен Жаноб Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламни кўрганман. Ер юзида ул жанобни кўрганлардан мендан бошқа бир киши ҳам қолмади. Саъид Журайрий дедилар: Мен арз қилдимки, ул жанобни менга васф қилсунлар. Ҳазрат Абу

Туфайл дедилар: Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам оқ юзли, малоҳатлик, жисмлари мўътадил бир зот эрдилар, яъни тамоми аъзолари ўзлариға ярашган бир маҳбуб эрдилар.

14. Ҳазрати ибн Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олди тарафларидаги тишларидан иккиси ниҳоятда ялтираб турур эрди. Қачон сўз қилсалар тишларини ораларидан нур каби бир нарса чиқур эрди.

БУ БОБДА МУҲРИ НУБУВВАТ ҲАҚИНДА БАЁН ■ Қ И Л И Н У Р

15. Ҳазрати Соиб ибн Язид Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Холам мени жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматлариға олиб бордилар ва дедилар: Ё, Расулаллоҳ³¹, менинг ҳамширамнинг ўғли бемордур. Жаноб менинг бошимға қўлларини суркаб қўйдилар ва менинг учун баракат дуосини ўқидилар, кейин таҳорат қилдилар. Мен таҳоратдин қолган сувларидан ичдим ва орқа тарафлариға ўтиб турдим. Шул замонда жанобнинг икки кифтларини ўртасида нубувват муҳрини кўрдим. Боқсам ул нарса пашшахонанинг тугмаси каби экан (Баъзилар бу маънони каклик тухумиға ўхшаган бир нарса экан дебдур).

16. Ҳазрат Жобир ибн Самра Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен муҳри нубуввати Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг икки кифтларини ўртасида кўрдимки, кабутарнинг тухуми каби бир зинда гўшт экан. Ранги қизилға мойил экан.

17. Ҳазрат Румайса Розиеллоҳу анҳу³² дебдурлар: Мен Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламға шундоқ яқин турдимки, агар хоҳласамки, икки кифтларини ўртасидаги муҳри нубуввати ўпа олур эрдим, ҳазрат Саъд ибн Маоз Розиеллоҳу анҳу ўлган кунлари дедиларки, бу зот вафоти учун Аллоҳ Таолонинг арши ҳаракатға келди.

18. Илбоъ ибн Аҳмар дебдурларки, Амр ибн Ахтаб Ансорий Розиеллоҳу анҳу менга ҳикоя қилдилар: Менга Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир куни дедилар: эй Абу Зайд, менга яқин кел ва орқамни силаб қўй. Мен орқаларини силаб туриб, бармоқларим муҳри нубувватға тегди. Шунда мен савол қилдимки, эй Абу Зайд, муҳри нубувват надур? Абу Зайд дедилар: тўплонгон бирмунча мўйлардур, яъни ўшал ўсиб кўтарилган гўшт атрофида ва устида мўйлар бор эрди. Саҳобанинг қўлларини ўшал тукларға тушган сабабдин шундоқ дедилар.

19. Ҳазрат Бурайда Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Вақтинки Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи мунаввараға ташриф қилдилар, ҳазрати Салмон Форсий Розиеллоҳу анҳу хизматлариға бир дастурхон келтурдилар. Анда

янги пишган ҳурмолар бор эрди. Ани Жанобнинг ҳузурларига қўйдилар. Жаноб дедилар: Эй Салмон; бу не нарсадур? Салмон дедилар: Бу ўзларига ва саҳобаларига садақадур. Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Бунин бул ердин ол, биз садақа емасмиз. Ҳазрат Салмон ани олдилар.

Эртасига яна шунча хурмо келтирдилар. Ани ҳам ҳузурларига қўйдилар. Жаноб дедилар: Бу нима нарсадур, эй Салмон? Салмон дедилар: Е, Расулаллоҳ, бу ўзлари учун ҳадядур. Жаноб асҳобларига дедилар: Қўл узатинглар. Кейин ҳазрат Салмон Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларидаги муҳри нубувватга назар солдилар ва Жанобга имон келтирдилар. Салмон Розиеллоҳу анҳу ўзлари Бани Курайза яҳудларин гуломи эрдилар. Ул зотни жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам сотиб олдилар, яъни хўжаларидан озод этилишларига сабаб бўлдилар ва озодликларига кўп дирҳамлар харж бўлди. Ва шунин ҳам шарт қилинган эрдик, ҳазрат Салмон моликлари³³ учун уч юз хурмо дарахтини кўчат ўтказиб берсунлар. Ва алар мева қилгунча хабар олиб турсинлар. Кейин Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз қўллари ила ул хурмо дарахтлари кўчатларин ўтқаздилар. Жанобнинг мўъжизаларидан тамоми дарахтлар ўшал сана мева берди. Лекин бир дарахт гул ҳам очмади. Таҳқиқ қилиниб эрди, маълум бўлдики, ани ҳазрат Умар Розиеллоҳу анҳу ўтқизган эканлар. Жаноб ул кўчатни олиб ташлаб, ўзлари бошқа ўтқизиб эрдилар, кейин мева берди. Жанобнинг мўъжизаларидан тамоми дарахтлар бемавсум ўтқизилса ҳам ҳаммаси ҳосилга кирди. Ҳазрати Салмон Форсий Розиеллоҳу анҳу қадим уламолардан эрдилар. Ёшлари икки юз элликка борган эрди. Бир ривоятда уч юз эллик дейилибдур. Бу зот қадим китобларда Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг набийлик аломатларин ўқиган эрдилар. Ушал аломатлардан бири садақа қабул қилмасликлари ва бири муҳри нубувватлари эрди. Бу икки аломатни жазм кўриб билганларидан кейин имон келтирдилар. Бу зотнинг озодликлари учун берилган нақд маблағ қирқ уқя³⁴ тилло эрди. Ўзларин Исломга мушарраф бўлгонликларин воқеасин ўзлари муфассал баён қилгандурлар. Ҳадис китобларида мазкурдур.

20. Абу Назра дебдурларки: Мен ҳазрат Абу Саъид Хударий Розиеллоҳу анҳудан Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳри нубувватлари ҳақинда савол қилдим. Дедиларки, муҳри нубувватлари орқаларида бир бўлак кўтарилган гўшт эрди.

21. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Саржис Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен бир кун Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига келдим. Жаноб саҳобалардан бир жамоат ўргаларида ўлтирган эканлар. Мен орқаларидан шундоқ айландимки, Жаноб мен нима учун айланганлигимни билдиб, муборак чодирларин орқаларидан туширдилар. Мен муҳри нубувват ўрнини икки кифтларин ўртасида кўрдим. Ул гўё

бир муштдек бўлиб, атрофида баданга тошадургон нохотдек доналар каби ҳоллар бор экан. Кейин мен Жанобнинг тўғриларига ўтдим ва дедим: Ё, Расулаллоҳ, Аллоҳ Таоло ўзларин мағфират қилсин. Жаноб дедилар: Сенга ҳам мағфират насиб этсун. Ултурганлар дедилар: Жаноб Расулаллоҳ сенинг учун дуои мағфират қилдиларму? Мен дедим: Орий, менинг учун ҳам ва сизлар учун ҳам деб бу оятни ўқидим (Ва мағфират талаб қилинг, ўзингиз учун ва мўмин эрлару мўмин хотинлар учун ҳам).

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ СОЧЛАРИ БАЕН ҚИЛИНУР

22. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари икки қулоқларин ярмига тушур эрди.

23. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурларки: Мен ва Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир идишда ғусл қилур эрдик. Ва Жанобнинг сочлари қулоқ юмшоғидин тушган ва елкаларига етмаган, яъни ўрта бир ҳолда эрди.

Ф о й д а: Бир идишда чўмилишдан эр ва хотин бир-бирининг авратини кўриб туриши лозим келмас, чунки ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо ўзларин дебдурларки, на мен Расулаллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авратларини кўрдим ва на ул жаноб менинг авратини кўрдилар.

24. Ҳазрат Умми Ҳониъ Розиеллоҳу Таоло анҳо дебдурлар: Жаноб Расулаллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Маккаи мукаррамага бир бор шул ҳайъатда келдиларки, сочлари тўртга бўлиниб ўрилиб қўйилгон кўрилуур эрди. Баъзи ривоятда дейилибдики, ҳар бир муборак қулоқлари икки ўрилган соч ўртасида қоронғу кечада ёруғ юлдуз каби кўринур эрди.

25. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам аввалда сочларини фарқ очмай қўйиб қўярдилар, чунки мушриклар³⁵ фарқ очур эрдилар ва китобий³⁶лар фарқ очмас эрдилар. Жаноб ибтидода қайси бир нарса ҳақида худодан ўзларига амр келмаган бўлса, китобийларга ўхшашликни дўст тутур эрдилар. Кейин аларга муҳолифат этуб, сочларига фарқ очадургон бўлдилар.

Ф о й д а: Жаноби рисолати маоб³⁷ саллоллоҳу алайҳи васаллам ибтидоий ҳолларида, яъни Ислом дини тамоми мунташир³⁸ бўлмай туриб, китобий жамоагни ўзларига ҳамдард ва мададкор қилмоқ учун аларга хайрихоҳ бўлдилар. Кўрдиларки, аларга ҳам шақоват³⁹ голиб келиб улфат ололмадилар. Мушриклар ила аларнинг фарқлари бўлмай қолди. Жаноб ҳам аларга муҳолифат этдилар ва сочларига фарқ оча бошлади-

лар. Ҳақиқатда назофат⁴⁰ фарқ очинида эрди. Бунда исрофи бўлмас эрди.

Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хижратдан кейин муборак сочларини аввал Худайбиййа санасида, сўнг Умрату—л қазо санасида, кейин Хужжату—л видоъ санасидагина тамом олдирдилар. Қачон сочларини яқин фурсат ичида олдирган бўлсалар, қулоқларининг ярмига тушиб турур эрди. Буни араблар то қулоқ юмшоғига етгунча вафра⁴¹ дерлар. Агар бундан зиёда тушса, лимма⁴²дерлар, агар бундан ҳам зиёда узайиб кетса, елкаларига тегиб турса, ани жумма⁴³дерлар. Охири узайиш шу бўлур. Энди ривоятларда мухталиф⁴⁴ сифатлар келиши шу ҳолатларга қараб бўлган бўлур, яъни ҳар ким қайси ҳолда кўрган бўлса, у шу ҳолатни ривоят қилган бўлур ва ҳаммалари рост сўзлаган бўлурлар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ СОЧЛАРИН ТАРАҒАНЛАРИН БАЁН ҚИЛИНУР

Фойда: Сочларни тарамоқ мустаҳаб⁴⁵ дур. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тарғиб қилгандурлар ва ўзлари ҳам сочларини тарар эрдилар. Имом Термизий бу бобда ушбу ҳадисларни келтирубдилар.

26. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Мен ҳайз кўриб турган ҳолатларимда ҳам Жаноб Росул акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочларини тараб қўюр эрдим.

27. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳо дебдурларки: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам муборак сочларини кўп ёғлар эрдилар. Ва муборак соқолларини кўп тарар эрдилар. Ва муборак бошларига бир латтани қўйиб олар эрдиларки, ёғни кўп истеъмол қилгонликларидан ул латта ёғчининг либосига ўхшаб қолур эрди.

Фойда: Бошга ёғ зиёда қўйилса, либосларнинг ёмон бўлиш эҳтимоли бордур, бу нарса Жаноби саллоллоҳу алайҳи васалламнинг назофатларига хилофдур. Шунинг учун ҳифозат⁴⁶ қасдида оризий⁴⁷ бир латтадин фойдаланур эрди.

28. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилишда, соч тарашда ва кавш кийишда ўнгдан бошлашни дўст тутиб эрдилар, яъни ҳар бир муборак ва тажаммул⁴⁸ ишларида ўнгдан ибтидо қилмак манзур эрди. Чунончи либос киймак, кавш киймак, масжидга кирмак, соч тарамоқ каби ишларда ва ҳамма бошқа ишларда, чунончи кийим ечмакда, халога кирмакда ва шундоғ номуборак ишларда чапдан ибтидо қилур эрдилар.

29. Ҳазрати Абдуллоҳ ибни Муғфал Розиеллоҳу анҳо деб-

дурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳар кун ва ҳар соат соч тараб туришдан манъ қилдилар. Магар гоҳо-гоҳо тарамакка ижозат бергандурлар, чунки давом этмак хотунлар ишларидур.

30. Бир саҳоба дебдурларки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам гоҳо-гоҳо муборак сочларин тараб туриб эрдилар.

Ф о й д а: Қози Ғиёз раҳимаҳуллоҳу дебдурлар: гоҳо-гоҳдин мурод, уч кундир. «Сунан Аби Довуд»да бир ҳадис ила ҳар кун таралишгани манъ этилибдур. Уламои киром раҳимаҳуллоҳу дебдурлар: Бу ҳукм сочни эҳтиёжи бўлмагон бир суратдадур. Агар зарурат бўлиб қолса, бок⁴⁹ йўқдур.

Ф о й д а: Бу ҳадисни ривоят қилғувчи саҳобанинг номларини баъзилари Ҳаким бинни Амр ва баъзилари Абдуллоҳ бинни Муғфал дебдур. Саҳобаларнинг номларини сариҳ⁵⁰ баён этмаслик аларнинг адлликларига зарар қилмасалар, ҳаммалари адлдурлар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ СОҶОЛ ВА СОЧЛАРИГА ТУШҒОН ОҚЛАР БАЁН Қ И Л И Н У Р

31. Имом Қатода дебдурлар: Мен ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳуға дедим: «Аё Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам соч ва соқолларини бўягандурларми? Ҳазрати Анас дедилар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг соч ва соқоллари бўяладурган бир миқдорға етмаган эрди, фақат икки чеккаларидагина бир оз оқ пайдо бўлган эрди, лекин ҳазрати Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу хина ва катм ила соч ҳам соқолларини бўяр эрдилар.

Хина маълум бир дарахтдурким, ранги тўқ қизил бўлур, катм бир қисм гиёҳдурким, ранги қора бўлур. Ҳар иккисини аралаштириб бўялса, қароға мойил қизил бўлур. Агар иккиси ила бўялса, дуруст. Танҳо қора ранг ила бўямоқ, ҳадисларда мамнуъдур.

32. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак бошларида ва муборак соқолларида ўн тўрт ададдан зиёда оқ санамдин.

33. Ҳазрати Жобир Розиеллоҳу анҳудан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг соч ва соқолларининг оқлари ҳақида савол қилунғонда, дебдурларки: Жаноби саллоллоҳу алайҳи васаллам агар бошларин ёғласалар оқи кўринмас эрди, агар ёғламасалар озроқ оқ кўринур эрди. Саллоллоҳу алайҳи алфа; алфа таҳийот.⁵¹

34. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар Розиеллоҳу анҳума деб-
дурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг
соч ва соқолларидаги оқлар аввали ва охири йиғирма адад
эрди.

35. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳума дебдурлар: ҳаз-
рати Абубакир Розиеллоҳу анҳу арз қилдиларки, ё, Расулаллоҳ,
ўзлари мижозлари муътадил ва ёшлари кам бўлиб туриб ҳам
тез соч, соқоллари оқариб қолди. На учун мундоқ бўлди? Жа-
ноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат
қилдиларки, менинг соч ва соқолимни «Худ» ва «Воқиъа» ва
«Мурасалот» ва «Амма йатасаолуна» ва «Изаш-шамсу кувви-
рат» каби сураларнинг мазмунлари оқартиб қўйди, яъни умма-
тим аҳволига ихтимомим ва алар учун бу суралардаги оғир
қоллардан қўрққанлигим мени бу ҳолга еткузди.

36. Ҳазрати Абу Ҳужайфа Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Са-
ҳобалар арз қилдилар, ё, Расулаллоҳ ўзларида қарилик ва
заифлик асарларини кўра бошладик. Жаноби Расули аъзам
саллоллоҳу алайҳи васаллам жавоб бердиларки, мени «Худ»
сураси каби оғир мазмунлик суралар қаритиб қўйди.

37. Ҳазрати Абу Тимсата-т Таййими Розиеллоҳу анҳу деб-
дурлар: Мен ўз ўғлимни олиб, Жаноби Расули акрам саллолло-
ҳу алайҳи васаллам хизматларига келдим. Одамлар ул Жаноб
ни менга кўрсатдилар. Мен кўрган замонимда бу жаноб Аллоҳ
Таолонинг пайғамбаридурлар дедим. Жанобнинг баданларида
яшил рангда икки либослари, яъни ридоъ ва азорлари бор экан.
Ва жанобнинг бир оз сочларига оқлик голиб келган ва ўшал
сочлари қизил рангда экан.

38. Ҳазрати Жобир Розиеллоҳу анҳудан бир киши савол
қилдики: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам-
нинг муборак бошларига оқ соч пайдо бўлган эрдими? Ҳазрати
Жобир Розиеллоҳу анҳу жавоб бердиларки, Жаноб Расули
акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак бошларида
оқ соч йўқ эрди. Магар фарқларин ўзида бир неча адад саног-
лиқ оқ сочлар бор эрди. Қачон бошларига ёғ истиъмом қилса-
лар, алар кўринмай қолур эрди.

39. Ҳазрати Абу Римса Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен
ўз ўғлим ила баробар Жаноби Расулulloҳ алайҳи васаллам
хизматларига ҳозир бўлдим. Жаноб дедилар: бу ўғлингми? Мин
дедим: Ори (Ҳа). Ё, Расулаллоҳ, бу менинг ўғлимдур. Ўзлари
гувоҳ бўлиб қўйсунлар. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу
алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, бу сенинг зарарингга
жиноят қилмас ва сен ҳам анинг зарарига жиноят қилмассан,
яъни Исломдан аввалги замонларда гуноҳига ота масъул ва
ота гуноҳига бола масъул бўлур эрди. Ислом динида бу сўз
йўқдур. Ҳар киши ўз гуноҳига ўзи масъул бўлур, дедилар.
Ҳазрати Абу Римса Розиеллоҳу анҳу дерларки, мен бу мулоқо-
тимда кўрдимки, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва-
салламнинг баъзи сочлари қизил эрди.

М а с а л а: Ҳанафи уламолар қошларида соч ва соқолни

бўямак мустаҳабдур, лекин машҳур баёнларда қора ранг ила бўямак макруҳдир⁵² ва шофиёнларда бўямак суннатдур⁵³ ва қора ранг ила бўямак ҳаромдур.

40. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳудан савол қилинибдурки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам соч ва соқолларини бўягандурларми? Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳу жавоб берибдурларки: Ори, бўягандурлар.

41. Ҳазрати Башир ибн Ҳасосайянинг хотинлари Жаҳзама Розиеллоҳу анҳума дебдурларки: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдимки, уйларидан чиқиб турган эканлар. Шундоқ бир ҳолдаки, ғусл қилибдурлар. Аннинг учун бошларини артиб турган эрдилар ва бошларида хинонинг асари бор эрди.

42. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочларини бўялган кўрдим, яъни хино истеъмол қилгон эканлар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ СУРМА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНЛИҚЛАРИ БАЁН

Қ И Л И Н У Р

Кўзга сурма қўймак мустаҳабдур ва анда тиббий манфаат бордур. Сурма қўйгувчи учун муносиби шулдирким, савоб ниятида сурма қўйсинки, тиббий нафи ила баробар, итбоъи суннат⁵⁴ савоби ҳам ҳосил бўлур.

43. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам иршод⁵⁵ қилдиларки, исмид ном сурмани кўзга қўйингларики, ул сурма кўз нурини ўткир қилур. Киприкларни зиёда ўсдурур. Ва ҳазрати ибни Аббос дебдурларки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бир сурмадонлари бор эрди. Андин ҳар кеча кўзлариға сурма қўяр эрдилар. Бу кўзлариға уч бор ва бу кўзлариға уч бор қўюр эрдилар.

44. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳумодан бу ҳам марвидурки⁵⁶ Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам уйқуга боришларидан аввал исмид сурмасидан ҳар кўзлариға уч бор қўйюр эрдилар.

45. Ҳазрати Жобир Розиеллоҳу анҳудан марвидур Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Исмид сурмасин албатта, қўйиб юринглар, ул сурма назарни тез қилур ва киприкларни зиёда ўстирур.

46. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам иршод қилдиларки, сизларнинг сурмаларингиз ичида ҳаммадин яхшиси исмид сурмасидирки, кўзни зиёда нурли қилур ва киприкларни ўстирур.

Юқоридаги ривоятлардан исмид сурмасини истеъмол этмаклигининг афзаллиги маълум бўлур. Исмид топилмаган пайтда қайси бир сурмани истеъмол қилинса ҳам суннат адо топган бўлур.

Фойда: Ушбу охирги ҳадиснинг ровий⁵⁷ларидан бирларининг номлари Башир бинни Муфаззалдирлар. Бу зот ҳақларида уламолар дебдурларки, ҳар кун тўрт юз ракаъат нафл⁵⁸ намоз ва бир кун рўза ва бир кун ифтори доимий одатлари эрди. Раҳимаҳуллоҳу.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ЛИБОСЛАРИ БАЁН ҚИЛИНУР

Уламои киром дебдурларки, инсонлар киядурғон либослар баъзиси вожиб⁵⁹ ва баъзиси мустаҳаб ва баъзиси макруҳ ва баъзиси ҳаром бўлур. Мусулмон учун муносиби шулдурки, истеъмоли савоб бўлғон либосларга эҳтимом этсун. Ва истеъмоли гуноҳ бўлган либослардан тортилсин. Вожиб бўлғон либос ул миқдордурки, анинг ила сатри⁶⁰ лозим бўлган бадан ёпилсин, мустаҳаб бўлган ул либосдурки, ани киймоққа шаррият тарғиб берибдур. Чунончи, икки ҳайит кунларида янги ва яхши либос ва жума кунида намоз учун оқ либос киймакдур. Макруҳ бўлган либос ул либосдурки, шаррият ани киймасликка тарғиб буюрибдур. Чунончи бой одамга ҳамиша йиртиқ ва эски либос-киймоқ макруҳдир. Ҳаром либос ул либосдурки, ани киймакни Исломи дини қатъи манъ этибдур. Чунончи эрларга ипак либосини беузр шаръий киймак ҳаромдур.

47. Ҳазрати Умму Салама Розиеллоҳу анҳа дебдурларки: Либослар ичида Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳаммадин зиёда маҳбуброғи кўйлак эрди. Ани киюр эрдилар (чунки бошқа либослардин кўра кўйлакда зиёда мукамал сатр бўлур).

48. Ҳазрат Асмо Розиеллоҳу анҳа дебдурларки: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кўйлакларининг энги билакларигача эрди, яъни кафларини ёпмас эрди.

Бир ривоятда келибдурки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кўйлак киюр эрдилар. Кўйлакларининг этаги икки тўпиқларидан юқори ва икки энги бармоқларининг учлари ила баробар бўлур эрди. Мана бу икки ривоят тадбиқда уламои киром дебдурларки, бири сафардаги ҳол, иккинчиси ҳозирдаги ҳолларидир. Ё бири шимарилган вақти ва иккинчиси кўйиб берилган вақтидур. Ё бири, яъни қисқалиги суннат бўлиб, узунлиги жонзур.

49. Ҳазрати Қурра бин Иёс Розиеллоҳу анҳу дебдурларки: Мен Музайна қабиласидин бўлғон бир жамоа ила баробар Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматла-

рига байъат⁶¹ қилмоқ учун кирдим. Жанобнинг қўйлақларини тугмаси солинмоғон ё тугмаси очиқ экан. Кейин ман қўлимни ёқолариға солдим ва табаррук қасдида муҳри нубувватларин ушладим.

50. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули аззам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир кун Ҳазрати Асома Розиеллоҳу анҳуға суянган ҳолларида ҳужраи саодатдин⁶² бир қисм яманий нақшлик либосга тавашшуҳ⁶³ тариқасида ўролиб чиқдилар. Кейин саҳобаларға имом бўлиб намозларини ўқиб бердилар. Араблар бир чодрани ўнг қўлнинг остидан олиб, чап кифтига солиб олмакни тавашшуҳ дерлар.

Ф о й д а: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бу тариқада бир одамга суялиб чиқишлари уламоларнинг баён қилишларича беморлик вақтларида бўлган экан.

51. Ҳазрати Абу Саъид Худрий Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон бир янги либос киймакчи бўлсалар, аввал анинг отини олур, кейин дер эрдилар: Эй, Аллоҳ, ўзинга шукур, бу либосни ато қилганлигинг учун ҳамдингни айтурман. Ё, Аллоҳ, мен сендин бу либоснинг ўзини ва нима учун қилинган бўлса, анинг ҳайрини талаб қилурман ва паноҳ олурман. Санга бу либоснинг ўзини ва нима учун қилинган бўлса анинг шарридин⁶⁴.

52. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Либослар ичида Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ниҳоятда маҳбуби нақшалик, яъни қизил йўллик яманий чодар эрди.

Ф о й д а: Бу бобнинг биринчи ҳадисида ва бу ҳадисда таъоруз⁶⁵ йўқдур. Чунки тикилган либослар ичида ҳаммадан маҳбуби қўйлақ эрди ва чодарлар ичида ҳаммадин маҳбуби қизил йўллик чодар эрди.

53. Ҳазрати Абу Ҳужайфа Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни шундоқ ҳолда кўрдимки, муборак баданларида қизил йўллик яманий чодарлари бор эрди. Ва ҳозир мен гўё Жанобнинг муборак икки соқлари⁶⁶ни ялтираб турганлигини кўриб турубман, яъни чодарлари тамом соқларини яширмаган, тўпуғларидан юқорида эрди.

54. Ҳазрати Абу Римса Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноб Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Баданларида икки адад яшил рангда либослари бор эрди. Араблар йўллик либосни бурд⁶⁷дерлар, агар йўли бўлмаса, бурд демаслар.

55. Ҳазрати Қайла Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Жисмларида заъфарға бўялиб, анда асари қолмағон икки адад эски чодралари бор эрди.

56. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳумадин марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Либоснинг оқини ихтиёр этинглар, ани тирикларингиз

кийсунлар ва анда ўлукларингизни кафанланглар, чунки оқ либос либосларингизнинг афзалидур.

57. Ҳазрати Самурата Розиеллоҳу анҳудан марвидурки: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Либоснинг оқини кийинглар, чунки оқлари покizarоқ ва яхшироқ бўлур. Ўлукларингизга андин кафан қилингллар.

58. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир кун эрта билан уйларидан шундоқ ҳолда чиқдиларки, баданларида қора қилдан тўқилган қора чодралари бор эрди.

59. Ҳазрати Муғйира Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Набийи карим саллоллоҳу алайҳи васаллам бир жубба⁶⁸ кийдиларки, ўзи румий бўлиб, енглари тор эрди.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ МАҲСИ, КАВУШЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР БАЁН Қ И Л И Н У Р

60. Ҳазрати Бурайда Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Ҳабаш подшоҳи Нажоший Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга бир жуфт қора содда маҳси ҳадя юборди ва ани жаноб таҳорат қилиб кийиб олдилар. Кейин яна таҳорат қилганларида анга масҳ тортдилар.

61. Имом Шаъбидин марвидур: Ҳазрати Муғйира Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Ҳазрати Дахйа Розиеллоҳу анҳу Жаноби Расулуллоҳу алайҳи васалламга бир жуфт маҳси ҳадя бердилар ва бир ривоятда бир адад жубба ҳам ҳадя қилдилар ва Расулуллоҳ ҳар иккисини йиртилгунча кийдилар. Ва Жаноб билмадиларки, ул бир жуфт маҳси ҳалол сўйилган жонивор пўстидан тикилган эрдиму, ё бошқа пўстдин.

62. Ҳазрати ибни Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг наълайи муборакайнларининг ҳар бирида икки тасма бор эрди (Бир тасма бош бармоқ ила ёнида бармоқ ўртасида турур эрди, иккинчиси ўрта бармоқ ила ёнидагисининг ўртасида турур эрди). Ул икки тасманинг учини келиб қўшилган қадам юзидаги кўндаланг тасма ҳам бир жуфтдан эрди.

63. Исо бин Таҳмондин марвидур: дебдурлар: Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу бизларга бир жуфт кавуш чиқариб кўрсатдиларки, юзида туки йўқ эрди. Кейин Собит Баноний манга Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳудан ривоят этдиларки, ул бир жуфт кавуш Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кавушлари экан.

64. Убайд ибн Журайж ҳазрати ибни Умар Розиеллоҳу анҳуға дебдурларки: сиз туки йўқ чармдан бўлган кавушни киярсиз ва анда таҳорат қилурсиз, бу на учундир? Ҳазрати ибни

Умар Розиеллоху анху дедилар: Мен Жаноби Расулуллох саллоллоху алайхи васалламни шундай кавуш кийганларини ва анда таҳорат қилганларини кўргандурман. Анинг учун шундай кавушни киймакни яхши кўрурман.

Ф о й д а: Замони рисолатда мусулмонлар яшаш ва маданият каби нарсаларга зиёда аҳамият бермас эрдилар. Тамомни фурсатларин дин ва охираат ишларига сарф этур эрдилар. Анинг учун чармни ошлаганда туки кетдими ё кетмадими бундоқ нарсаларга машғул бўлмас эрдилар. Анинг учун бу зот кўзларига ҳазрати ибни Умар Розиеллоху анхунинг туки тамом тозаланган чармдан кавуш кийганликларни таажжуб кўринди. Жаноби Расулуллох саллоллоху алайхи васаллам туки йўқ чарм кавуш истеъмол қилишлари жонзлигини билдирмак учун бўлгондур.

Кавуш ила таҳорат қилмакнинг маъноси, таҳорат қилиб оёқлари хўллик ҳолида киюр эрдилар ёки кийиб туриб, таҳорат қилмоқ, яъни оёқни кавуш кийиб туриб ювмоқни жонзлигини таълим қилур эрдилар, чунки араби кавушлар юзи очик бўлур, сув оёқнинг ҳамма тарафига етур.

65. Ҳазрати Амр ибн Ҳурайс Розиеллоху анху дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоху алайхи васалламни икки кавуш кийган ҳолда намоз ўқиб турганларин кўрдим. Кавушларининг орқа тарафига чарм солинган ё ямоқ қилинган эрди.

Ф о й д а: Бу ҳадисдан кавуш ила намоз ўқимак жонзлиги маълум бўлур. Лекин поклик шарти билан.

66. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоху анхудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайхи васаллам дебдурлар: Эй, мусулмонлар, сизлардан ҳеч бир киши бир оёғида кавуш ва бир оёғи яланг юрмасин. Кавуш кийса, бутун кийсун, бўлмаса яланг оёқ юрсун.

67. Ҳазрати Жобир Розиеллоху анхудан марвидурки: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайхи васаллам бир кишини чап қўл ила таом емагин ва бир тоқа⁶⁹ кавуш киймагин деб манъ қилибдурлар.

Ф о й д а: Бу икки ҳадисни «Шамоиلى шарифа» ҳадислари ила зикр қилишдин мусанниф⁷⁰ мақсудлари шулдурки, Жаноби Расулуллох саллоллоху алайхи васаллам чап қўллари ила таом емадилар ва якка пой кавуш киймадилар демакдур. Шариати исломияда бу икки иш узрсиз қилинса, макруҳдур.

68. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоху анхудан марвидур: Жаноби Расули аъзам саллоллоху алайхи васаллам дебдурлар: Қачон Сизлардан бир киши кавуш киймоқчи бўлса, аввал ўнг оёғига кийсин ва қачон кавуш ечмоқчи бўлса аввал чап оёғидан ечсин, яъни ўнг оёқ киймакда аввал бўлсин, ечмакда охир бўлсин.

69. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоху анху дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайхи васалламнинг кавушларининг тасмалари икки адад эрди. Ҳазрати Абу Бакр ва

ҳазрати Умар Розиеллоҳу анҳумонинг кавушларининг тасмалари ҳам икки адад эрди. Ва ҳаммадан аввал кавуш тасмасини бир ададга туширган зот ҳазрати Усмон Розиеллоҳу анҳудирлар.

Ф о й д а: Бу ҳадисдан кавуш тасмаларини хос бир адади бўлмаётгани қараб бўлишлиги жоиз эканлиги маълум бўлур.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ, АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ УЗУКЛАРИ ВА УЗУК ТАҚИШЛАРИ ҲАҚИДА БАЕН Қ И Л И Н У Р

70. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебудурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари кумушдан бўлиб, кўзи хабаш санъатида ишланган эрди. Ёки хабаш конларидан келган тош эрди. Ёки хабашлар рангларидек қора эрди, Ва-ллоҳу аълам.⁷¹

71. Ҳазрати ибни Умар Розиеллоҳу анҳумо дебудурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари бор эрди. Аннинг ила атрофга юборган хатлариға муҳр босур эрдилар. Ва ани тақмас эрдилар, яъни аввал тақмас эрдилар, кейин тақдилар, ҳаётларининг охиригача тақиб ўтдилар.

72. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебудурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари кумушдан бўлиб, кўзи ўзида эрди.

Ф о й д а: Биринчи ҳадисда кўзи хабаш дейилди ва бу ҳадисда кўзи ўзидан дейилди. Уламолардин ҳар ким Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари бир адад эрди дегувчилардан бўлса, бу ҳадисни далил этиб, юқоридаги хабаш калимасиға хабаш санъатида ишланган эрди, дерлар. Ва ҳар ким узуклари бир нечта эрди дегувчилардан бўлса, аввалги ҳадисни кўзи хабаш тош эрди деб тафсир қилурлар.

73. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебудурлар: Вақтики, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Ажам подшоҳиға хат ёзмоқчи бўлиб эрдилар. Одамлар Жанобға дедиларки, Ажам подшоҳлари муҳр босилмоғон хатни қабул этмаслар. Кейин Жаноб узук қилдирдилар. Ҳозир мен гўё ўшал узукнинг муборак кафтларида оқлиғин кўриб турибман.

74. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебудурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак узукларининг нақши шу тариқа эрди: биринчи сатрда Муҳаммад лафзи⁷², иккинчи сатрда Расул лафзи, учинчи юқоридаги сатрда эса, Аллоҳ лафзи бор эрди.

75. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебудурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Эрон, Рум ва Ха-

баш подшоҳларига хат ёзмоқчи бўлдилар. Одамлар дедиларки, алар муҳри йўқ хатни қабул этмаслар; кейин Жаноб Яъло бин Умайя номли саҳобага амр қилдилар. Ул зот бир узук қилиб келдиларки, ҳалқаси кумушдан эрди ва анга Муҳаммад Расулуллоҳ жумласини нақш қилиб ўйилган эрди.

76. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон халоға кирмакчи бўлсалар, муборак қўлларидан узукларини чиқариб қўяр эрдилар (чунки анда Аллоҳ Таолонинг номи бор эрди).

77. Ҳазрати Абдуллоҳ бин Умар Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак узуклари ҳаётларида ўз қўлларида эрди. Вафотларидан кейин ҳазрати Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу қўлларида ва ул зотдан кейин ҳазрати Умар Розиеллоҳу анҳу қўлларида бўлди. Ҳазрати Усмон Розиеллоҳу анҳу қўлларига ўтгандан кейин олти йил сақладилар. Кейин ул узук «Беъру⁷³ Арис» номли бир қудуққа тушиб йўқолди. Анинг нақши Муҳаммад Расулуллоҳ эрди.

Ф о й д а: Арис калимаси амир вазнида масжиди Қабога яқин бир ерда бир бўстон ё бир қудуқ номидурки, яҳудлардан Арис номли бир кишига мансубдир. Ҳазрати Усмон Розиеллоҳу анҳу ўшал қудуқни Мадиналиклар учун қовлатиб туриб эрдилар, хилофатлариға⁷⁴ олти сана бўлган эрди. Бир кун шул қудуқ лабида ўлтириб эрдилар, муҳр сақлағувчи Муъайқиб деган кишидан шул узукни талаб қилдилар. Чунки бир нарсага муҳр босмоқчи эрдилар. Муҳр қўлларидан қудуққа тушиб кетди. Бу узукни баъзи вақт баракат умидида тақиб ҳам юрур эрдилар. Қудуққа тушгандан кейин уч кунгача ахтардилар. Қудуқ сувини тамом ташқарига олдирдилар, лекин топилмади. Уламолар дебдурларки, шу узук йўқолгандан кейин ҳазрати Усмон ҳукуматлариға ҳар қисм фитна ва фасод шуруъ⁷⁵ бўлди.

78. Ҳазрати Али ибн Аби Толиб Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам узукларини ўнг қўллариға тақур эрдилар.

Ф о й д а: Бу ҳадис ва тубандаги асарлардан ҳар икки қўлга киймак жоизлиги ва итбоъи суннат ҳусули маълум бўлур.

79. Ҳазрати ибн Умар Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари кумушдан бўлиб, кўзини кафтлариға қилиб олур эрдилар. Ва анга Муҳаммад Расулуллоҳ жумласини ўйдирган эрдилар. Бошқа одамларни шул жумлани муҳрлариға ва узуклариға ўйдиршидан манъ қилган эрдилар. Ва Арис қудуғига ҳазрати Муъайқиб Розиеллоҳу анҳунинг қўлларидан тушиб кетган шул узук эрди.

Ф о й д а: Ҳазрати Муъайқиб Розиеллоҳу анҳу Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам замонан муборакларида муборак узуклариңи сақлағувчи бир зот эрдилар. Он ҳазрат саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон қўллариға узук тақма-

ган бўлсалар, албатта, ҳазрати Муъайқиб қўлларида сақланган бўлур эрди. Жаноб вафотларидан кейин ҳазрати Абу Бакр Розийёллоҳу анҳу вафотларида ва ул зотдан кейин ҳазрати Умар Розийёллоҳу анҳу вафотларида ва ул зотдан кейин ҳазрати Усмон вафотларида ҳам узукни сақлағувчи зот шул зот эрдилар. Иттифоқо, бир карра узукни ҳазрати Усмонга бериб, ё ул зот олиб туриб эрдилар, узук қўлдан чиқиб, қудуққа тушиб ғойиб бўлди.

80. Ҳазрати имом Муҳаммад Боқир Розийёллоҳу анҳу дебдурлар: Ҳазрати имом Ҳасан ва ҳазрати имом Ҳусан Розийёллоҳу анҳумо ҳар иккалалари узукларини чап қўлларига тақур эрдилар.

Фойда: Бу ҳадис мавқуфдир⁷⁶. Чунки, имом Муҳаммад Боқир имом Ҳасан ва имом Ҳусан Розийёллоҳу анҳумони кўрмагандурлар. Лекин яна бир ривоятда Марфуъ⁷⁷ келубдирки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон, ҳазрати Али, ҳазрати Ҳасан ҳамда ҳазрати Ҳусан Розийёллоҳу анҳум ҳаммалари узукларини чап қўлларига тақур эрдилар.

81. Ҳазрати ибни Умар Розийёллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам тиллодин бир узук қилдирдилар. Ани ўнг қўлларига тақур эрдилар. Бу ҳолни кўриб асҳоби киром ҳам тиллодин узуклар қилдириб, итбоъи суннат ниятида тақа бошладилар. Кейин Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уч тилла узукни ташладилар. Ва дедиларки, ман буни ҳаргиз киймасман, кейин саҳобалар ҳам узукларин ташладилар.

Фойда: Тилла истеъмоли Ислом аввалларида жонз эрди. Кейин эрларга ҳаром қилинди. Анинг ҳаромлиғига уламолар жумҳурлари иттифоқ қилибдурлар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҚИЛИЧЛАРИ, ЗИРРА ҚАЛҚОНЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

Уламолар дебдурларки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг етти адад қиличлари бор эрди. Баъзилар дебдурлар: ўн бир адад эрди. Ҳар бирининг алоҳида номи бор эрди. Ҳаммадан машҳурроғи зулфиқор эрдикки, ани ўзларидан узоқ қилмас эрдилар ва зирралари, яъни урушда киядурган темир ҳалқалардан тўқилган кийимлари етти адад бўлиб, ҳаммасининг алоҳида-алоҳида номи бор эди. Ҳаммадан машҳурроғи «Зотулфузул»⁷⁹ эрди. Ва қалқонлари, яъни урушда бешқа Имома⁸⁰ остидан киядурган дўппилари ҳам бор эрди. Анинг адади ва номи ҳақида қўлимизда бор китобларда ҳеч нарса ёзилмағон.

82. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари (зулфиқор)нинг дастасин дупписи кумушдан эрди.

83. Ҳазрати Мазийда Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам фатҳи⁸¹ Макка кунинда Маккага доҳил бўлганларида қиличларининг юзида тилла ва кумуш кўрилди.

Фойда: Аллома Тур Пушти дебдурларки: Бу ҳадис ила қиличга тилло истеъмоли қилмоқнинг дурустлигига истидлол⁸² қилиб бўлмас, чунки бу ҳадис санади⁸³ қобил эътимод эмасдур. Кумуш истеъмоли юқоридаги ҳадис каби ҳадисларда мабҳумдир. Тилла истеъмоли ножоиздур.

84. Ҳазрат Самура Розиеллоҳу анҳу дебдурларки: Мен ўз қиличимни Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларига ўхшатиб қилдирдим. Жанобнинг қиличлари ҳанафий эрди, яъни Бану Ҳанафи арабларига қилдирғон эрди, алар бу санъатда комил эрдилар.

85. Ҳазрати Зубайр Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Уҳуд ғазотида⁸⁴ Жаноби Расул акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бадани муборакларида икки зирра бор эрди. Жаноб хоҳладиларки, бир баланд тош тепасига чиқиб, ўзларини саҳобаларга ё кофирларга кўрсатсунлар, лекин чиқа олмадилар. Кейин ҳазрати Талҳа Розиеллоҳу анҳунини пастга ўлтирғизиб, ўзлари тош тепасига чиқиб тикка турдилар ва ҳамма ул Жанобни кўриб кела бошлади. Ушал соатда мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Талҳа ўзига вожиб қилди, деган сўзларини эшитдим. Яъни жаннатни ё шафоатимни ўзига собит қилди деган бўлурлар.

Фойда: Уҳуд уруши ҳижратнинг учунчи санасида бўлиб, ниҳоятда хатарли уруш эрди. Голиблик душман тарафида эрди. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзлари ва муқаддас бошлари мажруҳ бўлиб, муборак тишлари шаҳид бўлғон эрди. Душманлар Жанобни ўлдирдилар, дея овоза қилишди. Бу овозадан саҳобалар ҳар тарафга тарқалиб кетдилар. Анинг учун Жаноб ўзларини борликларини дўстларга ҳам, душманларга ҳам маълум қилмоқ қасдида бир баланд тошга чиқиб кўриндилар. Жанобни ҳар икки тараф кўрди. Мусулмонлар атрофларига жам бўлдилар.

Ушал кунини ҳазрати Талҳа Розиеллоҳу анҳо баҳодирлик жавҳарини кўрсатдилар. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам учун вужудларини сепар⁸⁵ қилдилар. Душман ҳамласидан асраб қолдилар. Муборак жисмларига саксондин зиёда захм пайдо бўлди. Лекин бир лаҳза ҳам Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг танҳо қўймадилар. Оқибат муборак қўллари шол бўлди. Саҳобани киrom ҳаммалари бул зот бобарокатга тан берур эрдилар. Ва дер эрдиларки, Уҳуд ғазоти ҳақиқатда ҳазрати Талҳанинг кунларидур. Бу кун тамомила ул зот ҳисобларига ўтгандур. Розиеллоҳу анҳум ажмаъин. Ва Хашарано маъаҳум⁸⁶ омин.

86. Ҳазрати Соиб бин Язид Розийллоҳу анҳу дебдилар. Уҳуд ғазоти бўлган кунда Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак баданларида икки зирра бор эрди. Ҳар иккисини устма-уст кийиб олган эрдилар.

Фойда: Бу тариқа зиёда қўш-қўш зирра кийишдин Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг худого таваккулларининг камлиги маълум бўлмас, балки уммат учун таълимдурки, худога шу қадар яқин бир зот шундоқ эҳтиётда бўлсалар, бошқалар кофирлардан бундан зиёда эҳтиётда бўлсинлар. Раббил оламин жалла Шонуҳу ўзи марҳамат қилур. Па аййуҳа-ллазина аману ҳузув ҳизракум фанфирув субатин ав-инфирув жамъан (Сурату «Нисо» 10 рукуъ).

Таржимаси: Эй, мусулмонлар, кофирлар муқобилларида ўз эҳтиётларингизни кўринглар, яъни аларнинг ҳамла ва ҳужумларидин хабардор туринг. Ва мудофаалари учун етарли асбоб-ҳарбияларингизни ҳозирлаб туринглар. Қейин аларга муқобила учун алоҳида-алоҳида бўлиб ёки ҳаммаларингиз бир жам бўлиб туринглар.

Мана бу оят карима ифодаларидан душман муқобилида ҳолат тақозасига кўра ҳозирлик кўрмак амру илоҳийга итоат қилмакдир. Бундай ҳукмларга Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам зиёда яхши амал қилувчи ким бўлур. Жанобнинг зирра, қалқон, қилич ва бошқа асбобларни истемол этишлари аҳком илоҳияга⁸⁷ амалдур. Таваккулга хилоф эмасдур. Балки айни таваккалдур.

Фойда: Бу масала ожизнинг кичик бир рисоласи «Ислом назаринда Силоҳ»ни кўрулсин. Иншоаллоҳ фойдадин холи бўлмас.

87. Ҳазрати Анас биний Молик Розийллоҳу анҳу дебдилар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам фатҳ кунини Маккаи мукаррамага кирганларида бошларида қалқонлари бор эрди. Вақтики қалқонларини олиб қўйиб, хотиржам туриб эрдилар, бир киши келиб арз қилди. «Ё Расулаллоҳ, ибни Хатал Каъба ғилофига ёпишиб турубдур». Жаноб ҳукм бердиларки, ани ўлдириглар. Имом ибни Шихоб Зухрий дебдилар, менга бу ҳам маълум бўлдики, ўшал кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам муҳрим, яъни эҳромда эмас эрдилар.

Фойда: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам вақтики Маккага фотиҳона доҳил бўлдилар, ул кун тамоми аҳли Макка хуш ва ҳавасдин маҳрум бўлдилар. Қочишга жой, юришга оёқ топмадилар. Жаноби рисолат маоб саллоллоҳи алайҳи васаллам камоли раҳму шафқатларидан эълон қилдиларки, ҳар ким Байтулло шарифга кириб олса, анга омон берилур ва ҳар ким ўз уйига кириб олса, анга ҳам омон берилур. Ва ҳар ким қуролин ташласа, анга ҳам омонлик берилур. Лекин эрлардан ўн бир кишини ва хотинлардан олти хотинни бу омондин маҳрум этилиб, қонин ҳадар⁸⁸ этилди. Шундоқ бўлиб туриб ҳам эрлардан етти киши ва хотинлардан ик-

ки хотин мусулмон бўлиб, аларни озод этилди. Энди тўрт эр, тўрт хотин қолдилар. Булар ўлдирилди. Мана шул саккиз кишининг бири ибни Хатал эрди. Бу одам аввал мусулмон бўлмоқ учун Мадинаи мунавварага кирди. Мусулмон бўлиб, номини Абдуллоҳ қўйди.

Бир куни Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ани закот олиб келмак учун бир қабилага юбордилар. Ул ўшал қабилада турган вақтида ўзининг бир мусулмон ғуломини таомни тез ҳозирламабдурсан, деб уриб ўлдириб қўйди. Кейин қасосдан қўрқиб, Мадинага келмай муртад⁸⁹ бўлиб, Маккага қочиб келди. Маккада туриб, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳажв қила бошлади. Ва икки адад наъмачи, ашулачи, чўриларни сотиб олиб, аларга ҳажвий шеърларини ёд олдирди. Ул чўрилар Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ёзган ҳажвий шеърларини наъма қилиб, ўқиб берур эрдилар, ул бадбахт хуш бўлур эрди. Азинг учун Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам анинг ҳам хунин ҳадар қилиб эрдилар. Шул сабабдин ани Байтуллоҳил-ҳаром ичларида бўлса ҳам ўлдурилди.

Фойда: Бу ҳадис устида фикҳга мутааллиқ икки масала пайдо бўлур. Биринчи ҳарам шариф ичларида ҳадду қасос⁹⁰ жорий қилинурму ё йўқ? Иккинчи, Маккаи мукаррамага меқот⁹¹ ҳоржидин беихром кириб бўлурму ё йўқ?

Биринчи масала таҳқиқга муҳтож бўлгонлиғидин ўз мақомида кўрилсун. Иккинчи масала, Ҳанафийлар қошларинда меқоддин беихром ўтмак ножоиздур. Яъни Маккага беихром кирмоқ мамнуъдур. Чунки ҳадис шарифда меқоддин беихром ўтмак манъ этилибдур. Имом Шофиъи қошларида бу ҳадис мафҳумича жоиздур. Бу ҳадис устунда Ҳанафия уламолар дерларки, ўшал кун беихром кирмак Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга хос эрди. Бошқани ул Жанобга киёс этиб бўлмас.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РУСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ИМОМА⁹² ИЗОР⁹³ РИДО⁹⁴ЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

Имомани бизнинг тилимизда салла дейилур, саллани дўппига ё бошнинг ўзига боғланса ҳам суннат адо қилияган бўлур. Аллома Мунодий дебдурки: Имома намоз ва жамоллик кўринмак учун суннатдир. Имома ҳақида келган ҳадислар кўпдур. Баъзилари ниҳоятда заиф бўлса ҳам ровийларининг кўплиғидин назар андоз⁹⁵ қилинур. Лекин ул ҳадисларнинг кўпчилигини мавзу демак таҳқиқда эҳтиётсизликдир.

Ҳазрати Шайхулҳадис Мавлоно Муҳаммад Закариё ҳафиза Аллоҳу Жаноблари дерлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу

алайҳи васалламнинг имома шарифларининг узунлигин миқдори машҳур ривоятларда йўқдур. Имом Табронийнинг бир ривоятида етти газ эканлиги собитдур. Имом Навадий дебдурларки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг икки имомалари бор эрди. Бири катта, бири кичик. Кичиги Али Қори сўзларича, етти газдур. Каттаси ўн икки газ.

Имома, яъни салла боғламак, асри саодатдин бу кунгача келиб турган бир суннатдир. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдин салла боғламакка ҳукм бордур. Дебдурларки, имома боғлангларки, ҳилимларини⁹⁶ зиёда бўлур («Фатҳу-л-борий»дан). Ва дебдурлар имомалик юринглар. Имома Исломнинг аломатидур ва мусулмон билан кофирни ажратгувчидур («Айни» дан). Ҳазрати Абдуллоҳ бинни Умар Розиёллоҳу анҳумодан бир киши савол қилдики, салла ўрамоқ суннатдурму? Ҳазрат дедилар: Ори. Салла ўрамоқ суннатдур.

88. Ҳазрати Жобир Розиёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам фатҳи Макка кунин Маккаи мукаррамага шундоқ ҳолда кирдиларки, бошларида қора саллалари бор эрди. Бундан аввал ўтган ҳадисда Маккага бошларига қалқон кийиб кирдилар дейилган эрди. Энди бу ҳадисда қора салла ўраб кирдилар дейилди. Бу икки ҳадиснинг жами шуки: саллани кийиб, устидан қалқон кийилган бўлур. Чунки бошнинг ўзига темир дўппини киймоқ азоб бўлур. Салла устидан кийилса, беазобдур.

89. Ҳазрати ибни Умар Розиёллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон салла боғласалар, пешини орқаларига икки кифтларининг ўртасига ташлаб қўяр эрдилар.

Ф о й д а: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам одат шарифлари пеш ёпиш-қўйишда ҳар қисим эрди. Баъзи олимлар дебдурлар: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам гоҳо пеш қўймай ҳам, имома боғлар эрдилар. Пеш қўйганларида баъзи вақт олдиларига, ўнг тарафларига қўяр эрдилар. Ва баъзи вақт орқаларига икки кифтларининг ўртасига қўяр эрдилар. Баъзи вақт имомаларин икки учини жамлаб, пеш қўйгандек ташлаб қўяр эрдилар. Аллома Мунодий дебдурлар: Бу суратларнинг ҳаммаси ҳам собитдур. Лекин афзали орқага икки кифт ўртасига қўймоқдур. Аллома Мерак дебдурларки, сийрат китобларида сахиҳ ривоятлар ила собит бўлгондурки, Жаноби Набийи карим саллоллоҳу алайҳи васаллам пешларини баъзи вақтларда орқаларига икки кифтларини ўртасига қўяр эрдилар. Баъзи вақтларда имомаларини пеш қўймай кияр эрдилар («Ҳасоилу набавий»дан).

90. Ҳазрати ибни Аббос Розиёллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан илгарини бир кун хутба ўқидилар. Ушал ҳолда муборак бошларида қора салла бор эрди. Ё ёғлиқ бир парча латта бор эрди.

Ф о й д а: Бу хутбаи шарифа маразул мавут⁹⁷ замонларида ўқилиб эрди. Бу хутбаларида Мадиналик саҳобалар ҳақида

муҳим васиятлар қилдилар. Бу хутбадан кейин на минбарга чиқдилар ва на хутба ўқидилар. Ул вақт Жанобнинг муборак бошлари қаттиқ оғриб турган эрди. Анинг учун бошларини боғлаб олган эрдилар. Одати шарифлари бошлариға кўп ёғ суртанлари учун латта ёғ бўлиб қолар эрди.

91. Абу Бурда дебдурлар: Бир кун ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳу бизларнинг ҳузуримизга бир ёмоқ солинган чолар ва бир қалин лунги олиб чиқиб қўйдилар ва дедиларки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак руҳлари бу икки либос ичида қабз қилинди.

Ф о й д а: Ҳазрати Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг либос ҳақидаги муборак одатлари, ибтидоий замон рисолатдин бошлаб вафот замонлариға бир ҳолда ўтди. Ҳаргиз ўзгармади. Ҳайбар урушидан кейин саҳобаларнинг аҳволлари яхши бўлди. Фатҳи Маккадин кейин атроф оламнинг подшоҳларидан туҳфалар ва ҳадялар кела бошлади. Жаноб хоҳлаган суратда ўзлариға зебу зийнат ва аҳли хоналариға тилаган миқдорларида ишрат ва тажаммул асбобларини ҳозирлаб берсалар ниҳоятда мумкин ва осон эрди. Лекин дунё оромини ҳаргиз хоҳламадилар. Топган ва тутган нарсаларини муҳтож ва етимларга тарқатиб, ўзлари ва хонадонлари дунёдин пок ва беалоқа ўтдилар. Бизлар умматлик даъво қилгувчи зотлар дунёга шул қадар берилиб кетдикки, Аллоҳ Таоло бу холимизнинг ёмон оқибатидан ўзи бизни асрасин. Омин.

92. Ҳазрати Убайд бини Холид Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Мадинаи мунавварада кетиб туриб эрдим. Бирдан орқа тарафимдан лунгингни баланд кўтарки, лунги баланд турса, эгаси тақвога ва ўзи нажосатдин покликка яқинроқ бўлур ва ўзи кўп кун яшар, тез йиртилмас, деган овоз эшитилди. Боқсам, ул овоз қилган зот Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам эканлар. Мен арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, бу лунги ўзи бир қора ва йўллик чодардурки, бир насага арзимас, буннинг билан нима такаббур бўлур ва бундоқ чодарни ҳам эҳтиёт қилинурму? Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар, баланд кўтаришда бир ҳикмат бўлмоғон тақдирдаким, сенда менга итбояи муҳаббати ҳам йўқму? Кейин мен кўрдимки, Жанобнинг лунгилари болдирларининг ярмида тўхтабдур.

Ф о й д а: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаминша лунги боғлар эрдилар. Иштон кийган ва киймаганликларида эҳтилоф бордур. Аллома Бежурий таҳқиқларича киймаганликлари собитдур. Лекин иштонлари бор эканлиги маълумдур. Ҳатто вафотларидан кейин таркалари⁹⁸ ичинда бор эрди. Аллома ибни-л-Қайим дебдурларки: Жаноб иштон сотиб олдилар. Албатта, кийгани олгандурлар. Бундан бошқа бир неча ҳадисда кийганликлари ҳам вориддур. Ва саҳобаи киром киюр эрдилар. Алар албатта, Жанобнинг ижозатлари ила киюр эрдилар. Ҳазрати Абу Амома Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, китобийлар лунги боғламаслар,

иштон киюрлар. Жаноб дедилар: Сизлар аларга хилоф қилин-
лар. Лунги ҳам боғланглар, иштон ҳам кийинглар. Ҳазрати
Абу Ҳурайра Розийллоҳу анҳу бир узун ҳадис силсиласида дер-
ларки, мен арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, ўзлари гоҳо иштон ҳам
киярларми? Жаноб дедилар: Ори. Киюрман. Менга баданимни
ёпоқда ҳукм бордур. Ҳеч бир нарса баданини иштондек ёпол-
мас. Лекин муҳаддислар бу ҳадисни заиф дебдурлар.

Ф о й д а: Лунги ё иштон ёҳуд шим каби либосларни балки
кўйлак ва камзул ва жубба каби нарсаларни этақларини оёқ
тўпиқларидин пастга туширмаслик учун кўп таъкидлар бордур-
ки, ошиғидан пастидангиси дўзахда ҳисоб қилинур. Уламолар
дебдурлар: соқнинг ярмида тўхтатмоқ мустаҳабдур, тўпиққа
туширмоқ жоиздур. Андин пастга тушса ва бу кибр учун бўлса,
ҳаромдур. Кибр учун бўлмаса, макруҳдир. Буларнинг ҳаммаси
эрлар учундир. Аммо хотинлар учун бир қаричдан бир газгача
этақларини узун қилишга ҳақлари бордур. Балки матлубдурки,
алар нима била бўлса бўлсин ўзларини ниҳоятда мукаммал
сатрда сақласунлар.

93. Ҳазрати Ҳузайфа ибн ал-Йамони Розийллоҳу анҳу деб-
дурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам
менинг Соқимни ё ўзларин соқлорин гўштин тутиб туриб деди-
ларки: Лунги бу ерга тўхтасинки, жойи шулдур. Агар бунга
қаноат қилунмаса, мундин бир оз тушсин. Агар мунга ҳам
уналмаса, шуни билунсунки, лунгининг икки тўпиққа қадар
тушмакка ҳаққи йўқдур.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҚАНДОҚ ЮРИШ, УЛТИРИШЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

Утган ҳадисларда Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи
васалламнинг юришлари бошқа бобларда қисман баён қилин-
ган эрди. Бу бобда энди мустақил баён этилур.

94. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Мен
Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам каби чирой-
ли бир инсонни ҳаргиз кўрмадим. Офтоб гўё Жанобнинг чеҳраи
анварларида туриб, дунёга жилва қилиб тургандек маълум
бўлур эрди. Ва юришда ҳам ҳеч бир инсонни Жанобдин тез
рафтор ва қадамлари баракалик кўрмадим. Шундоқ юрур эрди-
ларки, ернинг таноби Жаноб учун тортилиб тургандек, маълум
бўлур эрди. Бизлар ўзимизни қийнаб, баробар юрсак деб, ури-
нур эрдик, аммо Жаноб юришга эҳтимом қилмоғондек, бепарво
қадам қўюр эрдилар.

95. Ҳазрати Қайла Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби
Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни масжидда шун-
доқ ҳолда кўрдимки, икки сонларини тикка қилиб, икки қўл-

лар ила аларни қучоқлаб, ўлтирган эканлар. Мен ул Жаноби ниҳоятда ожизлик ила хомуш ўлтиришларин кўриб, қўрққанимдан баданимда ларза пайдо бўлди.

Ф о й д а! Бу саҳобанинг қўрқишлари шунинг учун эрдик, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга балки умматларининг устига келадурган бир азобдан хабар берилди-микин, чунки Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳамиша уммат ҳақида фикр қилур эрдилар. Агар ғамларин ер эрдилар. Дунё нима бўлса бўлсин, заррача парволарига келмас эрди. Аллоҳумма арзуқна шафъати. Бу ҳадис юқорида ҳам ўтган эрди.

96. Ҳазрати Абдуллоҳ бини Зайд Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни масжидда орқаларин ерға бериб, бир оёқларин иккинчи оёқларин устига қўйиб ётганларини кўрдим.

97. Ҳазрати Абу Саъйид Худди Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон масжидда ўтирсалар, икки сонларин тикка қилиб, икки қўллари ила аларни қучоқлаб ўлтирур эрдилар. Бу тариқа ўлтиришлари намози фажрни ўқиғонларидан кейин бўладургон ўтиришларидан бошқадир, чунки фажрдан кейин офтоб чиққунча чорзону⁹⁹ бўлур эрди.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ СУЯНГАН НАРСАЛАРИ ВА СУЯНИШЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

98. Ҳазрати Абу Бакра Розиеллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Эй, саҳобалар, мен сизларга катта гуноҳларнинг каттароғини айтиб берайми? Саҳобалар дедилар: Ори. Ё, Расулаллоҳ, десунлар. Жаноб дедилар: гуноҳларнинг ҳаммадан улугроғи аввал худога ибодатда бошқани ширк қилмоқдур. Кейин ота ва онага нофармон бўлмоқдур. Кейин Жаноб туриб ўлтирдилар. Ул бир нарсага суянган ҳолда дедилар: ёлғон гувоҳлик бермак ё ёлғон сўзламақдур. Мана бу охириги жумлани қайта-қайта такрор этдилар.

99. Ҳазрати Абу Хужайфа Розиеллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Мен таомни бир нарсага суянган ҳолда емасман.

Ф о й д а: Таом емакда суннат шулдурки, икки тизза устига ўлтириб ейилсин. Агар ўнг оёғин устига ўлтириб, таом танаввул қилса, бу тариқа ҳазм учун зиёда манфаатликдур.

100. Ҳазрати Жобир бин Самура Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни бир бошқа, яъни ёстиққа суяниб ўлтирганларини кўрдим.

101. Ҳазрати Фазл бин Аббос Розиеллоху анхума дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васалламнинг вафот қилган беморликларида хизматлариға кирдим. Бошлариға сариқ латта боғлаб олибдурлар. Жанобга салом бердим. Жавоб бериб, дедилар: Эй фазл. Мен дедим: Лаббайка, ё, Расулаллох. Жаноб дедилар: Бу латта ила бошимни маҳкам боғла. Мен деганларини қилдим. Кейин туриб ўлтирдилар. Ва муборак қўлларин елкамга қўйиб, тикка турдилар. Кейин масжидға чиқдилар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТАОМ ТАНОВУЛ ҚИЛИШЛАРИ ВА ҚАНДОҚ НОНГА ОДАТ ҚИЛГАНЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

102. Ҳазрати Каъиб бин Молик Розиеллоху анху дебдурлар: Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам таомдин кейин бармоқларини уч бор ялар эрдилар.

Ф о й д а: Таомдин кейин қўлни ювмасдан илгари таом еган қўл бармоқларини яламоқ мустаҳабдур. Бу ҳадисга биноан уч бор яламоқ мустаҳабдур.

103. Ҳазрати Каъиб Розиеллоху анхудан бу ҳам марвидурки, Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам уч бармоқлари ила таом ер эрдилар. Ва ҳар учини баробар ялар эрдилар.

Ф о й д а: Жаноби рисолати маъаб саллоллоху алайҳи васалламнинг таом учун аксари истеъмол қиладиган уч бармоқлари бош бармоқ, ишорат бармоғи, ўрта бармоқ эрди. Гоҳо беш бармоқ ила еганликлари ҳам вориддур.

104. Ҳазрати Анас Розиеллоху анхудин марвидур, дебдурлар: Бир кун Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам хизматлариға хурмо келтирилди. Жанобни мен кўрдимки, очликдан заиф пайдо бўлганлигидан орқага суянган ҳолларида хурмодан еб туриб эрдилар.

Ф о й д а: Юқорида суяниб туриб таом емаклик манъ қилинган эрди. Бу ҳадисда ўзлари суянган ҳолда танаввул қилибдурлар. Анинг сабаби очликдан пайдо бўлган заифлик эрди. Баъзи узрлик ҳолда манъ қилинган нарсалар жоиз бўлур.

105. Ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳо дебдурлар: Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васалламнинг вафотлариға қадар хонадон аҳли ва аёллари арпа унидан бўлган понга қоринлари тўймади.

Ф о й д а: Баъзи ҳадисларда келибдурки, Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васалламнинг уйларида волидаларимизга бир йиллик нафақаларини ҳозирлаб берур эрдилар. Андин юқоридаги ҳадис ила таъоруз¹⁰⁰ пайдо бўлиб, анинг жавобиға уламоларимиз дебдурларки: ўшал ҳозирланган нафақа-

ни истеъмол қилинганда сана охиригача икки кун нонга навбат келмас эрди. Гоҳо нон, гоҳо бошқа нарса бўлур эрди, лекин икки кун устма-уст нонгинанинг ўзидан қорин тўйилмагандир. Аммо бошқа нарсалардин тўйилгандир.

106. Ҳазрати Абу Амома Розийллоху анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам уйларидаги волидаларимиздан арпа унидан бўлган нон ҳам ўзи оз бўлганлиги ва кифоя қилмаганлигидан ошиб қолмас эрди.

107. Ҳазрати ибни Аббос Розийллоху анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам ўзлари ва волидаларимиз ҳаммалари бир-икки кеча оч қолишур эрдилар. Кечқурун егани бир нарса топмас эрдилар. Кўпинча тановвул қилладурган ғизолари арпа нони эрди.

Ф о й д а: Савол пайдо бўлурки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам уйларида бир нарса бўлмаса саҳобалар ичларида давлатмандлар кўп эрдилар. Ҳаммалари Жанобдан жонларини ҳам аямасдилар. Алар бу ҳолни билиб туриб нечун сабр қилгандурлар? Жавоб шулдурки, Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам бундоқ ҳолнинг ажридан умидвор бўлиб, ниҳоятда маҳфий сақлар эрдилар. Волидаларимиз ҳам шундоқ эрдилар.

108. Жаноби Саҳл бин Саъд Розийллоху анҳудан савол қилиндики, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам яхши эланган ун нонин егандурларму? Яъни оқ ун нонин? Ҳазрати Саҳл жавоб бердиларки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг ҳаётларида то вафот кунларигача ун нони рўбарўларига на келди ва на ани кўрдилар. Савол қилиндики, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам замонларида сиз саҳобаларда элакларингиз бўлур эрдими? Жавоб бердилар: бизларда элак бўлмас эрди. Савол қилиндики, арпани қандоқ қилиб нон қилар эрдингизлар? Жавоб бердиларки: бизлар арпани бир идишга олиб сопурур ва пуфлар эрдик. Шунда қипиқлари ёки кепакларидан учгани учиб кетур ва қолгани қолур эрди. Кейин ани хамир қилиб, нон қилиб ердик.

109. Ҳазрати Анас Розийллоху анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам хонтахта устида таом емадилар. Ва кичик рикобий¹⁰¹ ҳам истеъмол қилмадилар ва Жаноблари учун юнқа нон ҳам пиширилмади. Бу ҳадис ровийларидан Юнус дебдурлар: Мен ҳазрати Қитодадан сўрадимки, алар таомни нима нарса устида танаввул қилур эрдилар? Қитода жавоб бердиларки, шул одатдаги дастурхонда ердилар.

110. Масруқ дебдурлар: Мен ҳазрати Оиша Розийллоху анҳу хизматларига ҳозир бўлдим. Жаноб менинг учун ходимларига буюриб таом чақирдилар. Ва дедиларки, мен қачон бир таомни тўйиб есам ва хоҳласамки, йиғлай йиғлармен. Мен сўрдим: На учун йиғларлар? Дедиларки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху васалламнинг дунёдан рихлат қилганларидаги ҳоллари хоти-

рамга келур, кўнглим бузилур. Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам умрларида бир кун икки марта нондан ҳам ва гўштдан ҳам муборак қоринлари тўйган эмас эрди.

111. Ҳазрати Оиша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот кунларига қадар ҳам арпа нонини икки кун тўйиб емадилар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ НОН Ё БУРУНЖ ВИЛА ТАНОВВУЛ ҚИЛАДИГАН ТАОМЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

112. Ҳазрати Оиша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, сирка қандоқ яхши нарсадур.

Ф о й д а: Сирка топилиши осон, ўзи хуш зотга такаллуфдан холи, ҳаммабоб бир нонхуришдур, ҳар вақт ҳар ерда арзон топилур. Анда бор тиббий фойдалар шулдурки, заҳарли таомлар захрини даф этур, балғам ва сафрони йўқотур. Ҳазмга мадад берур, қориндаги қуртларни ўлдирур, қоринни тез очирур. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам анинг ҳақиқага дуо қилганлар. Утган набийларнинг ҳам идомларидур.¹⁰²

113. Симок бин Ҳарб дебдурлар: Мен ҳазрати Нуъмон бин Башир Розийллоҳу анҳудан бу сўзни эшитдимки, дер эрдилар: Эй, мусулмонлар, Сизлар истаганларингизча емак ва ичмак неъматларига қодир эмасдурсизларму, ҳолбуки, мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни шундоқ ҳолда кўргандурманки, кам даражадаги хурмодан ҳам бир миқдор топмас эрдиларки, ани билан қоринларини тўйғизсинлар.

114. Заҳдам Жармий дебдурлар: бизлар ҳазрати Абу Мусо ан-Шаъари Розийллоҳу анҳо қошларида эрдик. Ҳузурларига товуқ гўштини келтирдилар. Ултирганлардан бир киши ўзини тортди. Ҳазрати Абу Мусо дедилар: На учун тортилурсан? Ул одам деди: Мен товуқни ёмон бир нарса еб турганни кўриб, ани емасликка қасам ичгандурман. Ҳазрати Абу Мусо дедилар: Сен менга яқин кел ва бундан ол ва қасамингга кафорат берки, мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг товуқ гўштини тановул қилганларини кўргандурман.

Ф о й д а: Товуқ гўшти тез ҳазм бўладиган гўшт бўлиб, дил ва динмо ва аъзон рансага тоқат берур. Овозни соф қилур, рангини чиройли қилур ва ақлга қувват берур.

115. Ҳазрати Сафина Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ила баробар Ҳуборо гўштин егандурман. Ҳуборо сўзига уламолар ҳар маънолар берибдурлар. Ҳамма қавул сўзларнинг хулосаси булдур-

ки, бу қуш ўзи ваҳший қуш бўлиб, ранги ҳокий, бўйни йўғон, тумшуги учли ва узун, оёғи узун, ниҳоятда тез учадн, бадани каклик баробарида бир маҳлуқ экан. Арабий номи хуборо, форсий номи хубра, шавот ва шавол, туркий номи тўғдарий ё тўғрай, ҳинди номи чана экан.

116. Ҳазрати Умар бин ал-Хаттоб Розиеллоҳу анҳудин марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Зайтун ёғини енглар ва анинг ила ёғланнингларки, ул ёғ муборак дарахтдан пайдо бўлур.

Ф о й д а: Бу дарахтнинг мубораклиги Қуръон каримда ҳам зикр қилингандур. Баракали бўлишининг важҳи учун уламолар ҳар хил сўзлар қилибдурлар. Баъзилар дебдурлар, бу дарахт аксари, шом иқлимида бўлур. Шом замини албатта муборакдур, чунки анда етмиш пайғамбар маъьус¹⁰³ бўлгандурлар. Баъзилар дебдурлар: бу дарахтда манфаат кўпдур. Чунончи, Абу Наъим дебдурлар: бунда етмиш беморликка шифо бордур. Бири — моҳовликдур. Бу дарахтнинг умри узун бўлур, қирқ йилда мева берур. Ўзи минг йил яшар.

117. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам таом учун чақирилдилар. Жанобга қовоқ марғуб эрди. Мен бу нарсаи билганим учун товоқнинг ҳар тарафидан ани ахтариб топиб, олдиларига қўюр эрдим.

118. Ҳазрати Жобир бин Ториқ Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига кирдим. Боқсам қовоқни кесиб, майда-майда қилиб турган экан. Мен арз қилдим, буни нима қилинур? Жаноб дедилар: Бунн солиб, таомимизни кўпайтурумиз.

Ф о й д а: Бу қовоқ пусти ичи ҳам усти ҳам кўкиш бўлиб, сариқ ош қовоғидан бошқадур. Ёғ қовоқлар суратида бўлур. Арабистонда дуббо-и-Набий¹⁰⁴ деб машҳурдир. Бу қовоқнинг ҳам манфаати кўпдир. Тиб китобларига ниҳоятда таъриф қилур. Ақлни тез, димоғни қувватли қилур.

119. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир чевар саҳоба Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни меҳмон қилди. Мен ул зиёфатга ҳамроҳ бўлиб бордим. Ул одам Жанобларининг ҳузурларига арпа унидан бўлган нон ва қовоқ солинган ва қоқ гўшт солинган шўрва ҳозир қилдилар. Ул кун мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдимки, косанинг ҳар тарафидан қовоқни ахтариб, топиб ер эдилар. Ушал кундан бошлаб, мен қовоқни яхши кўрадиган бўлиб қолдим.

120. Ҳазрати Олида Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам ширинлик ва асални яхши кўрур эрдилар.

Ф о й д а: Ҳадиси Зоҳирин¹⁰⁵ ҳар бир ширинликни яхши кўришлари маълум бўлур. Лекин баъзи уламолар арпа ҳолваси мурод қилинур дебдурларки, ул замонда ширинлик ёғ ва бошқа нарсалардан қилинур эрди. Дебдурларки: ҳаммадан

аввал ҳазрати Усмон Розийллоҳу анҳу ҳолва қилдириб, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига келуб-дурлар ва Жаноби саллоллоҳу алайҳи васаллам ани кўп пинсанд қилдилар. Ул ҳолво ун, асал ва ёгдан тайёр қилинган эрди. Ул замонда шакар истеъмоли ул қадар ривож топмаган эрди. Анинг учун ширин нарсалар аксари асал, ёғ, хурмодан қилинур эрди.

121. Ҳазрати Умму Салама Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Мен қовурға гўштидан бўлган кабобни Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига тақдим этдим. Жаноб андин тановул қилдилар. Кейин янги таҳорат қилмай номозга туриб кетдилар.

122. Ҳазрати Абдуллоҳ бин ал-Хориз Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила баробар масжидда кабоб гўшт танаввул қилдик.

Фойда: Бу ҳадисдан масжидда емак ва ичмак жоизлиги маълум бўлур. Башарти, нон ушоғи ва бошқа нарсалар тўкилиб ифлос қилмаса, агар ифлос қиладургон бўлса, макруҳ бўлур. Баъзилар дебдурларки, балки Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам иътикофда ¹⁰⁶ ўлтирган вақтларида масжидда бу воқеа бўлгандир.

123. Ҳазрати Муғийра бин Шуъба Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кеча мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ила меҳмон бўлдим. Ул кеча Жаноб хизматларига қовурға гўшт кабобини келтирдилар. Жаноб қўлларига пичоқ олиб, андин менга кесиб бериб турдилар. Шул ҳолда ҳазрати Билол келиб, номоз бўлиб қолди, деб арз қилдилар. Жаноб пичоқни ташлаб дедилар: Билолнинг икки қўли тўпроққа белансин. Нима бўлди ангаки, бу вақтда хабар бериб қолди. Ва ўшал вақтда ҳазрати Муғийранинг мўйловлари ўсиб қолган эрди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ул зотга дедилар: мўйловингни мисвок¹⁰⁷ га қўйиб туриб, кесиб қўярман ё ўзинг мисвокга қўйиб кесиб ол.

Фойда: 1. Ҳазрати Муғийра Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга меҳмон эрдилар. Ва Жаноб ўзлари бошқа ерга чақирилган эрдилар. Бу зотни ҳам баробар олиб кетдилар. Чунки, улуғлар, муҳиблар ва ходимлари ила бир ерга борсалар маҳал¹⁰⁸ таъажжуб эмасдур, жоиздур.

2. Бу ҳадисдан гўштни пичоқ ила кесиб емак жоизлиги маълум бўлур. Баъзи ҳадислардан гўштга пичоқ ишлатмак манъ қилинганлиги собитдур. Андин мурод пичоқ ила емакдур. Аммо пичоқ ила кесиб, қўл ила ейилса, бок йўқдур. Ҳазрат Билолга деган сўз ҳақиқий баддуо эмас эрди. Балки бир нав танбах эрди. Чунки номоз вақтида кунжойиш¹⁰⁹ бор эрди. Бир оз сабр қилсалар бўлур эрди.

3. Бу ҳадисда мўйловни кесиш ҳақида эҳтимом зарур эканлиги маъқул бўлур. Уламолар, ани тарашлансинму ё кесилсинму деб ихтилоф қилибдурлар. Афзали шулдурки, кесилсин, лекин тарашлангандек.

124. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розииллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига қўл гўшти келтирилди ва анинг гўштлики ери Жанобга берилди. Бул нарса Жанобга кўп марғуб эрди. Анинг учун андин тановул қилдилар ва тишлаб едилар.

125. Ҳазрат Абдуллоҳ бин Масъуд Розииллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаламга қўл гўшти кўп марғуб эрди. Бир кун қўл гўштига (яъни, яҳудлар тарафларидан) заҳар солиб берилган. Андин бир луқма еб эрдилар, ул заҳарланган қўл гўшти ўзи деди: Ё, Расулаллоҳ, менда заҳар бор, емасунлар. Ё Жабраил алайҳиссалом келиб Жанобни огоҳ қилдилар. Жаноб қолганини емадилар. Заҳар Жанобга ўша соатда зарар қилмади. Лекин охир умрларида шу заҳар асаридан вафот этдилар. Токи Аллоҳ Таоло ул Жанобга нубуват устида шаҳодат рутбасини ҳам зиёда этсун. Ва ҳазрат ибни Масъуд дебдурлар: саҳобалар гумон ва фаҳмлари бу эрдикки, ул қўлни яҳудлар заҳарлаган эрдилар.

126. Ҳазрат Абу Убайд Розииллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам учун бир қозон таом пиширдим. Ва Жанобга қўл гўшти марғуб бўлгон сабабдин қўл гўштин узатдим. Кейин дедилар: Яна узат. Мен дедим: Ё, Расулаллоҳ, бир қўйда неча адад қўл бўлур? Жаноб дедилар: Қасам ул зот номиғаки, менинг жоним анинг қўлидадур. Агар тек туриб, менга итоат қилсанг эрди, ҳар бир талаб қилгонимда бир қўл бериб турур эрдинг.

Ф о й д а: Бу воқеа устида ҳузур набавий саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан бир мўъжиза вужудга келмоқчи эрди, саҳобанинг сўзлари сабаб бўлиб, тўхтаб қолди. Аллоҳ Таоло карам қилса, мўъжизалар баёни учун иншоолло, мустақил бир китоб ёзмоқ иродаси банда дилимда бор. Муваффақ бўла олсам, анда баён қилурман.

127. Ҳазрати Оиша Розииллоҳу анҳу дебдурлар: Қўл гўшти ҳақиқатда Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳаммадин зиёда маҳбуб гўшт эмас эрди. Балки гўшт ўзи гоҳо-гоҳо пиширилур эрди. Ва қўл гўшти бошқа гўшглрдан тезроқ пишиб, тайёр бўлур эрди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шунинг учун ани тановул қилмоққа роғиб бўлур эрдиларки, тезроқ таомдин фориг бўлиб, ўз ишлариға машғул бўлсунлар.

128. Ҳазрат Абдуллоҳ бин Жаъфар Розииллоҳу анҳумо дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитдимки, дер эрдилар: орқа гўшти гўшгларнинг яхшироғидур. Бу ҳадисдан маълум бўлурки, Жаноб гоҳо бу гўшгдин ҳам тановул қилган бўлурлар.

129. Ҳазрат Умму Ҳониъ Розииллоҳу анҳо дебдурлар: (Макка фатҳ қилинган кунларда Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимға келиб қолдилар, дедилар: Уйингда ейиладургон ҳеч бир нарса борми? Мен арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, қотган нон ва сиркадан бошқа ҳеч нарса йўқдур.

Марҳамат қилдилар, аларни келтир. Қайси уйда сирка бор бўлса, ул уйда эдом ¹¹⁰ йўқ деб бўлмас.

Ф о й д а: Аллоҳу акбар. Ҳаёти набавийи содда ҳаёт эрди. На анда такаллуф бор ва на анда йўқни йўндириш бор. Кошкн бу замон мусулмонлари бизлар, ўз раҳбаримиз ва ўз пешвоимздан шундоқ осён ва енгил ҳаёт кечиришни таълим олсак. Қолган умримизни Жанобга итбоъ ила ўтказсак.

130. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Сариднинг фазилати бошқа таомларга қандоқ бўлса, Оиша Розиеллоҳу анҳонинг фазилатлари бошқа хотунларга шундоғдур.

Ф о й д а: Гўштилик шўрбоға нон тўғралса, ани Сарид дейилур, Анинг ҳақида дебдурларки, анда комил ғизолик бордур. Лаззати ва қуввати ортиқдур. Ҳатто дейилибдур, қариларни ёш қилур.

131. Ҳазрат Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир бор Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам пишлоқ еб, таҳоратларини янги қилдилар. Яна бир бор, қўй кифтидан еб, таҳоратларини янги қилмай, намоз ўқидилар.

Ф о й д а: Уламолар дебдурлар: Ислом динида нбтидода ўтда пиширилган нарса ейилганда, таҳорат синур эрди, кейин бу ҳукм мансуҳ бўлди. Пишлоқ еб таҳорат қилган замонлари шул ҳукм бор замондур. Кейин гўшт еб, таҳорат қилмай намоз ўқиган замонлари ул мансуҳ замон бўлган бўлур.

132. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам волидамиз ҳазрат Сафийа Розиеллоҳу анҳонинг тўйларини хурмодан ва талқондан қилиб бердилар.

Ф о й д а: Ҳазрат Сафийа онамиз Ҳазрат Ҳорун алайҳиссалом авлодларидандурлар. Еттинчи сана ҳижрийда Ҳайбар урушида аср тушдилар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ул зотни озод қилдилар ва ўз никоҳларига олдилар. Ва сафар устида тўйларини ҳам қилиб бердилар. Ушал соатларда нима мавжуд бўлган бўлса, ани ила тўй қилиб бердилар.

133. Ҳазрат Салмо Розиеллоҳу анҳо (бу зот ҳазрат Абу Рофиъ Розиеллоҳу анҳу Расулуллоҳу алайҳи васалламнинг хотинларининг ходими, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ходималари ва ошпазлари ва нури-дийда Расулуллоҳ ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг дояларидан марвидурки: бу зот қошларига ҳазрат имом Ҳасан ва ҳазрат Абдуллоҳ бин Аббос ва ҳазрат бинни Жаъфар Розиеллоҳу анҳум келибдурлар. Эй, Салмо, бизлар учун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга марғуб ва рағбат билан ейдурган бир таомларини пишириб беринг. Салмо дебдурлар: Эй, ўғилчам, бугунги кунларда ул таомни орзу қилиб ўлтирма. Ул таом йўқлигида ночорликда ейилладурган таом эрди. Имом Ҳасан дедилар: Ори. Биз ани орзу қилурмиз. Кейин Салмо турдилар. Бир оз арпа олиб, ани тегиримон қилдилар. Кейин ани

қозонга солдилар. Устига озроқ зайтун ёғидан қўйдилар ва қорамурч, зира, қуруқ кашнич, занжабинларни туйиб солдилар. Пишгандан кейин олиб келиб қўйдилар. Ва дедиларки, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга марғуб таом бу эрди. Ва шуни рағбат ила еб эрдилар.

134. Ҳазрат Жобир бин Абдуллоҳ Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бизнинг уйимизга марҳамат қилдилар. Биз Жаноблари учун қўй сўйдик. Жаноб дедилар: гўё буларга бизнинг гўштни яхши кўришимиз маълум экан. Имом Термизий дерлар: Бу ҳадисда бир мустақил воқеа ҳам бор.

Ф о й д а: Жаноби Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аларга қилган сўзлари ниҳоятда дилдорлик ва изҳори хурсандчиликдан эрди. Ул қиссани иншоолло, мўъжиза китобида ёзурмиз.

135. Ҳазрат Жобир Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам уйларидан чиқиб, бир ансорий хотин уйларига кирдилар. Мен ҳам Жанобга ҳамроҳ эрдим. Ул хотин Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам меҳмондорчиликлари учун қўй сўйдилар. Андин Жаноб тановул қилдилар, кейин бир хурмо толасидан тўқилган товоқда янги хурмо келтирдилар. Андин ҳам едилар. Кейин намозни зуҳр¹¹ учун таҳорат қилдилар, намоз ўқидилар. Кейин яна ўшал хотин уйларига қайтиб бордилар. Ул киши эввалги гўштан қолган ҳиссасини келтириб қўйдилар. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам андин ҳам тановул қилдилар. Кейин бошқа таҳорат қилмай, асир намозини ўқидилар.

Ф о й д а: Бу ҳадисда устма-уст емакнинг жонзлиги маълум бўлур. Башартики, бадҳазмлик хавфи бўлмаса. Агар хавфи бўлса, тиб қондасича, зарар қилур.

136. Ҳазрат Умму Мунзир Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимга марҳамат қилдилар. Ҳазрат Али Розиеллоҳу анҳу ҳам баробар ҳамроҳ эрдилар. Уйимизда шоҳлари ила узиб олинб қўйилган хом хурмо бошлари бор эрди. Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўшал бош хурмолардин пишганларини териб олиб едилар. Ҳазрати Али ҳам баробар едилар. Шунда Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазрат Алига боқиб, бас, энди емагил, сан беморликдан янги бош кўтаргандурсан, дедилар. Ҳазрат Али бас қилдилар. Жаноб эса яна едилар, кейин мен булар учун бироз силк¹² ва арпадин мураккаб таом тайёрладим. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазрат Алига дедилар: Мана бу таомдан тановул қилки, сенга ниҳоятда мувофиқ келур.

Ф о й д а: Бу ҳадисдан маълум бўлур, сабабларнинг рноyesi таваккулга мохолиф эмасдур.

137. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳу дебдурларь Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг қошимга келиб,

уйингда емак учун бирор нарса борми, деб сўрар эрдилар. Мен «йўқ» деб жавоб берсам, мен бугун рўзадорман, деб қўяр эрдилар. Бир кун келиб сўрадилар. Мен дедим: Ё, Расулаллоҳ, бизга бир ердан ҳадя келгандур. Жаноб сўрадилар: Нима ҳадя? Мен дедим: Хурмо, ёғ ва пишлоқдан бўлган холвадур. Жаноб дедилар: Мен бугун сабоҳ нафл рўза ният қилган эрдим. Кейин ул холводни тановул қилдилар.

Ф о й д а: Бу ҳадисдан тушунарли бўладики; нафл рўза учун кундуз ният қилса ҳам бўлур. Имом Аъзам ва имом Шофиъи, Раҳимаҳумаллоҳу мазҳаблари шулдур: имом Молик мазҳабларида нафл рўза учун ҳам кечқурун ният даркордир. Иккинчи, нафл рўза бузилса ҳам бўлур, лекин Ҳанафий мазҳабида қазоси вожибдур.

138. Ҳазрат Юсуф бин Абдуллоҳ бин Салом Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун мен Жаноби Расулulloҳу алайҳи васалламни кўрдимки, бир бурда нон, арпа нонидан қўлларига олдилар. Устига бир дона хурмо қўйиб дедилар, буни нонхуруши будир. Кейин ани тановул қилдилар.

139. Ҳазрат Анас Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга қозон тагида ё товоқ тагида қолган таом ниҳоятда марғуб эрди.

Ф о й д а: Бу ҳадис ва юқоридаги ҳадиснинг Жаноби Сайинди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дунё маишатига ниҳоятда эҳтимомланининг кам бўлганлиги ва тавозеъ ҳокимсорликларининг бамисол эканлиги маълум бўлур. Саллоллоҳу алайҳи васаллам.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТАОМ ТЕПАСИДА ВУДУЪ¹¹³ ҚИЛИШЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

140. Ҳазрат ибн Аббос Розийллоҳу анҳумо дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам байтул халодин¹¹⁴ чиқдилар. Хизматлариға таом ҳозир қилинди ва таҳорат учун сув келтирмайлукми, деб сўралди. Жаноб иршод қилдиларки, ҳақиқатда мен намоз учун турмоқчи бўлсам, ўшал вақтдагина вуду қилмоққа маъмурдурман¹¹⁵.

141. Ҳазрат Салмон Форсий Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Мен тавротда ўқидимки, таомнинг баракаси, орқасидан қўл ювишдадур. Бу масалани Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга арз қилдим. Жаноб марҳамат қилдилар. Таомнинг барокатлик бўлиши андин аввал ва андин кейин қўл ювишдадир.

Ф о й д а: Вудуъдан мурод аввалги ҳадисда истилоҳи намоз таҳоратидур. Иккинчи ҳадисда, қўл ва оғиз ювмоқнинг ўзидур. Аввали ҳадисдан намоз вудуъсининг таом устида зарур эмаслиги, фақат қўл ва оғизни ювиб қўйилса, кифоя эканлиги маъ-

лум бўлур. Иккинчи ҳадисдан таомдан аввал ва кейин қўл ювмоқнинг матлублиги, мустаҳаблиги мафҳум бўлди.

Уламолар дебдурларки, таомдан аввал қўл ювилганда, бўладурган баракат шулдурки, қўл ювиб ейилган таом зпёда бўлур, ҳаммага кифояли бўлур, егувчиларнинг қоринлари тўйиб таомдан кейинги бўладиган барокат шулдурки, нима мақсад ва нима ғараз учун бу таом ейилиб турилган бўлса, ўшал мақсад иншоолло, ҳосил бўлур. Таом ўзи яхши ҳазм бўлур. Баданга қўшилур, нишот¹¹⁶ пайдо бўлур. Ибодатларга ва яхши ахлоқларга сабаб бўлур.

**БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ
САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТАОМДАН
АВВАЛ ВА КЕЙИН УҚИЙДИГАН АЛФОЗЛАРИ
ҲАҚИНДА БАЁН
Қ И Л И Н У Р**

Яъни таомнинг аввал ва охирида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган лафзлар ва дуоларни зикр этилур.

142. Ҳазрат Абу Айюб Ансорий Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун бизлар Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларида эрдик. Жаноб ҳузурларига таом ҳозир қилинди. Мен ул кунги таом каби аввалида, яъни емак бошлаганимизда ниҳоятда буюк баракатли ва охирида, ниҳоятда кам баракатли таомни кўрмаган эрдим. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга бу нечук деб арз қилдик. Жаноб дедилар: бизлар емак бошлаганимизда худо номини олдик ва бисмиллоҳ дедик, кейин келган одам бисмиллоҳ демай, емак шуруъ¹¹⁷ қилди. Ва бисмиллоҳ демади. Ва шайтон анинг ила баробар емакка ўлтирди. Анинг учун таомдин барокат қочди.

Ф о й д а: Шайтон ҳам бир маҳлуқдур, емак ва ичмак сифатлари ила сифатланади. Бу ҳақиқатдир. Тушунтиришга ҳожат йўқдур. Таом егувчи танҳо бисмиллоҳ деб ҳам қўйса бўлур, лекин бисмиллоҳир раҳмонир раҳим афзалдир. Уламолар дебдурларки: бисмиллони баланд овоз билан айтилсун, токи демаганлар десунлар. Бисмиллоҳ демак суннати айнийдир, кифоя эмасдур.

143. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳодан марвидур: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Қачон сизлардан бирингиз таом аввалида БИСМИЛЛОНИ унутиб қўйса, хотирига тушган замон БИСМИЛЛО АВВАЛАҲУ ВА ОХИРАҲУ десун. Яъни, аввалида ҳам ва охирида ҳам худо номини олдим.

144. Ҳазрат Умар бин Аби Салама Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига кирдилар. Жаноб қошларида таом мавжуд эрди. Дедилар: Яқин кел, эй ўғилчам.

Ва БИСМИЛЛО дегин ва ўнг қўлинг ила егил. Ва ўз олдиндан егил.

Ф о й д а: Ҳазрат Умар бин Аби Салама Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўғай ўғилларидурлар. Бу ҳадисдаги одоблар ҳаммаси суннатдур. Таом еганда аввал БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ дейилсун ва кейин ўнг қўл ила тановул қилинсун. Ва ўз олдиндан олсун. Баъзи уламолар қавилларича ўнг қўл ила емак вожибдур.

145. Ҳазрат Абу Саъид Хударйи Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон таомларидан фориг бўлсалар, бу дуони ўқир эрдилар. «АЛ-ҲАМДУ ЛИЛЛОҲИ АЛЛАЗИ АТ АМАНА ВА ВАСОҚОНА ВА ЖАЪЛАНА МИНАЛ МУСЛИМИНА» (Таржимаси: Ҳамд ул худогаки, бизларга таом берди ва сув берди ва бизларни мусулмонлардан қилиб яратди).

146. Ҳазрат Абу Умома Розийллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон ҳузурларидан дастурхон кўтарилса, бу дуони ўқир эрдилар: «АЛ-ҲАМДУ ЛИЛЛОҲИ ҲАМДАН ҚАСИРАН ТАЙЙИБАН МУБОРАҚАН ФИҲИ ҒАЙРА МУВАДДАЪИН ВАЛО МУСТАҒНАН АНҲУ РАББАНО» (Таржимаси: Ҳамма ҳамд Аллоҳ Таолога хосдур. У шундоқ ҳамдки, ниҳояси йўқдур, покдур, барокатлидур. Шундоқ ҳамдки, на ани қўйиб бўлур ва на андин беҳожат бўлинув. Эй, раббимиз, шукримизни қабул айла).

147. Ҳазрат Онша Розийллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир таомни олти нафар саҳоба билан тановул қилиб туриб эрдилар. Ногаҳон бир бадавий келиб қолди. Қолган таомнинг ҳаммасини икки луқма қилиб, тугатиб қўйди. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Агар бу одам БИСМИЛЛО деб шуруъ қилса эрди бу таом ҳаммаларингизга кифоя қилур эрди, яъни, аввал БИСМИЛЛО дейилган эрди. Охирида бир кишининг БИСМИЛЛО демай шуруъ қилишидан шайтон таомга шерик бўлди. Кейин андан барокат учди.

148. Ҳазрат Анас Розийллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Алло Таоло банданинг бу ишидан ниҳоятда хуш бўлурки, ул бир луқма таом ер ва анинг учун худога ҳамд айтур. Ё бир ичми сув ичур ва анинг учун худога ҳамд айтур.

АЛЛОҲУММА ЛАКА-Л-ҲАМДУ ЛО НУХСИ САНОАН
АЛАЙКА.

**БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ
САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ СУВ
ИЧАДУРГАН ПИЕЛАЛАРИ
ҲАҚИНДА БАЕН
Қ И Л И Н У Р**

149. Имом Собит Буноний дебдурлар: Ҳазрат Анас Розиеллоху анху бир кун бизларга бир йўғон ва темир била қадоқ қилинган ёғоч пиёлани олиб чиқиб кўрсатдилар. Ва дедилар: бу пиёла Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васалламнинг сув ичадиган пиёлалари эрди.

Ф о й д а: Уламолар дебдурлар: бу пиёла ҳазрат Анаснинг ўғиллари Назор ўлганларида меросларининг қаторида бор эрди. Ул саккиз юз минг тангага сотилди. Ва ҳазрат имом Бухорий ўшал пиёлада сув ичибдурлар.

150. Ҳазрат Анас Розиеллоху анху дебдурлар: Мен бу пиёла ила Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васалламга ичимлик нарсаларнинг ҳаммасини, яъни, сувни, набизни, асални ва сутни ичирдим.

Ф о й д а: Араблар хурмо, кишмиш ва бошқа нарсаларни сувга ивитиб қўйилса, набиз дерлар. Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам учун ҳам баъзи кечаларда хурмо ва бошқа нарсаларни ивитиб қўйилур эрди. Тонг отгач, ани ичар эрдилар.

**БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ
САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҚАЙСИ
МЕВАЛАРНИ ТАНОВУЛ ҚИЛГАНЛИКЛАРИ
ҲАҚИНДА БАЕН
Қ И Л И Н У Р**

151. Ҳазрат Абдуллох бин Жаъфар Розиеллоху анхумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам бодрингни янги хўл хурмо ила қўшиб ер эрдилар.

Ф о й д а: Бодринг мижози совуқдир, хурмо мижози иссиқдур. Агар ҳар иккисин қўшиб ейилса, мўътадил ва фойдали бир таом ейилган бўлур. Бодринг масона¹¹⁸ дардиға манфаат қилур. Янги хурмо боҳға¹¹⁹ қувват берур. Жаноби Сайинди олам саллоллоху алайҳи васаллам бир қўлларига бодринг ва бир қўлларига янги хурмони ушлаб туриб, бир бор бундан иккинчи бор ундан тановул қилур эрдилар.

152. Ҳазрат Анас Розиеллоху анху дебдурлар: Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам қовун билан янги хурмони қўшиб ер эрдилар.

153. Ҳазрат Абу Ҳурайра Розиеллоху анху дебдурлар: Одамлар қачон дарахтлари мева қилса ва аввалини кўрсалар, ани Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам хизматла-

риға туҳфа келтирур эрдилар. Жаноби Саййиди олам саддоллоху алайҳи васаллам ул туҳфани қўлларига олиб туриб, дуо қилур эрдилар. Дер эрдилар: «Эй, Аллоҳ, бизнинг меваларимизга барокат ато қил. Ва бизнинг шаҳримизга барокат ато қил. Ва бизнинг соғимизга ва муддаимизга барокат ато қил. Эй, Аллоҳ, ҳазрат Иброҳим, сенинг хос банданг ва ҳалилинг ва набийинг эрдилар. Мен ҳам сенинг банданг ва набийингдурман. Ҳазрат Иброҳим Макка учун санга дуо қилдилар ва мен Мадина ҳақида санга дуо қилурманки; ул зот Макка учун талаб қилган нарсани бир баробарин ва яна бир баробарин ато қил. Кейин қайси бир ёш болани кўрсалар, ани чақириб; ул янги мевани анинг қўлига берур эрдилар. Чунки инсонларнинг улуғлари бир нарса ҳаммага муяссар бўладирган даражада сароб бўлмаса, ани тановулига диллари мойил бўлмас.

154. Ҳазрат Рубайъ Розиеллоху анҳо дебдурлар: Бир кун менинг амаким Маоз бин Афроъа Розиеллоху анҳо бир табаққа янги хурмо солиб устига майда тукли янги бодринглардан қўйиб, менинг қўлимдан Жаноби Расули ақрам саллоллоху алайҳи васаллам хизматларига юбордилар. Жаноби Расулуллоху саллоллоху алайҳи васаллам бодрингни яхши кўрур эрдилар. Мен ул табақни олиб, хизматларига ҳозир бўлдим. Иттифоқо, ўшал вақтда Жаноб қошларида Баҳраиндан келган хирождан бир мунча тақинчоқлар бор экан. Андин бир кафт тўлдириб, менга марҳамат қилдилар.

Ф о й д а: Бу ҳадисни ривоят қилғувчи зот, исломнинг буюк душмани Абу Жаҳлни ўлдирган икки ёш саҳобанинг бирларин қизларидурлар. Ул малъунни бу қизнинг оталари Муъаввиз билан амакилари Маъоз иккалалари ўлдиргандирлар.

Ф о й д а: Уламолар дебдурларки, хурмо билан бодрингни қўшиб ейилса, озғин одам семирур, чунончи волидамиз ҳазрат Оиша Розиеллоху анҳо дебдурлар: Мени Жаноби Расулуллоху саллоллоху алайҳи васалламга духула¹²⁰ учун топширур вақтларида волидамизга озғинлигим учун фикр бўлибдур, дебдурлар. Қизим бир оз семирса ва баданига бадан қўшилса яхши бўлур эрди. Ҳазрати Саййиди олам саллоллоху алайҳи васаллам хизматларига яраб қолур эрди. Бу хаёлни қилиб, орқасидан манга янги хурмо билан бодринг едира бошлабдурлар. Алҳамду лиллоху андин менинг баданимга бадан қўшилиб, ўзим бир оз семириб ҳам қолдим.

**БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АҚРАМ
САЛЛОЛЛОХУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ИЧАДУРГАН
НАРСАЛАРИ ВА ИЧИШЛАРИ
ҲАҚИНДА БАЁН
Қ И Л И Н У Р**

155. Ҳазрат Оиша Розиеллоху анҳо дебдурлар: Жаноби Расулуллоху саллоллоху алайҳи васалламга ичимликлар ичинда ҳаммадин маҳбуброғи ўзи ширин ва совуқ бўлган нарса эрди.

Фойда: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам таом ҳақида ниҳоятда бетакаллуф бўлсалар ҳам ичимлик ҳақида совуқ ва ширин сувни кўп яхши кўрур эрдилар. Анинг учун Мадинадан неча мил узоқ сақёдин Жаноб учун хос сув келтирилур эрди. Бу ердаги совуқ ширин шаробдан мурод, ивитиб қўйилган хурмо ё майиз бўлса ҳам бўлур, ё асал шарбатн бўлса ҳам бўлур. Ё тўғри ширин муздек сув бўлса ҳам бўлур. Ё тўғри ширин муздек сув бўлса ҳам бўлур. Ичиладиган сувда совуқлик ва ширинлик сифати жам бўлса, сиҳатни муҳофаза қилур. Дил ва жигарга ниҳоятда фойда қилур.

156. Ҳазрат ибн Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Бир кун ман ва ҳазрат Холид бин ал-Валид иккимиз Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила ҳазрат Уммул муъминина Маймуна Розиеллоҳу анҳо хоналарига кирдик (Бу волидамиз бу ул икки зотнинг холалари бўлурлар). Ҳазрат волида бир идишда сут олиб келдилар. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам андин ичдилар. Мен ўнг тарафларида эрдим. Ҳазрат Холид чап тарафларида эрдилар. Жаноб дедилар: Эй, Абдуллоҳ, ҳозир ичмак, сенинг ҳақингдир, чунки ўнгда ўлтирибдурсан, лекин Холидга ўз ҳақингни кечиб берсанг, ихтиёринг бордур. Мен арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, ўзларидан насиб бўлган сарқит давлатини ҳеч кимга бера олмасман. Кейин Жаноб дедилар: Ҳар кимга Аллоҳ Таоло бир қисм таом насиб қилса, ҳамдини кейин десун. Ё Аллоҳ, бу берган ризқингни бизлар учун муборак қилгин ва бундин ҳам яхшироғини ато қилгин ва ҳар кимга Аллоҳ Таоло сут неъматини насиб қилса, десун: Ё Алло, бу сут неъматини бизлар учун муборак қилгин ва бу неъматдан бизларга кўпроқ бергил. Кейин Жаноб дедилар: Дунёда ҳеч бир неъмат ҳам таом, ҳам шароб бўла олмас. Магар сут шундоқ неъматдурки, инсон учун ҳам таомдур, ҳам шаробдур.

157. Ҳазрат ибн Аббос Розиеллоҳу анҳодин марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам зам-зам шарифдан тикка турган ҳолларида ичдилар.

158. Ҳазрат Абдуллоҳ бин Умар Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни мен кўргандурманки, тикка туриб ҳам ва ўлтириб ҳам ичур эрдилар.

Фойда: Уламолар дебдурлар: Зам-зам шарифни тикка туриб ичмак, афзалдур. Тикка туриб ичмак хилоф увлодур.

159. Наззол бин Сабра дебдурлар: ҳазрат Али Розиеллоҳу анҳу бир кун Кўфа масжидининг майдонида, яъни ўз дорилҳукмларида эрдилар. Бир кўзачада сув хизматларига келтирилди. Ҳазрат ул сувдан бир кафт олдилар. Анинг ила икки қўлларини ювдилар. Ва оғиз, бурунларини чайдилар. Юзларига ва икки билакларига, бошларига масҳ тортидилар. Кейин тикка турган ҳолларида сувдан ичдилар. Ва дедилар: Бу таҳорати бор одамнинг таҳоратидур. Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундоқ қилганларини кўрдим.

Фойда: Уламолар дебдурлар: Бу ривоятдаги масҳда мурод, енгил ювмоқдур. Бу ривоятда оёқ зикри бўлмаса ҳам бошқа бир ривоятда келгандур. Ғараз бундан, таъжидд вдуъ-дур¹²¹. Бу ҳадисда таҳорат қилиб бўлгандан кейин қолган сувдан тикка туриб ичмакнинг жоизлиги маълум бўлур. Фикҳ¹²² китобларида зам-замни ва таҳоратдан ошиб қолган сувларни тикка туриб ичмакнинг жоизлиги аниқ қилиб ёзилгандур. Балки, аллома ибн Обидийн таҳорат сувини туриб ичмакни беморликлар учун мужарраб шифо эканлигин баъзи акобирдан нақл этибдурлар. Мулла Али қори шарҳи-шамойилда мустаҳаб дебдурлар.

160. Ҳазрат Анас бин Молик Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг одат шарифлари қачон сув ичсалар, идиш қўлларида туриб, уч бор дам олур эрдилар. Ва дер эрдиларки: Бу тариқа ичмакдан сув баданга яхши борур ва лаззатли бўлур ва ташналиқни мукамал даф қилур. Уламолар дебдурлар: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон сув косасини қўлларига олсалар, бир ичиб, косани узоқ қилиб туриб, «АЛҲАМДУ ЛИЛЛОҲИ» дер эрдилар. Шу тариқада уч бўлиб ичур эрдилар. Ҳар дафъа аввалида БИСМИЛЛО ва охирида АЛ-ҲАМДУЛИЛЛОҲ дер эрдилар.

161. Ҳазрат ибн Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам сув ичсалар икки бор дам олур эрдилар. Яъни, баъзи вақт шундоқ бўлур эрдикки, аксари вақт уч дам ила ичур эрдилар. Бир дам ила ичмас эрдилар.

162. Ҳазрат Кабша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимга ташриф қилдилар. Уйда бир мешда сув бор эрди. Осиглиқ турган эрди. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ул меш оғзидан тикка туриб, сув ичдилар. Кейин мен туриб, мешнинг оғзини қесиб олиб қўйдим.

Фойда: Уламолар мешнинг оғзини қесиб олганликларига икки сабаб баён қилибдурлар: бири, табаррук қасди ила, иккинчиси, бошқанинг оғзи тегиб, беадаблик бўлмасин андишаси ила.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ХУШБУ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

163. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир неча яхши ислик нарсалардан жам қилинган хушбулари бор эрди. Ёки хушбуларни солиб қўядурган бир идишлари бор эрди. Қачон хушбу истеъмол қилмоқчи бўлсалар, андин истеъмол қилур эрдилар.

164. Ҳазрат Анас Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам одат шарифлари бир киши хушбу ҳады қилса, рад қилмас эрдилар.

165. Ҳазрат ибн Умар Рознёллоҳу анҳумодан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Уч нарса қайтарилмасин: биринчи, суянадургон ё бошга қўйиладургон болиш каби нарсаларни. Иккинчидан, хушбу аралаштирилган ёғни, учинчи, сутни.

166. Ҳазрат Абу Ҳурайра Рознёллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Эрларга муносиб хушбу ул нарсадурки, иси ўткир ва маълум бўлиб, ўзи махфий бўлсин, чунончи гулоб каби нарсалар. Хотунларга муносиб хушбу улдурки, ранги маълум, иси махфий бўлсин, чунончи, заъфарон ва хино каби нарсалар.

167. Ҳазрат Абу Усмон Наҳдий дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан марвидур: Қачон сизлардан бир кишига райҳон берилса, ани қайтармасун, чунки райҳон жаннатдан чиққандур.

Ф о й д а: Райҳондан мурод шул, ҳаммага маълум райҳондур, ё мутлоқ бўйи хушдур.

Ф о й д а: Абу Усмон Наҳдий ҳазратлари Яманнинг Бани наҳд деган бир қабиласига мансуб бўлиб, номлари Абдурахмондур. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларида мусулмон бўлгандурлар. Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила кўришмагандурлар. Юқоридаги ҳадисни саҳобаларнинг бирларидан ривоят этгандурлар. Ани учун бу ҳадисни мурассал дейилур.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ХУЛҚ ИЛА СЎЗ ҚИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

168. Ҳазрат Ойша Рознёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари сизларнинг сўзларингиз каби пайдар-пай ва тез-тез бўлмас эрди. Балки, соф-соф, ҳар жумлалари бир-биринин алоҳида ва равшан бўлур эрди. Мажлисларида бор одам сўзларини тушуниб, ёд ҳам қилиб олур эрди.

169. Ҳазрат Анас Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзи вақтларда уч бор бир сўзни такрор қилур эрдилар. Яъни, мазмуни мушкул бўлган сўзни халқ яхши тушунсин деб, уч марта қайтариб айттар эрдилар.

170. Ҳазрат имом Ҳасан бин Али Рознёллоҳу анҳумо дебдурлар: Мен ўз тоғам Ҳинд бин Абн Ҳола Рознёллоҳу анҳудан савол қилдим: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қандақ сўз қилур эрдилар? Менга баён қилинг. То-

ғам, жаддим¹²³ васфларини кўп қилур эрдим. Дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам доим охират ғамига машғул эрдилар. Ҳамиша уммат фикрида бўлур эрдилар. Анинг учун Жанобда ором ва роҳат деган нарса бўлмас эрди. Аксари, хомуш юрур эрдилар. Ҳожати йўқ сўзларни қилмас эрдилар. Ва сўзларини худо номи ила бошлаб, худо номи ила тамом қилур эрдилар. Ва сўз қилсалар, бутун оғизлари ила қилур эрдилар. Лабларин учи ила сўзлаб қўя қолмас эрдилар. Сўзларин лафзлари оз, маънолари кўп бўлур эрди. Сўзлари бир-биридан ажралган бўлур эрди. На анда ҳожатдан зиёда алфоз ва на камчилик бўлур эрди. Ўзлари тез миждоз ва бошқани хор қиладурган зот эмас эрдилар. Неъмат қанчалик ҳақир бўлсин, ани ҳурмат қилур эрдилар. Аши ёмон демас эрдилар. Мисол учун, бир таомни на мазаммат ва на мадҳ қилур эрдилар. Дунё ё дунёвий нарсалар учун ҳаргиз ғазаблари келмас эрди. Яъни, дунёни ҳеч бир нарса фаҳм қилмас эрдилар, балки, қачон бир киши ҳақдин тажовуз қилса, ул ҳолда ғазабларини ҳеч бир нарса босолмас эрди. Андин интиқом олмай қўймас эрдилар. Ўз жонлари учун бир кишидан хафа ҳам бўлмас эрдилар ва интиқом ҳам олмас эрдилар. Қачон бир тарафга ишора қилмоқчи бўлсалар, бармоқлари ила эмас, балки, бутун кафтлари ила ишора қилур эрдилар. Ва қачон бир нарсадан таажжуб қилсалар, кафтларининг орқасини кўрсатур эрдилар. Ва қачон сўз қилсалар, гоҳо-гоҳо кафтларини қимирлатур эрдилар. Ва гоҳо ўнг кафтларини чал бош бармоқларининг ичига урур эрдилар ва қачон ғазаблари келса, юзларини ўгирур ва беилтифотлик кўрсатур эрдилар ё афв этур эрдилар. Ва қачон хуш бўлсалар, ҳаёдин муборак кўзларин юмган каби кўригур эрдилар. Аксари, кулишлари беовоз, табассум эрди. Кулсалар муборак тишларин доналари дур каби оқ ва жилвалик кўригур эрди. Саллоллоҳу алайҳи васаллам.

**БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ,
АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ КУЛИШЛАРИ
ҲАҚИНДА БАЕН
ҚИЛИНУР**

171. Ҳазрат Жобир Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак соқлари бир оз ингичка эрди. Ва кулишлари табассумнинг ўзи эрди. Ва мен қачон назар қилсам, дер эрдимки: Жаноб сурма қўйгандурлар. Холбуки, сурма қўймоғон бўлур эрдилар.

172. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Ҳорис Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан зиёда табассум қиладурган бир зотни кўрмадим. Яъни, кулишларидан табассумлари зиёда эрди. Ёки ўзлари нақадар ғамда бўлсалар ҳам, саҳобаларга табассум ила мулоқат этур эрдилар.

173. Ҳазрат Абу зар Рознёллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Мен яхши билурман, ул одамники, ҳаммадан аввал жаннатга кирур ва ул одамники, ҳаммадан охирида жаҳаннамдин чиқур. Қиёмат кунини бир одамни худованди Акбар дарборийга¹²⁴ ҳозир қилинур ва дейилурки, бу одамнинг кичик-кичик гуноҳларини ўзига арз қилинсун. Ва катта-катта гуноҳлари маҳфий сақлансун. Кейин анга дейилур, сен фалон кунда, фалон-фалон гуноҳларини қилгандурсан. Ул бечора ҳаммасига иқрор бўлур, инкор этмас. Чунки ул мақомда нарсига инкор қилиб уҳдасидан чиқа олмас. Ва дилида ниҳоятда қўрқиб турурки, катта-катта гуноҳлардан сўралиб қолса, ҳоли нечук бўлур. Шундоқ ҳолда турганда худо тарафидан амр келурки, бунинг бу қилган ёмонликларини муқобилига бир-бир яхшилик берилсин. Бу ҳукми эшитган замон ул бечора дерки, ҳали мени бир мунча гуноҳларим бордурки, аларни мен бу ерда кўрмай турибдурман. Ҳазрат Абу Зар дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Бу сўзни деб шундоқ кулдиларки, охири муборак тишлари ҳам кўринди.

174. Ҳазрат Жарир бин Абдуллоҳ Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам мени мен мусулмон бўлган кундан бошлаб, уйларига киришдан ман этмадилар ва мени қачон кўрсалар, албатта, табассум қилур эрдилар, чунки Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам бу зотни кўрсалар, хуш бўлур эрдилар. Бу зот тўққизинчи ҳижрийда мусулмон бўлган эрдилар. Бу зот ҳақларида ҳазрат Умар Рознёллоҳу анҳу Жарир уммати исломиянинг Юсуфидур, дебдурлар.

175. Ҳазрат Абдуллоҳ бин Масъуд Рознёллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Мен ул одамни яхши танирманки, ҳаммадан кейин дўзахдан чиқур. Ул одам, дўзахдан думбаси ила судралиб чиқур. Анга дейилурки, бор жаннатга киргил, ул жаннатга кирмак учун борур. Лекин кўрурки, одамлар ҳаммалари ўз ўз жойларини олиб, жойланиб бўлибдурлар. Қайтиб бориб, арз қилур: Ё, раббий, одамлар ўз жойларини олиб бўлибдурлар. Анга дейилурки, дунёда ўзинг ўтган замон хотирингда борми? Кейин Аллоҳ таоло, эй бандам, таманно қил ва нимани талаб қилмоқчи бўлсанг, қил. Ул таманно қилур, кейин анга дейилурки, энди сенга таманно қилган нарсаларингни ва ўзинг кўрган дунёнинг ўн баробарини берилур. Бу сўзни эшитиб, бечора дерки; Эй, Худо, подишоҳлар подишоҳи бўлиб туриб, мени масхара қилурсанми? Ибни Масъуд дебдурлар, Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Бу сўзни қилиб туриб, шундоқ кулдиларки, муборак тишлари равшан кўринди.

176. Ҳазрат Али бин Рабиъа Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Мен ҳазрати Али Рознёллоҳу анҳу хизматларида эрдим. Ул зотга микмак учун маркаб¹²⁵ ҳозир қилинди. Жаноб узангига

оёқларини қўйган замон БИСМИЛЛО дедилар. Ва маркабга минган соатларида дедилар: АЛҲАМДУЛ ЛИЛЛОҲ. Кейин дедилар: Субҳона-л-лазн сахҳара лано ҳазо ва мо кунно лаҳу муқримийна ва инно ила Раббинно ламунқалибуна.

Таржимаси: Покдур ул зотки, мустаххар қилди бизларга бу жониворни ва бизларда бунни минмак учун тоқат йўқ эрди ва биз албатта, парвардигоримиз ҳузурига бир кун қайтиб борурмиз. Кейин уч бор дедилар: АЛҲАМДУЛИЛЛО. Ва уч бор дедилар: ОЛЛОҲУ АКБАР, СУБҲОНАКА ИННИ ЗАЛАМТУ ФАҒФИР ЛИ ФАИННАҲУ ЛО ЯҒФИРУЗ—ЗУНУБА ИЛЛО АНТА. Кейин Ҳазрати Али Розииллоҳу анҳу кулдилар: Мен дедим: Ё, амирал муъминин на учун кулурлар? Ҳазрат дедилар: Мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдимки, мен деган нарсаларни дедилар. Кейин кулдилар. Мен дедим: Ё, Расулalloҳ, нима учун кулдилар? Жаноб дедилар: Таҳқиқ парвардигоринг хуш бўлур, бандасини вақтики, бандаси деса, эй парвардигорим, менинг гуноҳларимни мағфират қил. Банда бу сўзни қилган вақтида эътиқоди шундоқ бўлсинки, анинг гуноҳларини худодан бошқа мағфират қилувчи бир зот йўқдур.

177. Ҳазрат Омир бин Саъд дебдурлар: Ҳазрат Саъд Розииллоҳу анҳу дедиларки: Мен Жаноб Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни Ҳандақ ғазоти¹²⁶ бўлгон кунда кўрдим. Шундоқ кулдиларки, муборак тишлари тамом кўрилди. Ман дедим: нима учун кулиб эрдилар? Ҳазрати Саъд дедилар: Бир одам бор эрди, ўзи кофирлардан бўлиб, қўлида сепар бор эрди ва Саъд ўқ отишга моҳир эрди. Ул кофир Саъд ўқидан ўзини сақлаб қолмоқ учун ўнгга ва сўлга ўзини олур ва юзини сепари ила яширур эрди. Саъд ўқдонидин бир ўқ чиқариб, пойлаб турди. Вақтики, ул кофир бошини сепаридин алоҳида қилган эрди, ўшал соат анга қараб ўқ узди. Ўқ бориб, анинг пешонасига тегди. Филҳол ағдарилиб йиқилди ва оёғини кўтариб юборди. Бу ҳолни кўриб, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундоқ кулдиларки, муборак тишлари тамом кўрилди. Ман Саъдга дедим: Жаноби Расулulloҳ алайҳи васаллам нима нарсага кулдилар? Саъд деди: Саъднинг ул кофирга қилган ҳунаридан.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ МАЗОҲЛАРИН ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

178. Ҳазрат Анас Розииллоҳу анҳудан марвидурки, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ул зотни бир кун: «Эй, икки қулоғлик» деб чақирибдурлар.

179. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам биз ила мазоҳ ва мутоиба қилур эрдилар. Ҳатто бир кун менинг бир кичик укамга боқиб дедилар: Эй, Абу Умайр, нима қилди Нуғайф?

Фойда: Ҳазрати Анас дебдурлар: Менинг укамнинг кичкина бир қушчалари бор эрди. Ани боқиб, энинг ила ўйнаб, юпанур эрдилар. Иттифоқо, ул қушча ўлиб қолди. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам унинг ўлганлигини билиб туриб, болага дилдорлик қилиб, қушчага нима бўлди, дедилар. Бу камоли илтифотлари эрди. Уламолар дебдурларки, бу муҳтасар, оз илтифотлик бир ҳадисдан фуқоҳолар¹²⁶ юз адад масала айтибдурлар. Жонлар қурбон бўлсун, шундоқ бир маҳбубгаки, мазоҳи бир жумлаларидин юзлар масала диния вужудга келур. Саллоллоҳу алайҳи васаллам «Ҳаётулхайвон» соҳиби Нағрани булбул дебдур.

180. Ҳазрат Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳудан марвидур, саҳобалар дебдурлар: Ё, Расулаллоҳ, Жаноблари бизлар ила мазоҳ қилишурлар. Жаноби сарвари коинот¹²⁹ саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Ори. Мен мазоҳ қилурман, лекин ҳақдин бошқа бир сўзни қилмасман.

181. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир жиши Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматлариға келиб, минмак учун бир жонивор талаб қилди. Он ҳазрат саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Мен сени урғочи туянинг боласиға миндирмоқчидурман. Ул одам деди: Мен урғочи туя боласини нима қилурман? Жаноб дедилар: Бу ҳамма туяларни урғочи туя туғмай, нима туғади?

182. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Саҳроликлардан бир одам бор эрди. Номи Зоҳир эрди. Саҳродан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматлариға ҳада келтирур эрди. Ва қачон ўз аҳлиға ёнмакчи бўлса, Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам анга керакли нарсаларни ҳозир қилдириб берур эрдилар. Бир кун дедилар: Зоҳир бизнинг саҳромиздир. Биз анинг шаҳарликларидурмиз. Ва Жаноб ани яхши кўрур эрдилар ва ул одам шакли хунук, қилиғи маҳбуб эрди.

Бир кун Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам анинг қошига келдилар. Ва ул киши бозорда ўз молни халққа сотиб туриб эрди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам орқа тарафдан келиб, ани қучоқладилар. Ва ул киши бу зотни кўрмай: Бу кимдур, мени қўйиб юбор, дерди. Кейин орқасига қараб, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни таниб қолди. Сўнг нима қилсалар туриб берди. Кейин Жаноби саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ким бу қулни мандан сотиб олур? деб овоз қилавердилар. Ул киши деди: Ё, Расулаллоҳ, бу моллари ўтмас мол экан, энди билурлар. Буни ҳеч ким олмас. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Бу мол халққа ўтмаса ҳам, худо қошинда ўтур. Ё, дедилар, сен худо қошинда қимматли молдурсан.

183. Имом Ҳасан Басрий дебдурлар: Бир қари хотин Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, арз қилди. Е, Расулalloҳ, худога арз қилсинларки, мени жаннатга доҳил қилсин. Жаноби марҳамат қилдилар. Эй фалоний, жаннатга кампир кирмас. Бу сўзини эшитган замон, ул кампир йнглаб қайтиб кетди. Жаноб дедилар: сизлар анга хабар берингларки, жаннатга бу хотин кампирлик суратида кирмас. Чунки Аллоҳ Таоло Қуръон каримда дерки, биз жаннат хотинларини бошқатдан янги шаклда яратурмиз. Ва аларнинг ҳаммаларини қиз яратурмиз. Ва эрларига муҳаббатли, яхши кўринадургон ва ҳаммаларининг ёшлари баробар бўлур.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ШЕЪР ҲАҚИДА ҚИЛГАН СЎЗЛАРИ УСТИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

184. Шурайҳ Кувий дебдурлар: Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳодан савол қилинибдурки, аё Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам шеърдан мисол ё далил келтирур эрдиларми? Ҳазрат Оиша дебдурлар: Ори. Ибни Равоҳа шеърдан мисол келтирур эрдилар. Ва бу сўзин далили ўрнида ўқир эрдилар.

Т а р ж и м а с и: Келтирур санга хабарларни ул одамийки, сен анга хабар келтирмак учун туша¹⁸⁰ ва йўл харжи берманган эрдинг.

185. Ҳазрат Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, шоир тилидан сўзланган сўзнинг ниҳоятда рости ва тўғриси Лабиднинг бу сўзидурки, дебдур: Дунё хабардор бўлсинки, худодан бошқа ҳар бир нарса ботил ва бекордур, эъти модга лойиқ эмасдур. Ва Умайя бин ас-Салт яқин қолиб эрдик, мусулмон бўлса, лекин худо хоҳламади.

186. Ҳазрат Жундаб бин Сўфён Розиеллоҳу дебдурлар: Газотларнинг бирида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам муборак оёқларининг бир бармоғига тош тегди. Андин муборак бармоқлари қонади. Шул ҳолда бир шоир сажобанинг бу бир мисрасини ўқидилар.

Т а р ж и м а с и: Эй, бармоқ, сен қонга беланган бармоқдурсан ва нимага йўлиққан бўлсанг, худо йўлида йўлиқдинг.

187. Ҳазрат Бароъ бин Озиб Розиеллоҳу анҳудан марвидур: Бир киши ул зотга дебдур: Эй, Абу Умора, сизлар Ҳунайн купида Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ташлаб қочдингизларми? Ҳазрат Бароъ дебдурлар: Йўқ, қочмадик. Балки худо номига қасамёд этиб дерманки, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам майдонидин юз ўғириб қочмадилар. Лекин аввалги жамоадин шшилганлар қоча бошладилар. Чунки, Бани Ҳавзин мерганлари аларни ўқлар

ила қарши олдилар. Алар қочиб турганларида Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хачирлариға минган ҳолларида ва аммозодалари Абу Сўфён анинг юганидан тутган ҳолда бу алфозни ўқир эрдилар.

Т а р ж и м а с и: Мен набийидурман сўзимда ёлғон йўқдур. Мен Абдул Муталлибнинг ўғлидурман.

Ф о й д а: Бу урушда қочган аскарлар Бани Салим қабиласи ила Маккада янги мусулмон бўлган ёшлар эрдилар. Саҳобаларнинг ақобирлари албатта, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларида ҳозир эрдилар.

188. Ҳазрат Анас Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Умро Қазода Маккам мукарамга доҳил бўлдилар. Ва ҳазрат Абдуллоҳ бин Равоҳа Розийллоҳу анҳу олдиларида бу шеърни ўқидилар.

Т а р ж и м а с и: Эй, кофирлар авлодлари, қочинглар, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга йўл беринглар. Бу кун бу Жанобни агар сизлар ўтган санада тўсган каби тўссаларинг, бизлар шундоқ урурмизки, бошларингни таналарингдан жудо қилурмиз. Ва дўстни дўстидан хабар олғали қўймасмиз. Ҳазрат Умар Розийллоҳу анҳу бу шеърни эшитиб дебдурлар: Эй, ибни Равоҳа, Жаноби Расулуллоҳ ҳузурларида ва ҳарами худода бундоқ шеърларни ўқирсанми? Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Эй, Умар, буни ўз ҳолига қўйиб берки, бундоқ шеърлар кофирларга ўқғдиргандан зиёда асар қилур.

189. Ҳазрат Жобир бин Самура Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ила юздан зиёда суҳбатда бўлдим. Ҳаммасида ҳазрат асҳоби киром Розийллоҳу анҳум ўз ораларида шеърлар ўқишур эрдилар. Ва жоҳлият¹³¹ замонасида бўлиб ўтган ҳикояларни қилишур эрдилар. Ва Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ул мажлисларда хомуш сўз қилмай ўлтирур эрдилар. Балки баъзи вақтларда аларга қўшилиб, кулишар эрдилар.

Ф о й д а: Бу ҳадис муборақдан маълум бўлурки, сарвари олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ниҳоятда маҳбуб табнатли бир зот эрдилар. Мажлисларда бўлган зотлар озодлик ила суҳбатда бўлур эрдилар. Дунёвий сўзлар ҳам бўлур эрди. Кулинадирган бир сўз келиб қолса, баробар табассум қилур эрдилар. Анинг учун ҳеч ким суҳбатлариға тўймас эрди.

190. Ҳазрат Шарид Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Бир куни мени Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила бир маркабга мингашган эрдим. Ушал ҳолда Жанобга Умайя номлик шоирнинг шеърларидан юз байт ўқиб бердим. Ҳар бир байтни ўқиб берганимда, Жаноб яна шундан ўқи дер эрдилар. Шундоқ қилиб, Жанобга юз байтни эшиттирдим. Жаноб дедилар: Бу Умайя яқин мусулмон бўлай деб қолган экан. Чунки шеърлари ҳикматли бўлиб, тавҳиддин ва қиёматдин кўп сўзлар эрди.

191. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: **Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам** ҳазрат ҳассон Розиеллоҳу анҳу учун масжидга минбар қўйдириб берур эрдилар. Токи ул зот минбарга чиқиб, рост туриб, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мадҳларида фаҳрия шеърлар ўқир эрдилар ёки Жаноб тарафларидан мудофаа қилур эрдилар. Ва кофирлар таъналарига жавоб берур эрдилар. Ва жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дер эдиларки, Аллоҳ Таоло Ҳассонга руҳул Қуддус воситаси ила мадад берур. Мадомики, ул Расули Худо тарафидин мудофаа ва динга мададда бўлур экан, бу ҳол анга давом этур.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ КЕЧҚУРУНДА ҚИЛҒОН ҲИКОЯЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

192. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Бир кеча Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз уйларида хотинларига бир қисса баён қилдилар. Хотинларидан бирлари дедилар: бу қисса ҳайратда ва таажжубда тамом Хурофанинг воқеаларига ўхшар экан. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Билурсизларми, Хурофа надур? Хурофа Бани Узра жамоасидан бўлган бир киши эрди. Жоҳлият замонасида ани жинлар аср қилиб олиб кетган эрдилар. Ул жинлар ила бир неча муддат баробар турди. Кейин алар ўзлари ани олиб келиб, қўйиб кетдилар. Кейин ул одам жинлар ораларинда кўрган қизиқ воқеаларни сўзлаб берур эрди. Кейин одамлар анинг сўзини эшитганларида бу сўз «Хурофа сўзи» дер эрдилар. Шундан кейин, араблар ўрталаринда ҳар бир қизиқ сўзни хурофа сўзи дейиладирган бўлди.

УММУ ЗАРЪ ҲИКОЯСИ

193. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Кунларнинг бирида ўн бир адад хотин бир ерга жам бўлдилар ва аҳд қилдиларки, ҳаммалари ўз эрларининг аҳволини бутун баён қилурлар ва ҳеч бир сўзни яширмаслар. Бу хотунлар ҳаммалари Яман хотунлари ё Ҳижоз хотунлари эрдилар. Номлари соф маълум эмасдур.

Биринчилари деди: Менинг эрим ишдан чиққан, ориқ туянинг гўштидур. Яна ўзи чиқиши қийин бир тоғнинг устидадур. Тоғ йўли осон эмасдурки, анга чиқилса. Гўшт ҳам семиз мол гўшти эмасдурки, ани ихтиёр қилинса. Ва олиб тушилса, яъни, бутун фойдасиз бекор бир нарсадур.

Иккинчилари деди: Мен эрим розиларини баён қилмасман. Қўрқурманки, агар анинг айбларин бекитмай сўзлаб қолсам, Зоҳирий¹³² ва Ботиний¹³³ айбларининг ҳеч бирини қўймай сўз-

лаб ташларман, яъни менинг эримда бор айбларни санаб бўлмас, қайси бирин сўзлаб ўтирурман.

Учинчилари деди: Менинг эрим, бадхулқ, бедаво Узундурки, андин шикоят қилсам, ё ўзига бир сўз қилиб қолсам, талоқ қилинурман. Агар сўз қилмай кетаверсам, бутун умрим осилган ҳолда кетурман, яъни, эрликлар қаторларида ҳам эмасман, бевалар қаторида ҳам эмасман.

Тўртинчилари деди: Менинг эрим Таҳома иқлимнинг кечкурунига ўхшайди. На иссиқдир ва на совуқдир. На андин қўрқилур ва на андин зерикилур. Яъни, ниҳоятда миждози муътадилдир. Иссиқда салқиндир ва совуқда иссиқдир. Афув марҳамати кўпдир. Ҳеч бир ҳолда одамга малол келмас.

Фойда: Таҳома деб, Маккаи мукаррамани ва атрофларини айтилуру.

Бешинчилари деди: Менинг эрим уйга кирса, қоплон бўлиб кируру, уйдан чиқса шер бўлиб чиқуру. Уйдаги ўзига маълум нарсалар ҳақида тафтиш қилиб ўтирмас, яъни кўчадан келса, қоплон каби ўз аҳлин соғиниб келуру ва кўчага чиқса йўлбарсдек олижаноб юруру. Ўзи ул қадар ҳимматлик, карим инсондурки, бўлар-бўлмас нарсалар устинда оиласи ила жанжал қилиб, пастлик қилуб ўлтирмас.

Олтинчилари деди: Менинг эрим таом еса, дастурхонда бор нарсани ҳаммасин еб тугатуру ва сув ичса, идиш остида қолган сувни ҳам ичиб ҳалос қилуру. Ва ётса, ўзи танҳо бир кўрпага ўралиб ётуру. Ва ёнида ётган одамни қўйнига қўлини узатиб ҳам кўрмаски, дардини билсун. Ё соғ, ё бемор эканлигини фаҳмласин, яъни, таомга тўймас ва сувга қонмас ва ҳамхонаси ҳолин сезмас, бир бемурувват инсондир.

Еттинчилари деди: Менинг эрим ўзи номард, сўздан ожиз. Ҳамиша бемор, бир инсондурки, дунёда бор беморликдан намуна анда бордур. Ул қадар беаҳлоқдурки, сўз қилсанг, бошингни ёруру, ё баданингни заҳм қилуру ё хоҳласа ҳар иккисини баробар қилуру.

Саккизинчилари деди: Менинг эрим бадани қуён каби мулойим ва исн заъфарон каби ҳаммани хушбў қилиб туруру, яъни анинг вужуди ниҳоятда маҳбубдир. Нозик бадан ва хушбўйлигинин жисмоний ва руҳоний лаззат ҳар иккиси анда маъжуддир.

Тўққизинчилари деди: Менинг эрим, уйи баланд, меҳмони кўп, қомати расо ва давлат хонаси жамоат хонага яқин бир зотдир, яъни шарафлик, саҳолатлик ва шижоатлик бир додҳодурки, ҳамма инсонга маҳбуб ва маржиъдур¹³⁴.

Унинчилари деди: Менинг эрим, моликдур. Билурсизларми, молик кимдур? Таъриф қилинган зотларнинг ҳаммаларидин зиёда, яхшидур. Чунки ҳар-ҳар ерга чўкиб ётадиган туялари кўпдур. Туялари ўтлагали кам боришар. Қачон сурнайнинг овозини эшитсалар билурларки, аларни сўйилуру, яъни молик давлатманд ва карамлик бир инсондур. Ҳамиша молларин ўз қошида боқуру, яйловга кам юборуру. Моллари ҳам анинг миждозин

яхши билурлар. Қачон сурнай чалинса, билурларки, шул соатда меҳмон таоми учун захиҳ¹³⁵ этилурлар.

Ун биринчилари деди: Менинг эрим Абу Заръдур. Билурсизларми, Абу Заръ кимдур? Ул шундоқ меҳрибон эрдурки, икки қулоғимни қиммати юқори тақинчоқлардан ҳам қилгандур. Ва икки билагимни кўп едириб, чарвидан тўлдиргандур. Мени шундоқ хуш ва хуррам сақлагандурки, андин мен кибр ва гурурга берилиб ўзимни унута бошладим. Бу эр мани олганда, мен бир ниҳоятда ғариб хонадонда эрдимки, неча адад эчки ила кун ўткузур эрдилар. Мени шундоқ бир давлатманд хонадонга олиб келдики, аларда отлар, туялар, қўш ҳўкизлар ва деҳқонлар бор эрди. Отлари кишнар, туялари бўкирар, ҳўкиз, сигирлари хирмон ҳайдар, ходимлари донларни сомонлардан алоҳида қилиб тозалар эрдилар. Мен бўлсам ул эр қошида эрка эдимки, ҳар нечук сўз қилсам, сўзунг ёмон демас эрди. Ётсам тонг отгунча ётур эрдим. Ҳеч ким мени уйғота олмас эрди. Емак ва ичмакда шундоқ сероблик эрдикки, мен еб-ичиб туриб кетур эрдим. Таом ва шароб шундоқ қолур эрди. Бу сифат эримнинг сифати эрди.

Анинг бир онаси ҳам бор эрди. Билурсизларми, ул қандоқ хотун эрди. Ул ниҳоятда олижаноб хотун эрдикки, идишлари ҳаммаси катта-катта ва нарсалари тўла-тўла турур эрди. Уйи ниҳоятда кенг ва анда ҳамиша меҳмонлар бўлур эрди. Абу Зарънинг ўғли ҳам бор эрди. Билурсизларми, ўгли ким? Шундоқ йигитдурки, бадани нозик ва озғиндур. Ёнбоши пўстлоғи арчилган хурмо навдасига ёки ғилофидан чиқарилган қиличга ўшар ва ёш эчкининг қўли ани тўйғизур, яъни, ниҳоятда бетакаллуф, баҳодирмижоз йигитдур.

Абу Зарънинг қизи ҳам бордур. Ул қизни пима десам бўлур. Отасига мутё ва онасига фармонбардор, сиҳат ва жамоли, ақлу камоли шундоқ эрдикки, хотинлик кишига тушиб қолса, кундоши куйиб ўтур. Абу Зарънинг чўриси ҳам бордур. Ани нечук таъриф қилай? Ул чўри диндорлигидан уйдаги сўзларни бошқа ерларга тарқатмас ва аминлигидан уйдаги таомни ҳам беижозат харж қилмас. Ва тозалигидан уйни ниҳоятда соф ва покиза сақлар. Ахлатхона қилиб қўймас. Умму Заръ деди: бизнинг Абу Заръ ила муҳаббатимиз ва ўртадаги алоқамиз мен юқорида дегандек эрди. Иттифоқо, бир кун Абу Заръ кўчага чиқди. Мавсуми баҳор эрди. Сут, ёғ мешкачаларда олунуб турган вақт эрди. Кетиб туриб, бир хотинни кўриб қолдикки, олдида икки ўғли ҳам бор. Қоплондек ирғишиб, оналарининг бели атрофида икки анор ила ўйнашиб турубдурлар. Бу ҳолни кўргач, мени талоқ қилиб ўз никоҳига ул хотинни олди. Ани девона қилган хотиннинг ҳуснлик шўх ўғилларини кўриб, анга гумон бўлдики, шояд менга ҳам шундоқ ўғилларни туғиб берур. Шундоқ умид қилиб эрди. Мен ҳам кейин бир олижаноб, саҳий эрга тегдимки, анинг тез рафтор ва зотлик оти бор эрди. Анга минур эрди. Хат деган бир мақомда ишланган найзани тақур эрди. Ул эр мени олгач, кеч кирмай туриб, кели ғ мол ғарини

Ҳайдатиб, менинг ҳузуримга келтирди. Ва ҳар қайтган намуна-дин бир жуфтдан менга берди. Ва деди: Эй, Умму Заръ, ол, егин ва аҳлларинга ҳам бергин. Лекин ман бу иккинчи эрнинг менга берган нарсаларин ҳаммасин тўпласам, қиммати ва баҳоси Абу Зарънинг менга берган бир кичкина идишининг қимматига баробар келмас.

Ҳазрат Оиша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Бу ҳикояни тамом эшитиб бўлгач, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам менга дебдурлар: Эй, Оиша, мен ҳам сенга Абу Заръ Умму Заръга меҳрибон бўлган каби меҳрибондурман. Лекин биз ажралмасмиз.

Ф о й д а : Бу ҳадис муборақдин Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аҳлоқи жамилаларининг ва хонадон ҳаётларининг нақадар улуғлиги маълум бўлур. Саллоллоҳу алайҳи васаллам.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ УЙҚУЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

194. Ҳазрат Бароъ Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам одат шарифалари қачон уйқуга бормак учун ёнбошласалар, ўнг кифтларини ўнг юзларининг остига қўяр эрдилар. Кейин бу дуони ўқир эрдилар. «Эй парвардигорим, бандаларингни ҳисоб учун қабрларидан турғузадурган ул кунни, мени азобингдан сақлагил».

195. Ҳазрат Ҳузайфа Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон ўринларига ётсалар, бу дуони ўқир эрдилар: Ё, Аллоҳ, сенинг номинг ила ўлурман, яъни уйқуга борурман ва сенинг номинг ила тирилурман, яъни уйғонурман ва қачон уйқудан турсалар бу дуони ўқир эрдилар: Ҳамди ўлсун, ул Аллоғаки, мени ўлдиргандан кейин яна тиргузди ва қиёмат кунни анинг ҳузурига булур ёнмак.

196. Ҳазрат Оиша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеча қачон ўз ўринларига ётсалар, икки кафтларини бир қилиб, туриб, анга дам солур эрдилар. Ва анга «ҚУЛ ҲУВАЛЛОҲУ АҲАД» ни ва «ҚУЛ АЪУЗУ БИРАББИЛ ФАЛАҚИ» ни ва «ҚУЛ АЪУЗУ БИРАББИН НОС» ни ўқиб, ҳар икки кафтларига дам солгач, баданларининг қўл етадирган ерларининг ҳаммасига суркар эрдилар. Бошларидан, юзларидан ва олди тарафларидан ибтидо қилур эрдилар. Шул тариқа уч бор қилур эрдилар.

197. Ҳазрат ибн Аббос Розийллоҳу анҳумодан марвидурки, бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам уйқуга бориб, хуррак тортдилар ва одат шарифалари қачон уйқуга борсалар, хуррак тортур эрдилар. Ушал ҳолда ҳазрат Билол Розийллоҳу анҳо келиб, намоз вақти бўлиб қолганлигин

арз қилдилар. Жаноб саллоллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар. Ва намозларини жамоат ила ўқидилар. Лекин янги таҳорат қилмадилар, чунки Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари уйқуға борур эрдилар. Ва муборак диллари уйғоқ турур эрди.

198. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон уйқу учун ўринларига ётсалар, бу дуони ўқир эрдилар. «**ҲАМД УЛСУН АЛЛОҲ ТАОЛОГАКИ, БИЗЛАРГА ТАОМ БЕРДИ ВА СЕРОБ ҚИЛДИ ВА ҲАР БИР ҲОЖАТИМИЗ УЧУН УЗИ МУТАСАДДИ БУЛДИ ВА БИЗЛАРГА ЕТАДИРГАН ЖОЙ БЕРДИ. ДУНЕДА БИР ҚАНЧА ИНСОНЛАР БОРДУРЛАРКИ, ХАБАР ОЛАДИГАН ВА ЖОЙ БЕРАДИГАН КИШИЛАРИ ЙУҚДУР**».

199. Ҳазрат Абу Қатода Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг одат шарифлари қачон сафарда бўлиб, кечқурун бир ерга тушсалар, ўнг ёнбошлари ила ётур эрдилар. Ва қачон субҳи содиқдан аввалроқ бир ерга тушсалар, ётганларида ўнг билакларини тикка қўйиб, кафтларига бошларини қўйиб ётур эрдилар. Токи уйқу зиёда келиб, оғирлашиб, номоз учун сустлик пайдо бўлмасин. Ҳақиқатда бу тариқа умматларга таълим эрди. Варна Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам учун зарурати йўқ эрди.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ИБОДАТЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

200. Ҳазрат Муғййра ибн Шўъба Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам нафл намозда шул қадар узун қиём қилур эрдиларки, муборак икки қадамлари шишиб кетур эрди. Арз қилнидики, Жаноблари бу қадар машаққатни ўзлариға ихтиёр қилурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло Жанобларин аввал ва охир тамом гуноҳларин маъфират қилгандур. Жаноб дедилар: Аё, мен парвардигоримнинг шукрлик бандаларидан бўлмаймаи?

201. Асвад ибн Язид дебдурлар: Мен ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳодан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кечқурунлик намозлари ҳақида савол қилдим. Ҳазрат Оиша дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ташо¹³⁶ намозин ўқиганларидан кейин, кечанинг аввалги нисфида ором қилур эрдилар. Андин кейин туриб, таҳажжуд¹³⁷ намозига машғул бўлур эрдилар. Кечанинг охирида витр¹³⁸ намозини ўқир эрдилар. Андин кейин жойларига келиб ётар эрдилар. Агар кўнгиллари хоҳлаб қолса, аҳлиялари ила шаръи суҳбат қилур ҳам эрдилар. Кейин қачон фажр озонин

эшитсалар, иргиб туруп эрдилар. Агар ғусл лозим бўлган бўлса ғусл қилур эрдилар. Варна таҳорат қилиб, намозга чиқиб кетур эрдилар.

Ф о й д а: Фан ва тибда ҳам суҳбат учун ниҳоятда муносиб бир вақт кечанинг охиридур. Чунки бир ухлаб тургандан кейин ҳар икки тарафнинг нашоги янги бўлур. Кечанинг аввалида одам таом еб, оғирлашган бўлур. Ул ҳолда суҳбат зарар қилур. Бнайниҳи шундоқ зарар қилур. Агар очлик ҳолда суҳбат қилинса ҳам. Бу ҳаммаси тиб маслаҳатиға боғлиқ сўзлардир. Шариатда ўз ҳалоли ила суҳбат ҳар вақт жоиздур. Чунки Набийи Қарим саллоллоҳу алайҳи васалламдан кечанинг аввалида ва кундузнинг мухталиф вақтларида суҳбат қилганликлари собитдур. Баъзи азизлардан марвидурки, айни намоз вақтида суҳбат қилунган бўлса, бўлган бола, ота ва онасига нофармон бўлур эмити.

202. Ҳазрат ибн Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Мен болалик вақтимда бир кеча холам ҳазрат Маймуна Розиеллоҳу анҳо қошларида ётиб қолдим. Мен ёстиқнинг энига ва Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва аҳлиялари ёстиқнинг узунда бош қўйиб ётдилар. Менинг бошим ва аларнинг юзлари қиблага бўлди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ухладилар. Вақтики ярим кеча бўлиб эрди, уйғондилар. Ва кўзларидан уйқуни қочирмак учун қўлларини юзларига тортидилар ва ишқадилар. Кейин сураи Ол ʻимроннинг охирги рукуъи «ИННА ФИ ХАЛҚИС-САМОВОТИ ВАЛ-АРЗИ» оятларини тиловат қилдилар. Андин кейин туриб, осиглиқ бир мешикчани олиб, андаги сув ила таҳорат қилдилар. Ва ниҳоятда чиройлик таҳорат қилдилар. Кейин намозга шуруъ қилдилар. Ҳазрати ибн Аббос дедилар: Мен ҳам таҳорат қилиб келиб чап тарафларида туриб, иқтидо қилдим. Кейин Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларини менинг бошимга қўйдилар. Ва ўнг қулоғимни бурадилар (Чунки муқтади¹³⁹ имомнинг ўнг тарафида туриши лозим эрди). Кейин икки ракаъат ўқидилар, яна икки ракаъат ўқидилар. Икки ракаъатдан олти марта ўқидилар. Бу ҳадиснинг ровийси Маън дебдурлар: Икки ракаъатдан олти бор ўқидилар. Гўё ўн икки ракаъат бўлибдур. Кейин витрини ўқидилар ва ёнбошладилар. Кейин муаззини намоз учун чақириб келдилар. Кейин Жаноб туриб, икки ракаъат суннатни мухтасар қироат ила ўқиб чиқиб, жамоат ила фарзисубҳни адо қилдилар.

Ф о й д а: Мулла Али Қори дебдурларки ҳазрат имом Абу Ҳанифа Розиеллоҳу анҳу таҳажжуд намозини ўн икки ракаъат дебдурлар. Набийи қарим саллоллоҳу алайҳи васалламдин таҳажжуд ҳақинда мухталиф ракаъатлар ривоят қилинғондур. Муқаррар ва муайин бир миқдорга маҳдуд эмасдурки, андин зиёда ё камии жоиз бўлмасун.

203. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон уйқу ғалаба қилиб, ё ухлаб қолиб, кечаги намозларин, яъни таҳажжудла-

рин ўқийёлмай қолсалар, кундуз чошит вақтида ўн икки ракаъат ўқир эрдилар.

Ф о й д а: Таҳажжуд қазоси ўзи ўзлариға фарз бўлганлигидандур. Ё умматға фазилатини таълим бермак учун бўлур.

204. Ҳазрат Абу Ҳурайра Розийллоҳу анҳудан марвидур. Жаноби Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Қачон сизлардан бирларингиз кечқурун таҳажжуд учун турса, аввал икки ракаъат енгил намоз ўқиб олсин, кейин таҳажжудга шуруъ қилсин.

Ф о й д а: Бу шунинг учундирки, бирдан узун намоз шуруъ қилса, табиат чўчиб қолур. Чарчаб қолишнинг эҳтимоли ҳам бордур. Баъзилар дебдурларки, бу намоз шукри вудуъ бўлур. Шукри вудуъни муҳтасар ўқимак афзалдир. Анинг учун Жаноб енгил ўқимоққа иршод қилдилар. Ва ўзлари ҳам енгил ўқир эрдилар. Ҳофиз ибн Ҳажар «Саҳиҳ Бухорий» шарҳида дебдурлар: ҳадисда келгандурки, шайтон инсон ухлаганда сочига жодугарлар каби уч тугун боғлаб қўюр. Анинг асари шу бўлурки, қачон уйғонса, ҳозир вақт эрта экан деб тургиси келмай турур. Агар инсон ўрнидан туриб, худо номини ёд қилса, ё бирор дуо ва зикр ўқиса, ўша заҳоти бир тугун ечилур. Ва туриб таҳорат қилса, иккинчи тугун ҳам ечилур. Ва намозга шуруъ қилса, учинчи тугун ҳам ечилиб кетур. Энди бу ҳадисдин маълум бўлдики, учинчи тугун намоз илагина ечилур экан. Шунинг учун икки ракаъат енгил бир намоз ўқилиб олинса, тамом тугунлар ечилиб кетиб, шайтоннинг жодуси бекор кетган бўлур. Қолган таҳажжуд намозлари ҳаммаси шайтон таъсиридан пок бўлган ҳолда адо қилинур. Жаноб Набийи карим саллоллоҳу алайҳи васаллам АЛҲАМДУ ЛИЛЛОҲИ шайтон таъсиридан Худо паноҳида бўлсалар ҳам умматларига таълим учун ўқир эрдилар.

205. Ҳазрат Зайд ибн Холид Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Мен бир кун ирода қилдимки, бугун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ниҳоятда эҳтимом ила кўрурман. Кейин мен Жанобнинг макон ё хаймаларининг остонасига бошимни қўйиб ётдим. Жаноби Расулуллоҳ алайҳи васаллам аввал мухтасар икки ракаъат намоз ўқидилар. Андин сўнгра узун-узун икки ракаъат намоз ўқидилар. Кейин икки ракаъат аввалгиларидан енгилроқ ўқидилар. Кейин яна икки ракаъат андин мухтасарроқ ўқидилар. Кейин яна икки ракаъат андин ҳам мухтасарроқ ўқидилар. Кейин яна икки ракаъат андин ҳам енгилроқ ўқидилар. Кейин витр ўқидилар. Мана бу намоз мажмуи ўн уч ракаъат бўлди.

Ф о й д а: Одамларики, витр намозини бир ракаъат дерлар. Алар қошларида олти бор икки ракаъатлик нафл бўлиб, бир ракаъат витр ила ҳаммаси ўн уч ракаъат бўлур. Витрини уч ракаъат дегувчилар қошларида ҳаммаси ўн беш ракаъат бўлур. Бу тариқадаги ҳисобда ибтидодаги таҳиятул вдуъ саналмас.

Бир ривоятда нафл намозларининг мажмуи узун ва қисқалари бўлиб, ўн ракаъат келибдур. Анда ҳам шукри вудуъдан

бошқа нафлар ўн уч ракаъат бўлди дейилибдур. Ул суратда витр уч ракаъат бўлмай, имкони йўқдур.

206. Ҳазрат Абу Салама ибн Абдураҳмон Розиеллоҳу анҳудан марвидурки, ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳодан сўрабдурларки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг рамазон муборақда таҳажжуд намозлари неча ракаъат бўлур эрди. Волидамиз марҳамат қилибдурларки, ҲУЗУРИ АҚДАС саллоллоҳу алайҳи васаллам рамазонда ҳам бошқа ойларда ҳам ўн бир ракаъатдан зиёда таҳажжуд ўқимас эрдилар (Саккиз ракаъат таҳажжуд ва уч ракаъат витр). Аввал тўрт ракаъат ўқир эдиларки, анинг ҳусни ва узунлигидан сўрамагил, яъни ниҳоятда узун ва ғоятда боҳушуъ бўлур эрди. Кейин яна тўрт ракаъат ўқир эдиларки, анинг ҳам ҳусни ва узунлигидан сўрамагил. Кейин уч ракаъат ўқир эрдилар. Мен дедим: Ё, Расулаллоҳ, ўзлари витр ўқинмай туриб ҳам ухлайдиларми? Жаноб саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдиларки, эй, Оиша, меннинг икки кўзим ухласа ҳам, кўнглим ҳаргиз ухламайдур.

Фойда: Баъзи инсонлар юқоридаги ҳадисдан таровиҳ намозин саккиз ракаъат деб фаҳм қилурлар. Ҳолбуки, бу ривоятдан таҳажжуднинг ўзини ҳам саккиз ракаъат қилиб ўқишлик тушунилмайди. Бу ҳадиснинг таровиҳ намозига ҳеч тааллуқлиги йўқдир. Чунки солотул-лайл маъноси, кечки намоз дегани бўлур. Лекин қарина ила таҳажжуд намози эканлиги маълум бўлур. Сўровчининг мақсуди ҳам таҳажжуд намозининг рамазон муборақдаги ададини билмак эрди. Анинг учун ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо рамазонда хориж рамазонда анинг зиёда ва кам бўлишини нафи этдилар. Хулоса шулдурки, аҳодис шарифада таҳажжудни салотул-лайл дейилур ва таровиҳни эса қиёми рамазон дейилади. Бу икки намоз бир-бирдан тамоми алоҳидадир.

207. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Набийи карим саллоллоҳу алайҳи васаллам кечқурун ўн бир ракаъат намоз ўқир эрдилар. Андин бир ракаъати витр бўлур эрди. Қачон бу намоздан фориг бўлсалар, ўнг ёнбошлари ила ётур эрдилар.

Фойда: Бу ҳадис юқоридаги ҳадисга мухалиф кўрилур. Ҳақиқатда, Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзи вақтда ундоғ ва баъзи вақтда бундоқ ўқир эрдилар.

Фойда: Бу ҳадисда витр намозини бир ракаъат эканлиги ривоят қилинибдур. Бу борада таҳқиқ шулдурки, витр намозини устида бир неча ихтилофлар бордур. Биринчи ихтилоф анинг ҳукминдадур. Ханафийлар мазҳабларида витр вожибдур. Баъзи бошқа имомлар мазҳабларида мустаҳабдур. Иккинчи ихтилоф анинг ракаъатларининг ададидадир. Ханафийлар витрни уч ракаъатдур, бир салом ила ўқилур дерлар. Бошқа баъзи имомлар ани бир ракаъатдур дерлар. Ва баъзилари витр бир ракаъат бўлса ҳам андин илгари икки ракаъат бир салом ила ўқилиши вожиб дерлар. Ҳадисларда бу намоз ҳақида мухалиф ривоятлар келган сабабдан имомлар ўрталарида таржеҳ¹⁴⁰ бошқа-бошқа

бўлгандир. Ҳанафийлар ўз мазҳабларини ҳақлигини бир неча ҳадисдан далил келтириб, исбот қилурлар.

1) Ҳазрат Оиша Розийёллоҳу анҳо ҳазрат Абдулла ибн Аби Қайс Розийёллоҳу анҳунинг саволлари устида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кечқурундаги намозларини бир тариқа баён қилибдурлар. Тўрт ракаъат ва уч ракаъат, олти ракаъат ва уч ракаъат, саккиз ракаъат ва уч ракаъат, ўн ракаъат ва уч ракаъат. Мана бу ривоятда, ожирги уч ракаъат деган калимани тўрт бор алоҳида келтиришларидан маълум бўлурки, бу намознинг адади уч ракаъатдан на зиёда, на кам бўлур. Шундоқ бўлмоғон тақдирда, ҳазрат Оиша Розийёллоҳу анҳо ҳар бор уч ракаъат калимасин ифода қилмай, етти ракаъат, тўққиз ракаъат, ўн бир ракаъат, ўн уч ракаъат деб қўя қолинар эрдилар.

2) Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳу сўзларича, ҳанафийларнинг далиллари шулдурки, витр намозининг уч ракаъат ўқишлидини жоиз ва мустаҳсин эканлигига саҳобаи ʼизом Розийёллоҳу анҳум қарор қилгандурлар. Ва уч ракаъатдан кам бўлишида баъзилари жоиз ва баъзилари ножоиз деб, ихтилоф қилгандурлар. Саҳобаларнинг иттифоқ қилган масалаларига амал қилмоқ зиёда матлубдур.

3) Имом Ҳасан Басрий Розийёллоҳу анҳуга муҳаддисларнинг ниҳоятда буюкларидандурлар дебдурлар: Витр намозининг уч ракаъат эканлигига бутун мусулмонлар иттифоқ қилгандурлар. Бу зотга бир киши дебдурки, ҳазрат Абдуллоҳ ибн Умар Розийёллоҳу анҳумо уч ракаъат витрнинг икки ракаъатига салом бериб, қолган бир ракаъатини алоҳида ўқир эрдилар. Анга бу зот оталари ҳазрати Умар уч ракаъатни бир салом ила ўқир эрдилар. Ва оталари ул кишидан олиброқ эрдилар, деб жавоб берибдурлар.

4) Аҳолиси шарифада танҳо бир ракаъатлик намоз ўқиш маъни қилингандур. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд Розийёллоҳу анҳудан бир киши савол қилиб дедики, ҳазрат Саъд Розийёллоҳу анҳу витрни бир ракаъат ўқирлар. Ҳазрати Абдуллоҳ дедилар: бир ракаъатлик намоз бўлмас.

Булардан бошқа ҳам Ҳанафийларда далиллар кўп. Ҳаммадан жомеъ ва муфид бир китоб бу масала таҳқиқини устида ҳазрат мавлоно устози кабир, алломаи шаҳир муҳаққақ алаҳноф аъламул ашроф ас-Сайид Муҳаммад Юсуф ал-Банурий зода Аллоҳу маждан ва иззан ҳазратларининг Термизий шарифга қилгон шарҳларидан алоҳида қилиб, таъъ ва нашр этган таълифларидир. Ҳанафийлар учун бу муборак китоб ниҳоятда зарурий бир китобдур.

208. Ҳазрат Оиша Розийёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам кечқурун тўққиз ракаъат намоз ўқир эрдилар.

Фойда: Бу ҳадисдан Ҳанафийлар олти ракаъат таҳажжуд ва уч ракаъат витр эрди дерлар.

209. Ҳазрат Ҳузайфа Розийёллоҳу анҳу дебдурларки: Мен

бир кеча **Жаноби Расули** акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила намоз ўқидим. **Жаноб** вақтики намозга шуруъ қилдилар, аввал бу дуони ўқидилар.

Т а р ж и м а с и: Аллоҳ Таоло ҳаммадан буюк зотдир. Подшоҳлиги ниҳоятда улуғдир. Ҳаммага ғолибдур. Катталиқ ва ҳам ҳақиқий улуғлик анинг сифатидур. Кейин фотиҳан шарифани ўқигандан кейин **Зам**¹⁴¹ сурага сураи **Бақарани** ўқидилар. Кейин рукуъ қилдилар. Бу рукуълари қиёмларига ўхшаган эрди. Яъни, узунтикда қиём ила баробар эрди. Ё ўшал қиёмга муносиб рукуъ эрди. Ва рукуъларининг аввалидан то охиригача **СУБҲОНА РАББИЯЛ ЎАЗИМ** деб турдилар. Кейин рукуъдан бошларини кўтардилар ва тикка турдилар. Яъни, қовма қилдилар. Бу қовмалари ҳам рукуъларига ўхшаган эрди. Қовмаларида аввалдан охиригача **ЛИРАББИЛ-ҲАМДУ** деб турдилар. Кейин сажда қилдилар. Саждалари ҳам қиёмлари каби эрди. Ва саждаларида аввалидан охиригача **СУБҲОНА РАББИЯЛ АЪЛО** деб турдилар. Кейин саждадан бошларини кўтардилар. Икки саждаларининг ўртаси ҳам саждалари каби эрди. Бу жалсада тамом **РАББИ АЪФИР ЛИ** деб турдилар. **Фараз** шулки, **Жаноби Саййиди олам** бу намозларида сураи **БАҚАРА**, сураи **ОЛ ЎИМРОН**, сураи **НИСО**, сураи **МОИЙДА** ёки сураи **АНЪОМ**ни тўрт рақаъатга ўқидилар. Бу ҳадис ровийларидан имом **Шўъба** охириги икки сурани қайси бирини тиловат қилганларида шак қилибдурлар.

Ф о й д а: Баъзи ривоятларида юқоридаги аввалги уч сураи бир рақаъатда ўқигонликлари ҳам собитдур.

210. Ҳазрат **Оиша Розиеллоҳу анҳо** дебдурлар: **Жаноби Расули** акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бир неча таҳажжудларида аввалдин охир биргина оят шарифани қайтариб-қайтариб ўқиб турдилар.

Ф о й д а: Ул оят шарифа будур: **ИН ТУЪАЗЗИБХУМ ФАИННАХУМ ЎИБОДУКА ВА ИН ТАҒФИР ЛАХУМ ФАИННАКА АНТА-Л ЎАЗИЙЗУ-Л ҲАҚИЙМ**, (Сурату **Моийда**).

Т а р ж и м а с и: Эй худо, сен агар буларнинг ҳаммаларини азоб қилсанг, ўз бандаларингдурлар ва агар сен буларни мағфират қилсанг, ҳаммага ғолиб ва улуғ, ҳикматлик зотдурсан. Яъни, ҳеч ким сенинг ирода ва ҳукмингга даҳл беролмас. Ҳар нарса қилсанг ярашур, чунки сен моликдурсан. Алар бандаларингдурлар.

211. Ҳазрат **Абдуллоҳ ибн Масъуд Розиеллоҳу анҳо** дебдурлар: Бир кеча мен **Жаноби Расулуллоҳ** саллоллоҳу алайҳи васаллам ила намоз ўқидим. **Жаноб** қиёмда шул қадар узоқ турдиларки, мен таҳаммул қила олмай, бир ёмон ишни қилмоқчи бўлдим (лекин қилмадим). Бир киши савол қилдики, нима қилмоқчи эрдилар? Дедилар: **Ўзим** ўлтириб олиб, **Жаноби Расулуллоҳ** саллоллоҳу алайҳи васалламни ўзларин танҳо қўймоқчи бўлиб эрдим.

212. Ҳазрат **Оиша Розиеллоҳу анҳо** дебдурлар: **Жаноби Расули** акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам (охириги вақтлари-

да) нафл намозларин ўлтириб ўқир эрдилар. Ўлтирган ҳолларида Қуръони шарифни одатларига мутобиқ узун ўқиб борур эрдилар. Вақтики, бир ракаъатнинг ҳиссасидан ўттиз ё қирқ оят миқдори қолса, ани туриб ўқир эрдилар. Кейин рукуъ ва сажда қилур эрдилар. Кейин иккинчи ракаъат яна шундоқ қилур эрдилар.

Ф о й д а: Жумҳур уламои ислом ва тўрт мазҳаб итмомларининг қошларида ўлтириб намоз ўқиғувчиға рукуъға яқин етганда туриб рукуъ ва сужуд қилмак жоиздур ва туриб туруб намоз ўқиғувчиға чарчаб қолса, ўлтириб намоз ўқимоқ нафл намозида жоиздур.

213. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Шақиқ Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳодан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг нафл намозларин кайфиятларидан савол қилдим. Ҳазрат Оиша дедилар: Жаноб саллоллоҳу алайҳи васаллам кечанинг узун ҳиссасида нафл намозларин туриб ўқир эрдилар ва баъзи кечанинг узун ҳиссасида ўтириб ўқир эрдилар. Лекин одат шарифлари шул эрдик, қачон туриб Қуръон ўқисалар, рукуъ ва саждаларини ҳам туриб қилур эрдилар. Ва қачон ўлтириб Қуръон ўқисалар, рукуъ ва саждаларини ўлтириб қилур эрдилар.

Ф о й д а: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўлтириб намоз ўқисалар ҳам, туриб ўқилган намоз савобини мукаммал олурлар. Чунки Жанобнинг асл мақсудлари умматга шул тариқа ўқимоқнинг жоизлигини таълим бершдур.

214. Ҳазрат Ҳафса Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам нафл намозларини ўлтириб ҳам ўқир эрдилар. Ва анда бир сурани ўқисалар, шундоқ тартил¹⁴² ила ўқир эрдиларки, ул сура ўзидан узун сурадан ҳам узун бўлиб кетур эрди.

Ф о й д а: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намозлари ҳам, қироатлари ҳам бошқа бир олам бўлур эрди. Оҳиста-оҳиста ва тажвид ва тартил ила маънолариға тадаббур¹⁴³ ва тааммуллар¹⁴⁴ қилиб ўқир эрди. Шундоқ ўқилган суратдагина Қуръони карим ҳақлари адо этилган бўлур ва ўқуғувчи фойда ва баҳра ола олур.

215. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан муқаддам аксар нафл намозларини ўлтириб ўқийдурган бўлдлар.

216. Ҳазрат ибн Умар Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила пешиндан аввал икки ракаъат ва пешиндан кейин икки ракаъат масжидда ва мағрибдан кейин икки ракаъат ва ʼашодин кейин икки ракаъат уйларида ўқидим.

Ф о й д а: Бу ҳадисда намоз суннатлари баён қилинибдур. Суннати муаккида Ҳанафийлар қошларида ҳам шундоғдур. Лекин пешин суннати аларда тўрт ракаъатдур. Набийи карим

саллоллоҳу алайҳи васалламдан мутаъаддид¹⁴⁵ ҳадисларда бу иршод марвидурки, ҳар ким бир кечада ва кундузда ўн икки ракаъат намозга мудовамат қилса. ҲАҚ ТАОЛО анинг учун жаннатда бир уй бино қилур. Бу ўн икки ракаъатнинг тафси-ли ҳазрат Оиша ва ҳазрати Умму Ҳабиба Розийллоҳу анҳумо ривоятларида юқоридаги ҳазрати ибн Умар ривоятларидаги-дек келгандур. Магар, алар ривоятларида пешин намозининг аввалги суннатиин тўрт ракаъат кўрсатилгандур. Яна бир ҳа-дисда келибдурки, пешиндан аввал тўрт ракаъатни бир салом ила ўқилса, анинг учун осмоннинг дарвозаси очилур. Яъни, тез қабул қилнур. Имом Бухорий ва имом Муслим раҳима-ҳумоллоҳнинг бир ривоятларида Жаноби Расули акрам сал-лоллоҳу алайҳи васаллам пешиндан аввалги тўрт ракаъатни ҳаргиз тарк қилмас эрдилар. Дейилибдур: Ҳазрат Оишадан муснад Имом Аҳмад ва Абу Давуд ва бошқаларда келибдур-ки, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам пешин намози учун масжидга чиқар вақтларида уйда тўрт ракаъатни ўқиб, кейин чиқар эрдилар. Маълум бўлурки, Жаноб саллол-лоҳу алайҳи васаллам кўпинча, суннатларини уйда ўқиб, кейин масжидга чиқур эрдилар. Ва ғолибан масжидда икки ракаъат таҳятул масжид¹⁴⁶ ўқир эрдилар. Шояд ҳазрати ибн Умар Ро-зийллоҳу анҳумо шунни кўрган бўлурлар.

217. Ҳазрат Ҳафса Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам субҳи содиқ ту-луъ қилиши ила ки, ул вақт муаззин азон этур, икки ракаъат энгил намоз ўқир эрдилар.

Ф о й д а: Бу намоз бомдод намозининг суннатидур. Буни Жаноби Набийи карим саллоллоҳу алайҳи васаллам энгил ўқир эрдилар. Ва зам сураси учун сураи «Кафируна» ила су-раи «Ихлос»ни ўқир эрдилар.

218. Осим ибн Замра дебдурлар: бизлар ҳазрат Али Ро-зийллоҳу анҳудан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кундузда ўқийдурган намозларининг кайфияти-дан савол қилдик: Ҳазрат Али Розийллоҳу анҳу дедилар: Сиз-лар ул кайфиятда ўқий олмайсизлар. Биз дедик: Сиз баён қи-линг, ҳар ким ўқиёлса ўқир. Кейин ҳазрат Али дедилар: Жа-ноби Расулulloҳу саллоллоҳу алайҳи васаллам субҳ вақтида офтоб осмоннинг шарқ тарафида шунчалик кўтарилсаки, аср вақтида ғарб тарафида шунчалик баландликда турур. Икки ракаъат намоз ўқир эрдилар. Ва қачон шарқ тарафида шунча-лик кўтарилсаки, пешин вақтида ғарб тарафида шунчалик кў-тарилур эрди, тўрт ракаъат намоз ўқир эрдилар. Ва пешин намозидан аввал тўрт ракаъат ўқир эрдилар. Ва пешин намо-зидан кейин икки ракаъат ўқир эрдилар. Ва асрдан аввал тўрт ракаъат ўқир эрдилар.

Бу тўрт ракаъатни ҳар икки ракаъатидан кейин малойкаи муқаррабин ва анбиё ва аларга тобе бўлган мўъминлар ва муслмонларга салом берур эрдилар.

Ф о й д а: Бу ривоятдаги аввалги икки ракаъат ишроқ на-

мозидур. Ва кейинги тўрт ракаъат чошт намозидур. Пешин намозидан аввалги суннати тўрт ракаъат эканлиги собит бўлди. Пешин намозидан аввалги тўрт ракаъати ва кейинги икки ракаъати суннати муаккададур.

219. Ҳазрат Маоз Розиеллоху анху дебдурлар: Ҳазрат Оиша Розиеллоху анҳодан Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам чошт намозини ўқир эрдиларми, деб савол қилдим. Ҳазрат Оиша дедилар: Ори. Тўрт ракаъат ўқир эрдилар. Хоҳласалар, зиёда ҳам ўқир эрдилар.

220. Ҳазрат Анас Розиеллоху анху дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам чошт намозини олти ракаъат ўқир эрдилар.

221. Ҳазрат Абдурахмон Тобийи дебдурлар: Менга ҳазрати Умму Хоний Розиеллоху анҳодан бошқа ҳеч ким Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг чошт намозларидан хабар бермади. Ул зот хабар бердиларки, Жаноби Саййиди аълам саллоллоху алайҳи васаллам Маккан мукарамма фатҳ қилинган кунда менинг уйимга кирдилар. Ва ғусл қилдилар. Кейин саккиз ракаъат намоз ўқидилар. Меъ бу намоздан энгилроқ намоз ўқиганларини кўрмаган эрдим. Лекин рукуъ ва сужудларини тамом қилур эрдилар.

222. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Шақиқ дебдурлар: Мен ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳога дедим: Аё, Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам чошт намозини ўқир эрдиларми? Ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳо дедилар: Йўқ. Магар сафардан келсалар ўқир эрдилар.

Ф о й д а: Юқорида Маоз Розиеллоху анху ривоятларида ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳо Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васалламнинг чошт намозини ўқиганликларини исбот этдилар. Ва Абдуллоҳ ибн Шақиқ ривоятларида сафардан келганларидагина ўқиб, бошқа вақт ўқимағонликларини баён этдилар. Бунинг тадбиқи шундоқ бўлурки, чошт намозини масжидда ўқишлари сафардан келганларидагина бўлур эрди. Аммо уйларида ҳамиша ўқир эрдилар.

223. Ҳазрат Абу Саййид Худри Розиеллоху анху дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам баъзи вақт чошт намозига шундай эҳтимом қилур эрдиларки, биз энди бу намозни ҳаргиз тарк қилмаслар, дер эрдик. Ва баъзи вақт шундоқ ташлаб қўяр эрдиларки, биз энди бу намозни ҳаргиз ўқимаслар, дер эрдик.

Ф о й д а: Жаноби Саййиди олам саллоллоху алайҳи васаллам баъзи ишларни умматларига осонлик бўлсин деб қасддан тарк қилур эрдилар. Бу воқеа ҳам шу жумладандур.

224. Ҳазрат Абу Аййуб Ансори Розиеллоху анху дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам ҳамиша завол¹⁴⁷ вақтида тўрт ракаъат намоз ўқир эрдилар. Мен арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, ўзлари завол вақтида бу тўрт ракаъатни ҳеч қўймайдурлар? Марҳамат қилдиларки, осмонларнинг эшиклари завол вақтида тамом очилур то пешин намози ўқи-

либ бўлмаса ёпилмас. Мен дўст тутурманки, шул соатда мендан бирор яхши амал осмонга чиқсун. Мен арз қилдим: Бу тўрт рақаъатнинг ҳаммасида зам сура қилинурму? Жаноб дедилар: Ори. Қилинур. Мен дедим: Бунда икки рақаъатда салом ҳам берилурму? Жаноб дедилар: Йўқ. Тўрт рақаъатнинг ҳаммасини бир салом ила ўқилур.

Фойда: Бу намозни сўфийа уламолари салотуз зувол дерлар. Алар қошларида мустаҳаб намозларидан бири шулдур. Лекин муҳаддислар қошларинда бу намоз пешин намозининг суннатидур. Чунки заволдин кейин пешин суннатидан бошқа бир намозга Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мудоваматлари собит эмасдур.

125. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Саъд Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан савол қилдимки, нафл намозларини масжидда ўқимак афзалдурму ё уйда ўқимак афзалдурму? Жаноб дедилар: Сен кўриб турибсанки, менинг уйим масжидга нақадар яқиндур. Шундоқ бўлса ҳам, мен фарздан бошқа намозларни уйда ўқилишини кўп яхши кўрурман. Яъни, танҳо ўқиладургон намозларни уйда ўқимоқ афзалдур.

226. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Шақиқ дебдурлар: Мен ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳодан Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг рўзалари ҳақида савол қилдим. Жаноб дедилар: Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзи ойларда шундоқ рўза тутиб эрдиларки, биз энди бу ойда оғиз очмас эканлар, деб эрдик. Ва баъзи ойларда шундоқ оғиз очиб юрур эрдиларки, биз энди бу ойда рўза тутмас эканлар, дер эрдик. Ва Жаноби саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида кейин ҳеч бир ойни бутун рўза ила ўтказмадилар. Магар танҳо рамазон ойини тамом тутур эрдилар.

227. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳудан бир киши Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам рўзалари ҳақида савол қилди. Жавобига дедиларки: Жаноб баъзи ойларда шундай кўп рўза тутар эрдилар, бизлар гумон қилур эрдикки, бу ой бирор кун ҳам оғиз очишга продалари йўқ эрди. Ва баъзи ойларда шундоқ очиб юрур эрдилар, бизлар гумон қилур эрдикки, бу ой рўзага продалари йўқ эрди. Ва одат шарифалари шундоқ ҳам эрдикки, агар кечкурун у Жанобни оромда ётганларини кўрмоқчи бўлсак, шу ҳолда кўра олур эрдим. Ва агар намозга машғул бир ҳолда кўрмоқчи бўлсак, у ҳолда ҳам кўра олур эрдик. Яъни, одат муборакалари ва бутун кечани ибодат ила ўтказмак ва на бутун кечани оромда ўтказмак эрди. Балки ибодат ҳам қилур эрдилар ва жон, бадан ҳақларини ҳам адо қилур эрдилар.

228. Ҳазрат Умму Салама Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Шаббон ва Рамазондан бошқа, икки ой рўзасини пайдар-пай тутганликларини кўрмадим.

Фойда: Бу ҳадисдан маълум бўлур, Жаноби Саййиди

олай саллоллоҳу алайҳи васаллам бу икки ой рўзасини мукам-мал ҳам тутибдурлар. Ва бу воқеа ҳазрати Уммул Мўъминина Умму Салама Розиеллоҳу анҳога маълум бўлибдур. Ёки Шаб-бон рўзаси ярмидан зиёда тутилган бўлса, муболаға йўли му-каммал дегандурлар.

229. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч бир ой рўза-сини Шаббон каби кўп тутганларини кўрмадим. Шаббонда шундоқ рўза тутур эрдиларки, озгина кун тутолмай қолур эрди-лар. Балки баъзи вақтларда бутун Шаббонни рўза ила ўтки-зур эрдилар.

230. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд Розиеллоҳу анҳу деб-дурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳар ойнинг аввалидан уч кунда рўза тутур эрдилар. Ва жума куни рўза бўлур эрдилар. Магар баъзи жумаларда оғиз очиқ бўлур эрдилар.

231. Ҳазрат Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Ра-сулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аксари душанба ва пай-шанба кунларин рўзасинга эҳтимом қилур эрдилар.

232. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳудан марвидур. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам иршод қи-либдурларки, бандаларнинг қилгон амаллари ҳар душанба ку-ни ва ҳар пайшанба кун Аллоҳ Таоло даргоҳига арз қилинур. Мен шун дўст тутурманки, шенинг амалларин рўзалик ҳолим-да арз этилсун. Токи мақбулнятга зиёда яқин бўлсун.

Ф о й д а: Имом Муслим Раҳимаҳуллоҳнинг бир ривоятла-рида амалларнинг ҳар кун эрта ва кеч икки бор арз этилиши собитдур. Юқоридаги ҳадисдан ҳар ҳафта икки кун арз эти-лиши маълум бўлур. Бунда ҳақида тадбиқ сурати шулдурки, амаллар муфассал бир кайфиятда ҳар кун кеча ва кундуз ҳу-дога арз этилур. Ва ҳар ҳафта икки бор душанба ва пайшанба кунларида бироз тафсил ила ҳам арз этилур. Бундан бошқа ҳар сана Шаббон ойида ва Қадр кечасида ҳам йиғилган ҳолатда арз этилиб, токи бани башар¹⁴⁸ тоифасининг шараф ва фазила-ти паришталарга маълум бўлсун.

233. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзи ойда шанба, якшанба ва душанба кунларида рўза тутур эрдилар. Ва баъзи ойда сешанба, чоршанба кунларида рўза тутур эрдилар.

234. Ҳазрати Маоз Розиеллоҳу анҳон сўрадим: Аё, Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳар ойда уч кун рўза тутур эрдиларму? Дедилар: Ори. Мен дедим: Қайси кунлари тутур эрдилар? Дедилар: Қайси кунлар бўлишида парво қилмас эрди-лар. Яъни, тўғри келган кунларда тута берур эрдилар.

235. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Ошура ку-ни, яъни, ўнинчи муҳаррам куни, Қурайш жамоаси рўза тутур эрдилар. Ва Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳижратдан илгари ўшал куни нафл рўза тутур эрдилар.

Лекин вақти Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келганларидан кейин ўзлари ҳам эҳтимом ила тута бошладилар. Уммага ҳам тутишларини вожиб эканлигини эълон этдилар. Кейин рамазон муборак рўзалари фарз қилингандан кейин ошура рўзасининг вожиблиги мансуҳ қилинди. Ва мустаҳаблиги боқий қолди. Энди ким хоҳласа тутиб, ким хоҳламаса тутмас.

236. Ҳазрати Алқама Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳодан савол қилдимки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан кунлардан қайси бирини қайси бир ибодат учун хос қилиб олур эрдиларми? Дедилар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг амаллари донмий бўлур эрди. Қайси бир ибодатга берилсалар, анга эҳтимом ила давом этур эрдилар. Ва сизлардан ким ул Жаноб тоқатлари етган ибодатга тоқати етур.

Ф о й д а: Бу ҳадисдаги давомдан мурод, ғолиби овқатдур.

237. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг қошимга кириб келдилар. Менинг ҳузуримда бир хотун ўлтириб эрди. Жаноб сўрадилар: Бу хотин кимдур? Мен дедим: Бу ўшал хотундирки, кечалар ухламай, нафл намозлар ўқур ва ибодатлар ила машғул бўлур. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Нафл ибодатларни шунчалик миқдорда қилсунки, ани қилмак мумкин ва тоқат ичида бўлсин. Қасам худо номигаки, Аллоҳ Таоло бандаси ибодатдан чарчамаса ва малол келмаса, савоб беришдан ҳаргиз чарчамас ва малол олмас. Ҳазрати Оиша дерлар: Ибодатлар ичида Жаноби Расулуллоҳга ҳаммадан зиёда маҳбуб ибодат ул ибодат эрдик, қилғучи анга давом этур.

238. Абу Солиҳ дебдурлар: Мен ҳазрати Оиша ва ҳазрати Умму Салама Розиеллоҳу анҳумодан сўрадимки: Қайси бир нав ибодат Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга зиёда маҳбуб эрди. Алар ҳар иккилари дедиларки: Қайси бир нав ибодат оз бўлсин ё кўп бўлсин, қилғувчи анга давом этса, ул ибодат Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламга маҳбуб эрди.

Ф о й д а: Бу ривоятлардан соф маълум бўлурки, рўза бўлсин, намоз бўлсин, қайси бир нафли ибодатни қилғувчи одам бўлсин ани эҳтимом ила қилсун ва анга давом этсун. Хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсун, бундоқ бўлмасунки, қилолмас эканман деб, бутун ташлаб қўйсун. Чунки фарз ибодатлардаги камчиликларни нафллар ила тўлдирилур. Қайси бир нав нафл амал қилса, тарк қилинмасин.

239. Ҳазрати Авф ибн Молик Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кеча мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила баробар бўлдим. Жаноб аввал мисвок истеъмол қилдилар. Кейин таҳорат қилдилар. Мен ҳам Жанобга иқтидо қилиб, намозга шуруъ қилдим. Жаноб сураи ФОТИҲАдан кейин зам сурага сураи БАҚАРАни бошладилар. Қачон бир раҳмат оягини ўқисалар, тўхтаб олиб, худодан ани талаб қилур эрдилар.

Ва қачон бир азоб оятини ўқисалар, тўхтаб туриб, андин па-
ноҳ тилар эрдилар. Кейин рукуъ қилдилар. Ва рукуъларинда
қиймда турган миқдорларича турдилар ва бу дуони ўқидилар:

СУБҲОНА ЗИ-Л ЖАБАРУТИ ВА-Л МАЛАКУТИ ВА-Л КИБИРЕИ ВА-Л ЎЗАМАТИ.

Т а р ж и м а с и: Покдур ул зотки, ҳукумат ва салтанат
соҳибидур. Ва улуғлик ва катталиқ соҳибидур.

Кейин сажда қилдилар ва саждада ҳам рукуъда турган миқ-
дорда турдилар ва анда ҳам юқоридаги дуони ўқиб турдилар.
Кейин иккинчи ракаъатга турдилар. Ва анда сураи ОЛ
ЪМРОНни зам қилдилар. Ва бу ракаъатда ҳам аввалги ра-
каъатда қилинган тарзда давом этдилар. Бу намоз ўзи тўрт
ракаъатлик намоз эрди. Учинчи ракаъатда суран НИСОни ва
тўртинчи ракаъатда сураи МОИИДани ўшал кайфиятда ўқи-
дилар.

Ф о й д а: Имом Термизий Раҳимаҳуллоҳу бу бобда ибти-
дода Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг
ибодатларини ниҳоятда осон ва енгилларини баён этиб келиб,
охирида муборак ҳадис ила Жанобининг ибодатдаги шавқ ва
тоқатларини ҳаммадан зиёда бўлиб, инсоний тоқат ҳорижида
эканлигини исбот этдилар. Токи итбоъларига ҳирси баланд бў-
либ, муваффақ бўла олган ҳимматлик умматлар қила олсалар
бу ҳадис ифодасича ҳам амал қилсунлар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҚИРОАТЛАРИ ҲАҚИДА БАЕН Қ И Л И Н У Р

Яъни, Жаноби Расулуллоҳнинг Қуръони карим тиловатлари
нечук эрди, шу хусусинда зикр этилур.

240. Ҳазрати Ўаъладан марвидур: Ҳазрати Умму Салама
Розиёллоҳу анҳодан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи
васаллам қироатлари ҳақида савол қилибдилар. Ҳазрати во-
лида дебдилар: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи ва-
саллам қироатлари ҳарф-ҳарф очиқ ва равшан бўлур эрди.
Шарҳловчилар дебдилар: Ҳазрати волида ўзлари Жаноби Сар-
вари кинот саллоллоҳу алайҳи васаллам ташуунтириб бердилар.

241. Ҳазрати Қатода дебдилар: Мен ҳазрати Анас Розиёл-
лоҳу анҳудан Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васал-
лам қироатлари нечук эрди деб савол қилдим. Ҳазрати Анас
Розиёллоҳу Анас дедилар: Жаноби Расулуллоҳу алайҳи васал-
ламнинг қироатлари мадлик бўлур эрди. Яъни, мад қилмақ
зарур бўлган мақомларда мад қилур эрдилар. Лекин мад қи-
лишда тажвид қондасига мутобиқ мад қилинур эрди. Зиёда ва

кам қилинмас эрди. Чунки ҳар нарсанинг ўз миқдори бордур. Андин зиёда ва кам қилмак мазмумдир¹⁴⁹.

242. Ҳазрати Умму Салама Рознёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қироат қилгонларида ҳар оятни узиб, алоҳида қилиб ўқир эрдилар. Бирини иккинчисига қўшиб, аралаштириб ўқимас эрдилар. Чунончи, АЛҲАМДУ ЛИЛЛАҲИ РАББИЛ ЁЛАМИНА деб тўхтар эрдилар. Кейин АР-РАҲМОНИ-Р-РАҲИМ деб яна тўхтар эрдилар. Кейин МОЛИКИ ЁВМИ-Д-ДИН деб тўхтар эрдилар.

243. Абдуллоҳ ибн Аби Қайс дебдурлар: Мен ҳазрати Оиша Рознёллоҳу анҳодан савол қилдимки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Қуръони каримни ичларида бевоз ўқир эрдиларми ё овоз ила ўқир эрдиларми? Ҳазрати волида дедилар: ҳар икки тариқада ўқир эрдилар. Мен дедим: АЛҲАМДУ ЛИЛЛОҲКИ ДИНИМИЗДА КЕНГЧИЛИК ПАЙДО ҚИЛИБДУРЛАР, ЯЪНИ ИСЛОМДА ТАҲАЖЖУД ВА БОШҚА НАМОЗЛАР ҚИРОАТИН ОВОЗ ЧИҚАРИБ ЎҚИЛСИН ЁКИ МАҲФИЙ ЎҚИЛСИН, ВАҚТГА ВА НАШОТГА БОҚИБ, ҚАНДОҚ ЎҚИЛСА ДУРУСТДИР. Бу нарса ислом маҳосинлар¹⁵⁰ идандур.

244. Ҳазрати Умму Ҳоний Рознёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам масжиди ҳарамда кечқурун тиловат қилур эрдилар. Мен овози муборақларини уйимда, том тепасида эшитур эрдим. Чунки бу зот уйлари ҳарам Маккага ниҳоятда яқин эрди. Ва Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам Қуръони каримни ниҳоятда соф ва дон-дона қилиб овоз ила ўқир эрдилар.

245. Ҳазрати Абдуллоҳ бин Муғаффал Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Маккаи мукаррам* фатҳ қилинган кунни Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни туяларининг устида: ИННО ФАТАҲНО ЛАКА ФАТҲАН МУБИЙНАН ЛИЙЛАҒФИРА ЛАКА-АЛЛОҲУ МО ТАҚАДДАМА МИН ЗАНБИКА ВА МО ТААХХАРА жумлаларини ўқиб турганларини эшитдим. Жаноб қироатларида таржиъ қилур эрдилар. Яъни, туянинг ҳаракатидан овозларини узилиб, қайта-қайта, дегандек эшитилар эрди. «О» демоқчи бўлсалар, «О-о-о» бўлиб, овоз чиқур эрди.

246. Ҳазрати Қатода Рознёллоҳу анҳу дебдурлар: Аллоҳ Таоло бир Набийни ниҳоятда хўб сурат ва ниҳоятда хушовоз қилиб юборгандир. Ва Жаноби Набийни карим саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳаммадан чиройлик ва ҳаммадан хушовоз қилиб юборгандир. Жаноб Қуръони каримни ниҳоятда ёқимли тиловат қилур эрдилар. Лекин ашулачилар каби нағма қилиб ўқимас эрдилар.

247. Ҳазрати ибн Аббос Рознёллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Қуръон тиловат қилсалар овозлари шул қадар баланд бўлур эрдикки, уйда ўқисалар саҳидаги одамлар эшитур эрдилар.

Фойда: Бу бобда келган ҳадислар мазмунларидан шул натижа ҳосил бўлурки, Қуръони карим тиловат қилувчилар ўз

ҳолатлари ва мақомлари ва завқларига мутобиқ ўқисинлар. Овоз чиқариб ўқиш матлуб бўлса, овоз чиқариб, хуфя матлуб бўлса хуфя ўқисинлар. Ғаразлари худо ризоси ва дин иълоси бўлсин. Риё ва самъа каби нарсалар аралашмасин.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ГИРЯ ВА ЗОРИЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

Инсоннинг йиғлаши неча сабабдин бўлур. Гоҳо бир кишига раҳми келиб йиғлар, гоҳо қўрқиб йиғлар, гоҳо соғиниб йиғлар, гоҳо хурсандликдан йиғлар, гоҳо оғриқдан йиғлар, гоҳо хафаликдан йиғлар, гоҳо мазлумликдан йиғлар, гоҳо тавба қилиб йиғлар, гоҳо мунофиқликдан ёлғон йиғлар. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йиғилари аксари бир ўлган мусулмон ҳолига ачиниб, раҳмлари келиб, шафқатдан бўлур эрди. Ё Аллоҳ Таолодан қўрқиб ва анинг муҳаббатидан йиғлар эрдилар.

248. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн аш-Шиххир Розийёллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига келдим. Жаноб намозга машғул эканлар. Ичларидан йиғлаганликларидан мис қозон қайнаб турган каби овоз келур эрди.

249. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд Розийёллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун менга Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Қуръон ўқиб эшиттир дедилар. Мен дедим: Ё, Расулаллоҳ, мен ўзларига ўқиб эшиттирайму, ҳолбуки, Қуръони карим ўзларига нозил бўлгондур. Жаноб дедилар: Мен Қуръонни ўзимдан бошқадан эшитмакни дўст тутурман. Ҳазрати Абдуллоҳ дебдурлар: Кейин мен сураи НИСОни бошладим. Ўқиб бориб, бу оят шарифага етдим.

Т а р ж и м а с и: Нечук бўлур кофирлар, холлари вақтики биз ҳозир қилсак ҳар уммат устига бир одил гувоҳни ва келтурсак, эй ҳабиб, сизни ул гувоҳлар учун таид этгувчи гувоҳ қилиб...

Шул мақовга етганда, кўрдимки, Жаноби Расулаллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг икки муборак кўзларидан ёшлари оқиб турур.

250. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар Розийёллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам замони муборакларида бир марра кун тутилди. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам туриб, масжидга бордилар ва намоз бошладилар. Шул қадар узун қиём қилдиларки, рукуъ қилмас эканлар деб гумон қилинди. Кейин рукуъга бордилар. Шул қадар узун рукуъ қилдиларки, бош кўтармасларму деб гумон қилинди. Кейин рукуъдан қомага турдилар. Анда ҳам шул қадар узун турдиларки, саждага бормаслар деб гумон

қилинди. Кейин саждага бордилар. Шулар қадар узун сажда қилдиларки, саждадан бош кўтармаслар деб гумон қилинди. Кейин жалсага турдилар. Анда ҳам шулар қадар узун турдилар. Кейин яна шундоқ узун сажда қилдилар. Сўнг иккинчи ракаъатни ҳам шундоқ узун ўқидилар. Иккинчи ракаъатнинг иккинчи саждасида оҳ тортиб, дам олур эрдилар. Ва йиғлар эрдилар, ва худога нолалар қилиб, даргоҳига арз қилур эрдиларки, парвардигор сен менга ваъда қилган эрдингки, сенинг ҳаётингда мен умматларингга азоб юбормасман. Ва ваъда қилган эрдингки, мудом умматларинг истиғфорга машғул турсалар, аларга азоб юбормасман. Энди биз ҳаммамиз истиғфорга берилдик. Кейин Жаноб намоздан фориг бўлиб эрдилар, кўрилдикки, кун очилиб, равшан бўлиб кетибдур. Кейин Жаноб ваъз қилдилар. Худога ҳамду сано этгандан кейин дедилар: «Офтоб ила ой Аллоҳ Таолонинг қудрат нишонларидандур. Бир кишининг ўлиши ёки тирилиши учун тугилмас, қачон бу иккиси тугилса, сизлар Худога мутаважжих бўлинглар ва намоз ва истиғфорга машғул бўлинглар».

251. Ҳазрати ибн Аббос Розийллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қизлари (қизларининг қизлари) хаста бўлиб, ўлишга яқин борганда қучоқларига олдилар, яна олдиларига қўйдилар. Кейин ул бола вафот қилди. Бу ҳолни кўриб, чўрилари ҳазрати Умму Айман Розийллоҳу анҳо овоз ила йиглаб юбордилар. Жаноб дедилар: Сен Расулуллоҳ ҳузуринда ҳам овоз ила йиғларсанму? Умму Айман дедилар: Ўзларининг йиглаб турганларини кўрмай турибдурманми? Жаноб дедилар: Менинг йиғлашим мамнуъ йиғи эмасдур. Бу раҳматдурки, Аллоҳ Таоло мўъмин бандасининг кўнглига пайдо қилур. Кейин дедилар: Мўъмин банда ҳар ҳолда хайрда бўлур. Ҳатто унинг ўз жонини баданидан чиқарилур, шулар ҳолда ҳам холиқиға шукр ва сано этур.

Ф о й д а: Уламолар дебдурлар, Жаноби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч бир қизлари ёшлигида вафот қилмагандур. Бу қиз қизлари Зайнаб Розийллоҳу анҳонинг қизлари бўлурлар. Лекин бу зот ҳам ўшал беморликда ўлиб кетмай, Жаноби Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг барокатларидан шифо топиб кетгандурлар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин дунёда узун яшадилар. Ҳатто, ҳазрати Али Розийллоҳу анҳу ул зотни ўз никоҳларига олдилар. Ва шаҳид бўлган замонларида ҳам никоҳларида бор эрдилар. Энди юқоридаги вафот қилди ва Умму Айман йиғладилар деган сўз маъноси, вафот қилишиға яқин бордилар. Лекин таважжуҳи набийи барокатидин яна тузалиб қолдилар деган бўлур.

252. Ҳазрати Онша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг эмишган биродарлари ҳазрати Усмон ибн Мазъун Розийллоҳу анҳу вафот қилгонларида юзларидан ўпдилар. Ушал ҳолда икки кўзларидан ёшлари оқиб йиглаб туриб эрдилар.

253. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари ҳазрати Умму Гулсуи Розиеллоҳу анҳонинг жанозаларига ҳозир бўлди. Ва қабристонга ҳам бордик. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари қизларининг қабрлари устида ўлтириб эрдилар. Кўрдимки, Жанобнинг икки кўзларидан ёшлари оқиб турибди. Дедилар: Ичларингизда бу кеча хотинига яқин бормаган киши бордурми? Ҳазрати Абу Тальҳа Розиеллоҳу анҳо дедилар: Мендурман, ё, Расулаллоҳ. Сен бу қабрга тушгин. Кейин ул зот қабрга тушдилар.

Фойда: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қизлари Руқия Розиеллоҳу анҳо вафотларидан кейин иккинчи қизлари Умму Гулсуи Розиеллоҳу анҳони ҳазрат Усмон Розиеллоҳу анҳога никоҳ қилиб берган эрдилар. Бу зот вафотларида эрлари ҳазрати Усмон қабрга қўймоқ учун яқин келдилар. Лекин Жаноби Расулаллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу кеча жумоҳ қилмаган киши дафн қилсун деганларида ўзларини тортдилар. Чунки ўшал кеча хотинлари ўлиб турсалар ҳам, бир чўри ила шаръи суҳбат қилиб эрдилар. Бу ҳол Жаноби саллоллоҳу алайҳи васалламга маълум бўлиб эрди. Анинг учун ҳазрати Усмон Розиеллоҳу анҳуга енгил бир ытоб мақомида шундоқ дедилар.

БУ БОБДА ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТЎШАБ ЎТАДУРГОН ЎТОҒЛАРИ ҲАҚИДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

254. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўтадургон ва устида ухлайдургон тўшақлари чарм, яъни теридан эрдик, ичиға хурмо дарахтининг пўстлоғлари солинган эрди.

255. Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир раҳимаҳуллоҳу алайҳи дебдурлар: Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳодан бир киши савол қилибдурки, ўзларининг уйларида Жаноби сарвари коинот саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тўшақлари нечук эрди? Жавоб берибдурларки, тўшақлари ичиға хурмо дарахтининг пўстлоғи тўлдирилган чарм эрди. Ва ҳазрати Ҳафса Розиеллоҳу анҳодан бир киши сўрабдурки, сизнинг уйингизда Жаноби Расулаллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тўшақлари қандоқ эрди? Дебдурлар: жундан бўлгон бир қўпол чодар эрдик, биз ани икки буклаб, Жанобнинг остлариға тўшаб берур эрдик. Устида Жаноб ором қилур эрдилар. Бир кеча мен дедим: Шул чодарни агар тўрт буклаб берсам, теглари мулойим бўлур эрди. Кейин мен ани тўрт буклаб тўшаб бердим. Тонг отганда Жаноб савол қилдилар: дедиларки: Бу кеча мешинг остиға нима парса тўшаб бердинглар? Мен дедим: Ўзларининг ҳар кунги тўшақларини тўрт буклаб бердик. Ўзларига мулойимроқ бўлсин дедик.

Жаноб дедилар: Бу тўшакни аввалги ҳолига қўйиб тўшанглар, тўрт букламангларки, анинг мулойимлиги менинг таҳажжуд намози учун тезроқ туришимга монё бўлди.

ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТАВОЗЕЪЛАРИ ҲАҚИДА ВОҚЕАЛАР

Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тавозеъларининг воқеалари мингдан зиёдадир. Ҳаммасини баён қилиб бўлмас. Анинг учун мусанниф раҳимаҳуллоҳу бу китобларида бир неча ҳадис табаррукан зикр қилурлар.

256. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттоб Розиеъллоҳу анҳудан марвидур. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Эй, мусулмонлар, сизлар мени мадҳ ва таъриф этишда Насора Исо алайҳиссаломни мадҳ ва таъриф этгани каби ҳаддан ошманглар ва муболаға қилманглар. Ҳақиқат шулдурки, мен Аллоҳ Таолонинг бандасидурман. Сизлар ҳам мени Аллоҳ Таолонинг бандаси ва Расули деб ёд қилинглр. Яъни, ёд қилғонда шундоқ алфоз истеъмол қилинмасинки, андин шарк ё гулув¹⁵¹ мафҳум бўлсин.

257. Ҳазрат Анас Розиеъллоҳу дебдурлар: Бир хотун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматлариға келди. Ва деди: Ё, Расулаллоҳ, менинг хос ўзлариға бир ҳожатим бордур. Ани арз қилмоқчидурман. Жаноб дедилар: Мадина кўчаларидин қайси бир кўчани хоҳласанг, анда ўлтир, мен баробар ўлтириб арзингни эшитай.

258. Ҳазрат Анас Розиеъллоҳу анҳу бунн ҳам дебдурларки: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хасталар ҳолини сўрамак учун ётган ерлариға борур эрдилар. Дилдорликлар қилур эрдилар ва жанозаларға ҳозир бўлур эрдилар. Ва эшакка ҳам минур эрдилар. Ва қул зиёфат қилиб қақирса ҳам қабул қилиб борур эрдилар. Ва Бани қурайза яҳудлари ила уруш бўлғон кунларда шундоқ бир эшакка минган эрдиларки, анинг югани ё тизгини хурмо дарахтининг пўстлоғидан ишланган ип эрди ва анинг эгар тўқими ҳам хурмо дарахтининг пўстлоғидан ишланган эрди.

259. Ҳазрат Анас Розиеъллоҳу анҳу бунн ҳам дебдурларки: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг арпа унидан бўлган нон ва туриб қолиб исланиб қолган ёғдан иборат бир зиёфатга қақирсалар, қабул этиб, борур эрдилар. Ва Жанобнинг урушда киядурган бир зурралари бир яҳудий қошинда гаров эрди. Вафот қиладурган замонларигача шу зуррани гаровдан бўшатиб оладурган бир нарса топа олмадилар. Вафотларидан кейин ҳазрати Абу Бакр Розиеъллоҳу анҳу ажратиб олдилар.

260. Ҳазрат Анас Розиеъллоҳу анҳудан бул ҳам марвидур: дебдурларки: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васал-

лам бир туяга миниб, ҳаж қилдиларки, тўқимлари эски эрди ва анинг устида бир чодир бор эрдикки, қиммати тўрт тангага ҳам баҳоланмас эрди. Жаноб шул ҳолда бу дуони ўқир эрдилар.

Т а р ж и м а: Эй, Аллоҳ, менинг бу ҳажимни риё ва самъадин пок бир ҳаж қилгил. Риё ва самъа деб халқ кўрсин ва халқ эшитсин деб ибодат қилишни айтилуру. Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч бир ибодатларида риё ва самъа бўла олмас. Бу дуони умматни огоҳ этмак ва аларга таъзим қасдида дегандурлар.

261. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу бун ҳам дебдурларки: Саҳобан киром ичларинда бир киши ҳам йўқ эрдикки, анинг Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан маҳбуброқ кишиси бўлсин. Барчаларига Жаноб ҳаммадан зиёд маҳбуб эрдилар. Шундоқ бўлиб туриб ҳам ҳеч бирлари Жаноб келганларида ўринларидан турмас эрдилар. Чунки Жаноб ўзларини таъзим учун бир кишининг қиём қилишини ёмон кўриб эрдилар.

Ф о й д а: Бу хусусда уламолар ихтилоф қилибдурлар. Хулосаси шулдурки, туриладургон одам аҳволига боқилур. Ҳақиқатда туришга муносиб бўлиб, андин кибри зиёда бўлмайдургон бўлса, турилса жонздур. Бундоқ бўлмаган суратда ножоиздур. **ВАЛЛОҲУ АЪЛАМУ.**

262. Ҳазрат Имом Ҳасан ибн Али Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Мен тоғам Ҳинд ибн Аби Ҳола Розиеллоҳу анҳудан савол қилдим. Ул зот Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак афсоналарин кўп баён қилур эрдилар. Ва мен хоҳлар эдимки, шамоилн шарифаларидан менга бироз баён қилиб берсалар. Тоғам ҳазратлари дейдилар: Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам зоти мақдасалари ниҳоятда улуг, авсоф олиялари ғоятда баланд бир зот эрдилар. Муборак чеҳралари ўн тўрт кечалик тўлган ой каби дурахшон эрди, деб юқорида биринчи бобда баён бўлгон узун ҳадисни тамом ўқидилар.

Имом Ҳасан Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен бу ҳадисни бир муддатга қадар укам Ҳусайнга баён қилмай турдим. Кейин баён қилиб эрдим, маълум бўлдики, ул мандан аввал тоғамдан бу ҳадисни сўраб эшитиб олган экан. Балки отамиздан ҳам Жаноби жаддимиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг уйига киришлари ва ташқарига чиқишлари ва тарзу-тариқаларини сўраб олибдур. Ҳеч бир нарсани қўймабдур. Укам Ҳусайн дерки: Мен отамдан Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг уйига киришлари ҳақида савол қилдим. Отам дейдилар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон уйларига кирсалар, уйдаги вақтларини учга тақсим қилур эрдилар. Бир ҳиссасини Худо ибодатига ва анга тааллуқли ишларга чиқарар эрдилар. Ва бир ҳиссасини уйдагилар ҳақларини адо қилмоқ ва алар ила ўлтирмак, сўзлашмак, аҳволларини билмак каби ишларга чиқарур эрдилар. Ва бир ҳиссасини ўзларининг заруриятларига ва хусусий ишларига чиқарур эрдилар.

Кейин шул ўзларига хос бўлган ҳиссани иккига бўлиб, ўзлари ила халқ ўртасига тақсим қилур эрдилар. Ушал ҳиссада хосларни сабаб қилиб туриб, овомга наф тегизур эрдилар. Яъни хослар кириб суҳбатларидан истифода қилур эрдилар. Ва алар воситалари ила оммага наф етур эрди.

Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз мажлисларига ҳозир бўлгонлардан ҳеч бир нарсани аямас эрдилар. Диний ва дунёвий манфаатларни алардин дариғ тутмас эрдилар ва Жанобнинг олат карималарни бири шул эрдикки, келгувчилардан аҳли илм ва аҳли амалларни киришга ижозат беришда бошқаларга таржих¹⁵² берур эрдилар. Ва вақт беришда аларнинг дини фазлу шарафларига боқиб тақсим қилур эрдилар. Келгувчиларнинг баъзиларини биргина ҳожати бўлур. Баъзиларининг икки ҳожати бўлур. Ва баъзиларида бир неча ҳожати бўлур эрди. Жаноб ҳаммаларини ҳожатларин раво қилур эрдилар. Ва аларни шундоқ ишларга машғул қилур эрдиларки, аларни ўзларига ҳам ва умматга манфаати бўлур. Чунончи, диний муҳим ишлар бўлса, Жанобдан савол қилсунлар ва Жаноб аларга муносиб бўлгон ишларни аларга билдирурлар. Ва дер эрдиларки, сизлардан бу мажлисда ҳозир бўлган зотлар ғойибларга бу ерда бўлиб ўтган фойдали сўзларни етказсунлар. Ва ҳожатини менга етказа олмаганларнинг ҳожатларини сизлар менга етказинглар. Чунки кимки подшоҳга шундоғ бир одам ҳожатини еткизсаки, ўзи ани еткиза олмаса, Аллоҳ Таоло қиёмат куни ул одамни собит қадам қилур. Шунинг учун сизлар ҳамиша хайр иш учун восита бўлинглар.

Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қошларида бундан бошқа сўзлар қилинмас эрди. Ва мажлисда фойдаси ва манфаати бўлмаган сўзни ҳеч кимдан қабул ҳам қилмас эрдилар. Саҳобалар қачон мажлис набавийга кирсалар диний ишларини ислоҳига толиб бўлиб кирур эрдилар. Ва то бирор манфаат ҳосил қилмай чиқиб кетмас эрдилар. Ва мажлис муборакдан чиққанлар халқ учун раҳнамо ва халқни хайр ишларга далолат етгувчи бўлиб чиқур эрдилар.

Укам Ҳусайн дерлар: Мен отамдан бобомиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ташқарига чиқишлари ҳақида савол қилдим. Отам дедилар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларига зарурати бўлмаган сўзлардан муборак тилларни сақлар эрдилар. Келгувчиларга дилбарлик қилиб, ўзларига ром қилур эрдилар. Ва аларни ўзларидан қочирмас эрдилар. Ҳар қавмининг буюғи ва азинига ҳурмат-иззат берур эрдилар. Ва ани ўзларига сардор қилур эрдилар. Ва одамларни Аллоҳ Таолонинг азобидан қўрқитур эрдилар. Ва ўзлари одамлардан эҳтиётда бўлур эрдилар. Лекин халқни лутфу марҳаматларидан яхши миқдор ё яхши хулқларидан маҳрум этмас эрдилар. Ва ёронларнинг аҳволидан бохабар қилур эрдилар. Ва одамлар ораларида нима ҳоллар бор, одамлардан сўраб турур эрдилар. Ва яхши нарсани яхши дер эрдилар ва анинг ўзини ва қилгувчисини мадҳ ва таъриф етур эрдилар. Ва ёмон

нарсани ёмон дер эрдилар. Ва қилғувчисини мазаммат ва ўзидан манъ этур эрдилар. Тамоми ишлари муътадил бўлиб, ҳар бирига мухалиф бўлмас эрди. Ҳамиша сўзлари феъллариға ва феъллари сўзлариға мувофиқ бўлур эрди. Ёронларнинг насиҳат ва иршодларидан бепарво бўлмас эрдилар. Чунки бепарво бўлсалар, алар ҳам бепарво бўлурлар. Ва роҳат, ишратга берилиб кетурлар деб, қўрқур эрдилар. Ҳар бир ҳолат учун етарли тайёрликлари бўлур эрди. Ҳар бир ҳодисанинг илоҷини қилишдан аввал кўриб қўюр эрдилар. Ҳақ бир ишни бажармакда камчилик қилмас эрдилар. Ва ҳаддан тажовуз ҳам қилмас эрдилар. Суҳбатлариға яқин бўлғувчилар саҳобаларнинг ниҳоятда мумтоз ҳазратлари бўлур эрдилар. Жаноб қошларида аларнинг афзалликлари омма, халқ учун зиёда хайрихоҳлари бўлур эрдилар. Ва мартабалари баландлари халқ ила муросаси ва ёрдами яхши бўлур эрдилар. Имом Ҳасан дерлар: Мен отамдан бобомиз мажлислари ҳақида савол қилдим. Отам дедилар: Жаноби Расули акрам соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўлтириш ва туришлари ҳамиша Аллоҳ Таолонинг зикри ила бўлур эрди. Бир лаҳза ҳам худо ёдидан алоҳида бўлмас эрдилар. Ва қачон бир қавм тўпланган бир мажлисга борсалар, қайси ер ҳоли, бўш бўлса, ўшал ерга ўлтирар эрдилар. Ва бошқаларни ҳам шундоқ қилмоққа буюрар эрдилар. Жаноб ҳамма ҳамнишинларининг ҳаққини адо қилур эрдилар. Кулмак, сўзлашмак, илтифот қилмакда ҳаммалари баҳра олур эрдилар. Ҳеч бир ҳамнишинлари бошқани Жанобға ўзидан муҳтарам билмас эрди. Балки ҳаммадан муҳтарам ва яқиндурман дер эрдилар. Ҳар ким Жаноб мажлисларида бўлса, ё сўзлашиб қолса, Жаноб мажлисда ҳам, сўзда ҳам андин зиёда сабрлик бўлур эрдилар. То ул зот ўзи туриб кетмаса, Жаноб турмас эрдилар. Ҳар ким Жанобдан бир ҳожат тиласа, ё ўша тилагин олиб кетур эрди ё бирор ширин сўзларини ва узларини эшитиб кетур эрди. Хулқлари ва яхши миждлари ҳар қандоқ бир инсонни сиғдира олур эрди. Ҳаммага баробар ота эрдилар. Ҳамма қошларида ҳақда баробар эрди. Мажлислари ҳамиша ҳилм, ҳаё, имонат ва сабр мажлиси бўлур эрди. Мажлисларда овозлар баланд кўтарилмас эрди. Ва ҳурматлар поймол этилмас эрди. Ва анда бўлиб ўтган хатолар ташқариға тарқатилмас эрди. Мажлисагилар ҳаммалари баробар бўлур эрдилар. Балки тақвosi борлар афзал ҳисоб қилинур эрдилар. Ҳаммалари тавозиълик бўлур эрдилар. Улар мажлисда катталарға ҳурмат ва кичикларға раҳмў шафқат қилинур эрди. Ҳожати бор одамни ўзларидан ҳақликроқ билиб, Жанобға яқин қўюр эрдилар. Мусофир, ғариб келиб қолса, ҳурматлаб, ҳаққин адо қилур эрдилар. Ғариб навозликларин исбот этур эрдилар.

Ф о й д а: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам Худога маҳбуб бўлгон яхши хулқларнинг ҳаммаси учун тимсол мужассам эрдилар. Тамоми камолат ила музаййин эрдилар. Аллоҳ Таоло ҳаммамизга ҳар бир хулқда Жанобға итбoъ давлатини насиб этсун. Омин.

263. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Агар менга қўйнинг почасини ҳадя қилинса ҳам қабул этурман ва ани пишириб, мени чақирилса ҳам борурман. Яъни, ҳадя нақадар халқ назарида ҳақир бўлсин ва зиёфат нақадар содда ва бетакаллуф бўлсин, менинг учун мақбулдур. Мен Аллоҳ Таолонинг ҳар қандай неъматини неъмат билурман ва даъват қилгувчи ва ҳадя бергувчининг дилин овларман.

264. Ҳазрати Жобир Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам менинг беморлик ҳолимда сўрагали уйимга келдилар. На хачирга минган эрдилар ва на ажами отға. Балки муборақ оёқлари ила пиёда келдилар.

265. Ҳазрати Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Салом Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Менинг номимни Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Юсуф қўйгандурлар. Ва мени қучоқлариға ўтиргизиб, бошимға муборақ қўлларини етказгандурлар. Яъни, шафқат ила бошимни силагандурлар.

266. Ҳазрати Амра Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳодан савол қилиндикки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз уйларида нима иш қилур эрдилар. Волида жавоб бердилар: Жаноб инсонларнинг бири эрдилар. Либосларини ўзлари қарар эрдилар. Жониворларнинг сутини ўзлари соғур эрдилар. Ва ўз хизматларини ўзлари қилур эрдилар.

Ф о й д а: Либосларини боқишдан мурод бу эмасдурки, Жаноб вужудлариға бит каби нарсалар пайдо бўлсин. Балки, бошқадан кирганмикни деб, ё умматга таълим учун боқур эрдилар.

ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АҲЛОҚ ВА ОДАТ ШАРИФАЛАРИ ҲАҚИНДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аҳлоқ жамила ва одат шарифалари тамоми оламға машҳурдир. Дўст ҳам, душман ҳам эътироф қилур. Бутун коннот санохон хулқу Муҳаммадий эрур. Ҳаммадан зиёда таърифи Қуръони каримнинг «Нун» сурасида яратган холиқлари тарафидан ила ёвмилқиёмат ислом меҳробларида тиловат этилур. Ҳазрати Ҳақ жалли ва ғало марҳамат қилур: **ВА ИННАКА ЛАЪАЛО ХУЛУҚИН ЎАЗИМИН**. Яъни, эй Ҳабиб, ҳеч шак йўқдурки, сиз албатта, инҳоятда буюк бир хулқ соҳибидурсиз.

Ҳадис китобларидаги мазмунларнинг зиёда хислати шу муборақ хулқу азиз таърифиға мабнийдур. Саллоллоҳу ғала соҳибпхи васаллам.

267. Ҳазрати Хорижа ибн Зайд ибн Собит Розиеллоҳу анҳум дебдурлар: Бир жамоа қиблагоҳим ҳазрати Зайд ибн Собит Розиеллоҳу анҳу хизматлариға келиб арз қилдиларки, Жаноби

Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳволи шарифларидан бизларга баён берсинлар. Ҳазрати Зайд дедилар: Мен Жаноби Саййинди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳволи шарифларидан сизларга нимани баён қилай? Мен Жанобга ҳамсоя эрдим. Қачон ваҳи нозил бўлса, менга одам юборур эрдилар. Мен бориб, ёзиб берур эрдим. Жанобнинг одатлари биз саҳобалар қачон дунёдан сўз қилсак, дунёдан сўз қилур эрдилар ва қачон охиратдан сўз қилсак, охиратдан сўз қилур эрдилар. Ва қачон таомдан сўз қилсак, таомдан сўз қилур эрдилар. Ма-на шу баён қилган нарсаларим Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аҳволларидур. Яъни, хулқларининг баландлигидан ёронлари ила ҳар қисм суҳбатда ширкат қилур эрдилар. Лекин Жаноб баёнлари ва ширкатлари тамоми бифойда нарсалардан пок бўлиб, қайси бобда сўзласалар, ҳамнишинлари учун фойда ва манфаатнинг ўзи бўлур эрди.

Фойда: Ҳазрати Зайд Розиеллоҳу анҳу пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий китобларидан бирлари эрдилар. Бу зотдан бошқа яна саккиз саҳоба бу давлатга мушарраф эрдилар. Ҳазрат Усмон, ҳазрати Али, ҳазрати Убба, ҳазрати Муъовийа, ҳазрати Халид ибн Саъид, ҳазрати Хунза-ла, ҳазрати Ёлоу Ҳазрами, ҳазрати Абон ибн Саъид Розиеллоҳу анҳум.

268. Ҳазрати Амру ибн ал-Ос Розиеллоҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам одат шарифалари гоҳо мажлисларида бор зотларнинг ичинда маҳз¹⁵³ дилни улфатлантирмак қасдида қавмнинг энг ёмонига юзларини қилиб хусусий сўзлашур эрдилар. Андин аввал одам ўзини хос ҳамсуҳбатлардан хаёл қилур эрди. Чунончи, менга ҳам юзла-ниб, хусусий суратда гуфтагу қилур эрдилар. Мен хаёл қил-димки, Жаноб ҳузурларида қавмнинг яхшиси мендурман. Шул хаёл устида бир кун мен Жанобга арз қилдим. Ё, Расулуллоҳ, Мен афзалдурманми ё Абу Бакр? Жаноб дедилар: Абу Бакр афзалдур. Кейин мен дедим: Мен афзалдурманми, ё Умар? Жаноб дедилар: Умар афзалдур. Кейин мен дедим: Мен афзал-дурманми ё Усмон? Жаноб дедилар: Усмон афзалдур. Вақтнки мен Жанобдан равшан сўроқ қилиб эрдим. Жаноб тамоми са-роҳат ила ҳақиқатни сўзладилар. Менинг хотирим учун мадо-рат учун мени афзал демадилар. Ростнинг ўзини сўзладилар. Кейин мен дедим: Менга бундай саволлар қилмакнинг муноса-бати йўқ эрди. Кошки бу саволни қилмаган бўлур эрдим. Арзи Жаноби Саййинди олам саллоллоҳу алайҳи васалламда рост муомала ва рост сўздан бошқа нарсани йўқ эрди. Дунёда бу сифатдан улуғ сифат бўла олурми?

269. Ҳазрат Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга ўн йил хизмат қилдим. Жаноб бу узун муддатда менга бирор марта «уф» демадилар. Яъни, ранжиган одам дейдирган сўзни қилмадилар ва мен бир нарсани қилиб қўйган бўлсам, «нима учун бунни қилдинг?» демадилар. Бир нарсани қилмай қўйган бўлсам,

«Инма учун буни қилмадинг?» демадилар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тамоми инсонларнинг хуш хулқи эрдилар. Ва жисми атаҳҳурлари ҳам шундоқ эрди. Мен ҳеч бир ипак парчани ё холис ипакни ўзини ё бирор мулоим нарсани ушламадимки, Жанобнинг муборак кафтларидан юмшоқроқ бўлса ва ҳеч бир мушкни ё атрни искамадимки, Жанобнинг муқаддас баданларидан томган тердан хушбўйроқ бўлса.

Ф о й д а: Бу ҳадис муборакда муболага ёки ғалат ҳеч йўқдир. Ҳақиқат ўзи шулдир. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак терларини жам қилиб хушбўй ўрнида истеъмол этмак саҳобани киром ўрталарида машҳур эрди. Бу борада ажиб бир ҳикоя бордур. Бир кун ҳазрат Анас Розинёллоҳу анҳу мажлисида ўлтириб, ниҳоятда хурсанд бўлиб туриб, дедиларки: Мен ушбу қўлларим ила Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қўлларига мусофаҳа қилгандурман. Умримда мен Жаноб қўлларидан мулоим ипак парча ё холис харирни ушламадим ва кўрмадим. Бу сўзни Ҳазратдан эшитиб, ўлтирган шогирдлари арз қилдиларки, мен ҳам ушбу қўлларим ила Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам қўлларига мусофаҳа қилгон қўлга мусофаҳа қилишни орзу қилурман. Бахтиёр шогирднинг таманноси сабаб бўлиб, дунёда бу силсила бу кунгача яъни, ўн уч юз йилдан зиёда муддат жорий бўлиб келди. Ва муҳаддислар ўрталарида мусофаҳа ҳадиси деб машҳурдир. Ва шу ҳадисни ривоят этишга мусалсил мусофаҳа қилиниб келингандир.

270. Ҳазрат Анас Розинёллоҳу анҳу буни ҳам дебдурлар: Бир кун Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қошларида бир одам ўлтириб эрди. Устида сариқ рангли либос бор эрди. Жанобнинг одат шарифалари бир кишида номуносиб нарсани кўрсалар, ўз юзига демас эрдилар. Ани учун хомуш ўлтирдилар. Кейин сариқ либослик одам туриб кетгандан кейин мажлисида ўлтирганларга дедиларки: Сизлар бу бечорани сариқ либос киймакдан ман қилсангизлар яхши бўлур эрди.

271. Ҳазрати Оиша Розинёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам миждози мубораклари шундоқ эрдикки, таъбларида хулқи беҳаёлик ўзи йўқ эрди. Ва такаллуф ила ҳамма беҳаёлик сўзларни мажлисларда қилмас эрдилар. Ва бозорларда баланд овоз ила сўз қилиш одатлари йўқ эрди. Ва бир киши Жанобга ёмонлик қилса, Жаноб эса анга ёмонлик қилмас эрдилар. Балки афв этур эрдилар. Ва гуноҳидан ўтур эрдилар.

Ф о й д а: Ёмонга ёмон жазо бермай ва андин интиқом олмай афв этмак воқеаси Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бутун ҳаётларининг ҳар лаҳзасида жила қилиб турган дурахшон сифатларидур. Бу сифат тавзиҳи устинда бир ажиб ҳикоя бордур. Зайд ибн Саъна деган бир яҳудий бор эрди. Ҳз забони ила баён қилурки, мен нубувват, яъни, пайгамбарлик аломатларини Жаноби Расули акрам

саллоллоху алайҳи васаллам вужуд муборақларида топдим. Магар икки аломат боқий қолди. Бирн буки: Набийнинг ҳилмлари ғазабларига ғолиб келур. Иккинчиси, бир киши набийий ҳузурларида нақадар нодонлик ва аҳмоқлик қилса, Жанобнинг таҳаммул ва бардошлари шул қадар зиёда бўлур. Мен бу икки сифатни ҳам Жанобда топилурмикин деб, бирмунча кун текшириб турдим. Ва Жаноб ила алоқа ва дўстлик рафти ва омадин кўпроқ қилиб турдим.

Бир кун Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам ҳужраи саодатдан ташқарига чиқдилар. Ҳазрати Али баробар эрдилар. Рўбарўлариға бадавийға ўхшаган бир одам келиб арз қилди: Ё, Расулаллоҳ, менинг қовмим мусулмон бўлгандурлар. Мен аларга деган эрдимки, мусулмон бўлинглар. Агар сизлар мусулмон бўлсангизлар ризқларингиз фаровон бўлур. Эмди бугун хол шулки, алар устилариға очарчилик келди. Ҳаммалари қийналгачдурлар. Менга бу хол сабаб бўлиб, алар Ислом динидан ёниб кетмасалар. Шунинг учун ўзларидан умид қилурманки, шуларга бирор қисм ёрдам эткизсалар: Жаноби Саййиди олам саллоллоху алайҳи васаллам ҳазрати Али Розийёллоху анҳуга боқдилар. Ул зот арз қилдиларки, ё, Расулаллоҳ, ҳозир қошимизда ҳеч бир нарса йўқдир. Зайд ибн Саъна дер: Мен бу ҳолатни томоша қилиб турар эрдим.

Дедим: Ё, Муҳаммад, сиз агар фалон кишининг боғидан бу қадар хурмони муайян вақтда менга бера олсангиз, мен сизга ҳозирдан ўшал миқдор хурмонинг пулини аввалдан берурман. Ва ўшал муайян вақтда сиздан хурмони тўла олурман. Жаноб дедилар: Бу муомалани мен қила олмасман. Магар, боғнинг номини олмай, тайин қилмай пул берсанг мен муомала қилай. Мен дедим: Қабул қилдим. Кейин ўшал миқдор хурмонинг қиммати учун саксон мисқол нақд тилло бердим. Жаноб мандан тиллони олиб, сўз қилгон бадавийға бердилар ва дедилар: Биродар, инсоф ила иш қил. Ҳаммаларининг ҳожатларини раво қил. Зайд бин Саъна дебди: Эмди, Хурмони Жанобдан қабул қилиб олишга бир-икки кун қолди. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам саҳобалар ила бир жанозадин фориғ бўлиб, бир тарафда турган эканлар. Ул ерда Абу Бакр ва Умар Розийёллоху анҳумо иккилари ҳам бор эканлар. Мен ул жамоага бордим ва Жанобнинг кўйлак чодраларини тутиб, туриб ниҳоятда аччиқ ва қўполлик ила дедим: Муҳаммад, сен менинг қарзимни бермайдурсанму? Худо номиға қасам ичиб дерманки, мен сен авлоди Абдулмуталлибни ҳаммаларингни яхши билурман. Сенлар бировнинг ҳақини олурсизлар, лек бермайдурсизлар.

Ҳазрати Умар Розийёллоху анҳу ғазаблари келиб, мени туртдилар. Ва дедилар: Эй, Худонинг душмани. Нималарни айтиб алжираб турубдурсан. Агар мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васалламдан қўрқмасам, воллоҳи бошингни узиб ташлар эрдим. Лекин Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам табассум ила менга боқиб турур эрдилар. Ҳазрати

Умар Розиеллоху анхуга ниҳоятда яхши бир илтифот ила боқиб дедилар: Эй, Умар, мен бир нарсага ва бу ҳақдор яна бир нарсага зиёда муҳтож эрдук. Ул нарса шул эрдик: Менга яхшилик ила ҳақни адо этишга ва бунга яхшилик ила ҳақ талаб қилишга насиҳат қилсанг бўлур эрди. Энди, эй Умар, бу одамни олиб бор, ҳақни нақадар бўлса топшир. Ва йигирма соъ озор берганлигинг учун ортиқ бергин. Кейин ҳазрати Умар мени олиб кетдилар ва ҳақимни тамом топширдилар. Устига яна йигирма соъ зиёда бердилар.

Мен дедим: Бу йигирма соъ нима учун берилур? Ҳазрати Умар дедилар: Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васаллам шундай ҳукм бердилар, кейин мен дедим: Ё, Умар, сиз мени таъирсизми? Ҳазрати Умар дедилар: Мен сени танимасман. Дедим: Зайд бин Саънадурман. Ҳазрати Умар дедилар: Шул номда яҳудларнинг бир катта алломаси бор, деб эшитур эрдим, ўшал одам сендурсанми? Мен дедим: ўшал одам мандурман. Кейин ҳазрат Умар дедилар: Сен агар ўшал буюк аллома бўлсанг, не учун Жаноби Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламга шундоғ густоҳлик¹⁵⁴ қилдинг. Мен дедим: Нубувват аломатларининг ҳаммасини Жанобда мавжуд топдим. Магар икки аломатни тополмаганим йўқ эрди. Ва аларни ҳам имтиҳон қилмакка навбат келган йўқ эрди. Энди ҳар иккисини ҳам имтиҳон қилдим. Жанобда мукамал бор эрди. Бири ҳилмларининг ғазабларига ғолиб келиши. Иккинчиси, нодоннинг жаҳолатидан таҳаммулларининг зиёда бўлиши. Бугунги муомала бумарни исбот қилди. Энди, эй, Умар, мен мусулмон бўлгонлигимга сизни шохид қилурман. Ва дерманки, менинг ярим молим уммати муҳаммадийга садақадур.

Бу сўзни деб Зайд ибн Саъна Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам хизматларига қайтиб келди. Қўлларида мусулмон бўлди. Андин кейин тамоми ғазотларда шерик бўлди. Охир табуқ ғазотида шаҳид бўлди. Розиеллоху анху ва ардоху (маохизи¹⁵⁵: жамъу-л фавоиди жамъу-л васоили).

272. Ҳазрати Оиша Розиеллоху анхо дебдурлар: Жаноб Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам худо йўлида бўлгон жихотдан бошқа мақомда муборак қўллари ила ҳеч кимни урмадилар. На бир ходимни урдилар ва на бир хотинни.

273. Ҳазрати Оиша Розиеллоху анхо дебдурларки: Жаноби Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламга бир киши зулм қилган бўлса, шул золимдан ўчларини олгонликларини бирор бор ҳам кўрмадим. Магар, бир киши Аллоҳ Таоло ҳаром қилган нарсалардан бирини поймол этган бўлса, анинг учун ҳаммадан зиёда ғазаблари келур эрди. Ва Жанобга қачон икки ишдан бирини қилмоққа ихтиёр берилган бўлса, ул ҳолда қайси бири осонроқ бўлса, ани ихтиёр этур эрдилар. Лекин анда маъсият¹⁵⁶ бўлмаслик шарти ила.

274. Ҳазрати Оиша Розиеллоху анхудан бу ҳам марвидур: Бир кун бир одам Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам хузурларига кирмоқ учун изн талаб қилди. Жаноб

аввал дедилар: Бу одам ўз жамоасининг нақадар ёмон ўғлидур, ё нақадар ёмон биродаридур. Кейин ул одамга ижозат бердилар. Кирди. Ва анга мулойим сўзлар қилдилар. Мен Жаноб қошларнда эрдим. Ул киши чиқиб кетгандан кейин арз қилдим: Ё, Расулаллоҳ, бу одам ҳақида баъзи сўзларни қилдингиз, кейин анга мулойим сўзлар қилдингиз. Жаноб дедилар: Эй, Оиша, инсонларнинг ниҳоятда ёмонларидан ҳисоб қилинур. Ул одамики, анинг ёмон сўзлигидан халқ ани ташлаб қўюр. Мен бу одамга мулойим сўз қилишим анинг беҳаёлик ва ёмон сўзлигидан сажланмак. Ва қавмини бунинг питмасидан асраб қолмак учун эрди.

..275. Ҳазрати имом Ҳасан Розийёллоху анҳудан марвидур. Ҳазрати имом Ҳусайн Розийёллоху анҳу дебдурлар: Мен отамдан Жаноби жаддимиз Расулаллоҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг ҳаммажлислари ила бўлгон сийратларини сўрадим. Отам дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам ҳамиша чеҳралари кулиб турган хушмижоз бир зот эрдилар. Бир маслаҳатга қўшилишлари осон, юмшоқ табиат эрдилар. На қаттиқ сўзлик, на тошдиллик, на ҳаёсиз, на айблагувчи, на манман ва на адоватлик бир зот эрдилар. Номуносиб сўз ва феъл бўлиб қолса, андин бепарво бўлур эрдилар. Лекин ўзлари муваффақат этмас эрдилар ва ўзларидан бирор одам бирор нарсага умидвор бўлса, маъюс ўтмас эрдилар. Уч нарсасдан ўзларини алоҳида қилиб олган эрдилар. Биринчи, ношаръий жанжалдан. Иккинчи, ўзларини улуглашдан ёки сўзни кўп қилишдан. Учинчиси, бекор сўз, бекор ишдан. Ва уч нарсасдан худқини ҳам алоҳида қилиб қўйган эрдилар. Биринчи, ҳеч кимни юзига ёмонламас эрдилар. Иккинчи, ҳеч кимни орқасидан ҳам айбламас эрдилар. Учинчи, ҳеч кимнинг айбини топмак учун тажассус¹⁵⁷ этмас эрдилар. Ва қачон сўз қилсалар, савобин умид этган нарса учун сўз қилур эрдилар. Ва қачон сўз гавҳарларини мажлисда сочсалар, хизматларида ҳозир зотлар ҳаммалари бошида қуш ўлтирган одамдек, одоб ва эҳтиёт ила ўлтирур эрдилар. Қачон Жаноб сўздан тўхтасалар, кейин алар сўз қилур эрдилар.

Лекин Жаноб ҳузурларида сўз устида жанжал қилмас эрдилар. Ва кимки қошларида сўз бошласа, анинг сўзи тамом бўлгунча ҳаммалари хомуш туриб, сўзига қулоқ солур эрдилар. Ҳаммаларининг сўзлари Жаноб қошларида биринчилари сўз бошлаганда қандоқ эҳтимом ила эшитилса, шундоқ эшитилур эрди. Жаноби Расулаллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам ёронлари нимага кулсалар, анга кулар эрдилар. Ва нимадан таажжуб қилсалар, андин таажжуб қилар эрдилар. Ва қачон бир гариб ва мусофир келиб, сўзлаб қолса, анинг сўзини баробар эшитур эрдилар. Қўполликларини кўтарур эрдилар. Сўзида ва саволида бўлгон оғир азиятларига сабр қилур эрдилар. Шунинг учун саҳобан киром гариб ва мусофирларини Жанобнинг ҳузур муборакларига тортиб олиб келур эрдиларки, суҳбатдан истифода қилсинлар.

Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дер эрдиларки, агар бирор ҳожатманд инсонни кўрсангизлар, мадад ва мусоада этинглар. Ва бир кишининг санб ва таърифин қабул этмас эрдилар. Магар ҳақиқатда бир киши кўрган эҳсонга ташаккур мақомида бир нарса сўзласа, сукут қилур эрдилар. Ҳеч кимнинг сўзини банд қилиб. тўхтатмас эрдилар. Магар сўзда ҳаддан тажовуз қилса, ул ҳолда сўздан ман қилур эрдилар, ё туриб кетур эрдилар.

276. Ҳазрати Жобир Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳеч бир вақт био киши бир нарса сўраган бўлса, ул нарса ўзларида бор бўлса ҳаргиз йўқ демагандурлар. Балки бергандурлар. Агар йўқ бўлса, ваъда қилингандур. Ёки ҳаққиға яхши дуо қилгандурлар. **ВАЛЛОҲИ ТАОЛО** ул одамни бениёз қилгандур.

277. Ҳазрати ибн Аббос Розийллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам эҳсонда ва карамда башар жинси қила олмаган саҳоватни қилур эрдилар. Ўзлари дарвешона ҳаёт кечирур эрдилар. Лекин эҳсонда шаҳаншоҳларни шармисор этур эрдилар. Бутун йил аҳволлари шул бўлди. Лекин рамазони муборақда карамлари ҳаддин тажовуз қилур эрди. Хусусан, ҳазрати Жаурил алайҳис салом ила мулоқат қилгон вақтларидаки, келиб рамазондан Қуръони каримни эшитдирур эрдилар. Бу Жаноб ила мулоқат вақтида ёгин олиб келадурган ҳаводан ҳам зиёда саҳий бўлур эрдилар. Дўст ва аҳли ва ноаҳил ҳамма баробар наф олур эрдилар.

278. Ҳазрати Анас Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эрта куни учун ҳеч бир нарсани захира¹⁵⁸ қилиб олиб қўймас эрдилар. Балки Аллоҳ Таолога таваккул қилур эрдилар. Яъни, шу бугун нима мавжуд бўлса, еб-едириб тамом қилур эрдилар. Эртага зарурат бўлиб қолур деган хаёл ила олиб қўймас эрдилар. Бу ҳол ўз хусусларида эрди. Аммо волидаларимиз нафақаларини ўз-ўзларинга топшириб берур эрдилар. Ўз ҳақларига ўзлари озод ва ўзлари мухтор эрдилар. Хоҳлаганларидек тасарруф қила олур эрдилар, хоҳласалар сақлаб қўяр эрдилар, хоҳласалар тақсим қилиб халос қилур эрдилар. Лекин Жанобнинг хонадонлари ҳар ҳолда Жанобга иқтидо қилур эрдилар.

279. Ҳазрати Умар бин ал-Хаттоб Розийллоҳу анҳу дебдурлар: Бир киши Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам хизматларига ҳожат талаб қилиб келди. Жаноб дедилар: Бу соатда менинг қошимда ҳеч бир нарса йўқдурки, санга берсам. Энди сен менинг номимдан керакли нарсангни сотиб ол. Қачон менга бирор нарса пайдо бўлиб қолса, қарзни мен узарман. Ҳазрати Умар дедиларки: Ё, Расулаллоҳ қўлларида давлат бор замонда бердилар, энди қудратлари етмаган нарсани бермакка мукаллиф эмасдурлар. Жанобга Ҳазрати Умар Розийллоҳу анҳунинг сўзлари номуносиб кўрилди. Шул соатда мадиналик бир саҳоба дедилар: Ё, Расулаллоҳ, ҳар йўл билан бўлса ҳам берсунлар. Арш Молики тарафидан келидурган ато-

ларни кам бўлишидан қўрқмасунлар. Жаноб ул зот сўзларидан табассум қилдилар ва дедиларки: шул нарсага маъмурдирман.

280. Ҳазрати Оиша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳада қабул қилур эрдилар. Ва анга мукофот ҳам берур эрдилар. Ва мукофотлари олган ҳаяларидан яхшироқ бир нарса бўлур эрди.

281. Ҳазрати Абу Саъид Худрий Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам пардада ўтирган қиз боладан ҳам зиёда ҳаёлик эрдилар. Қачон бир нарсани ёмон кўрсалар ёмон кўрганликларини бизлар чеҳраларидан билур эрдик. Яъни, тиллари ила баён қилмас эрдилар.

282. Ҳазрати Оиша Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Мен Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ниҳоятда ҳаёли бир инсон бўлгонликларидан бирор бор уят ерларига боқа олмадим ва боқмадим.

Ф о й д а: Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ниҳоятда бошарим уятчан бир инсон бўлгонликларидан уят ерларини шул қадар эҳтиёт ила бекитур эрдиларки, ҳатто волидаларимиздан ҳам махфий тутур эрдилар. Ҳаммадан маҳбуб, ҳаммадан бемалол эрка хотинлари мадоми кўра олмаган бўлсалар, бошқа волидаларимиз ҳеч кўра олмаган бўлурлар. Энди ўз ҳамхоналаридан шул даражада эҳтиёт қилиб уят ерларини кўрсатмаган зоти ақдас бошқанинг оватини нечук кўра олурлар. Онамиз Умму Салама Розийллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам қачон аҳлияларидан бирлари ила суҳбат қилмоқчи бўлсалар, кўзларини беркитиб, бошларини паст қилиб олур эрдилар. Ва аҳлияларига ҳам оғир мижоз ва шармлик туришга амр бериб эрдилар.

ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҚОРТУҒ ИЛА ҚОН ОЛДИРГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИНДА БАЁН Қ И Л И Н У Р

Ҳижомат калимаси меҳжама ила қон олиш демак бўлур. Меҳжама қон оладурган асбобдур. Қон олдирмак бадан иложларидан бир қисмидур. Хаста одам учун илож қилдирмак таваккул сифатиға муҳолиф эмасдур. Арбобу таваккул имомларининг пешволари Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам эрурлар. Ул Жаноб қилган ишни хилофи таваккул демак, жаҳолат бўлур. Банда билмоғи лозимки, таваккул маъноси асбобға алоқа қилиб туриб ҳам худоға ишонмақдур.

(Муҳимма) Ҳазрати Шоҳ Валийulloҳ соҳибнинг бир рисо-ларидида ўз қадамлари ила таҳрир этилибдурки, бу зот тушларидида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан уч масала ҳақида савол қилиб ўз иродаларини арз этибдурлар.

1. Асбоб истеъмол этмак таваккулға мухолифдурми, ё-икки-си жам бўла олурми?

2. Ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умар Розиеллоху анҳумони афзал деб эътиқод этайликми ёки ҳазрати Али Розиеллоху анҳуни?

3. Тўрт муждаҳид имомларнинг бирларига тақлид этмак матлубдурми ё бетақлид яшамоқ матлубдурму?

Мазкур уч масалада Жаноби Саййиди олам, саллоллоху алайҳи васаллам ўз табиатларининг хилофиға ижтиҳодларин аксига тавсия қилибдурлар. Яъни, асбоб истеъмол қиёмак таваккулға хилоф эмасдур. Истеъмол қилаверилсин. Ҳазрати Абу Бакр ва Умар Розиеллоху анҳумони ҳазрати Алидан афзалдурлар деб эътиқод этилсин. Ва тўрт имомнинг бирларига тақлид қилинсин деб жавоб берибдурлар.

282. Хумайд дебдурларки, Ҳазрати Анас Розиеллоху анҳудан қон олгувчининг ужраси ҳақида жоизми ё ножоизми? деб савол қилинди. Ҳазрати Анас дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам ҳижомат қилдирдилар. Абу Таййиба ном одам қонларини олди. Кейин анинг ужраси учун икки соъ таом буюрдилар. Ва анинг ила сўзлашиб хиражидаи бир соъ кам қилдирдилар. Ва дедиларки, қилиб юрган иложларингизнинг яхшиларидан бири қон олдирмакдур.

Фойда: Абу Таййиба Бани Хориса жамоасининг қули эрдилар. Ҳожалари деган эрдик: Ҳар кун бизга уч соъ хурмо топиб келтириб берсанг, органи ўзинггадир. Бу одам қортуқ қўйиб, сўриб қон олишни билур эрдилар. Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам бу одам қўлидан қон олдириб, ҳақиға икки соъ таом ё хурмо буюриб бердилар. Ва ҳожалари ила сўзлашиб, ҳар кун берадиган уч соъ хурмон икки соъга туширдилар. Кейин ҳижомат иложи иложларнинг яхшилардан бири эканлигини баён қилдилар. Маълум бўлдики, ҳижомат қилиб олинган ужра ҳалол экан.

284. Ҳазрати ибн Умар Розиеллоху анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам, бир ҳижом қортуқ ила қон оладурган одамни чақиртириб буюрдилар: Ул қонларини олди. Сўрадиларки: ҳар кун ҳожаларингга берадиган парсаларинг қанчадур? Ул одам деди: уч соъдур. Кейин Жаноб анинг ҳожалари ила сўзлашиб, бир соъини камайтирдилар. Ва ҳақини бериб жўнатдилар.

285. Ҳазрати Анас Розиеллоху анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллох саллоллоху алайҳи васаллам муборак бўйинларининг икки тарафидан ва икки кифтларининг ўртасидан қортуқ ила қон олдирур эрдилар. Ва ғолибан ўн еттинчи, ўн тўққинчи, йигирма биринчи тарихларда олдирур эрдилар.

286. Ҳазрати Анас Розиеллоху анҳу буни ҳам дебдурларки: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам Маккаи мукаррама ила Мадинаи мунаввараниннг ўрталарини амалат деган бир мавзеда эҳромда туриб, қадамларининг орқасидан қортуқ ила қон олдиридилар.

Фойда: Эҳром ҳолатида қон олдирмак баъзи имомлар қошларида макрухдир. Лекин ҳанафийларда бадан туки тўкилмаи ё қирилмаи олинса, жоиздур.

ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ НОМ ВА ЛАҚАБЛАРИДАН БАЪЗИЛАРИ

Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам асмон муборақлари ҳақида уламолар ҳар қисм ривоятлар келтирибдурлар. Ибн ал-Араби шарҳи Термизийда асмон муборақа адалларини бир мингга етказибдур. Ва имом Суюти бир мустақил рисолада беш юз адалга етказибдурлар. Мусанниф Раҳимаҳумуллоҳу бу бобда табарруқан икки ҳадис келтирибдурлар. Бу икки ҳадисда тўққиз адал ном келтирилибдур.

287. Ҳазрат Жубайр Мутъим Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар. Менинг бирмунча номларим бордур. Мен Муҳаммаддурман, Аҳмаддурман, Моҳидурман, Аллоҳ Таоло мен билан дунёдан кифри маҳв этур. Ман Хоширдурманки, одамлар менинг изминдан хашар этилурлар ва мен Оқибатдурман. Оқибат маъноси ҳаммадан кейин келгучи бўлур. Яъни, Жанобдан кейин пайгамбар келмас.

288. Ҳазрати Ҳузайфа Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Мадина кўчаларининг бирида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила мулоқат этиб қолдим. Ушал вақтда Жаноб дедилар: Мен Муҳаммаддурман, Аҳмаддурман. Набийу-р Раҳмадурман, Набийу-т Тавбадурман ва Муқафидурман ва Хоширдурман ва Набийу-л Малоҳимдурман. Набийу-р Раҳма маъноси Раҳмат пайгамбаридур демакдур. Ва Набийу-т Тавба маъноси Тавба пайгамбари ва Муқаффи маъноси ҳамма пайгамбардан кейин келгучи ёки ҳамма пайгамбарга итбоъ қилгучи ва Набийу-л Малоҳим урушлар пайгамбари демакдур.

ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ҲАЕТ КЕЧИРИШЛАРИ ҲАҚИНДАГИ ВОҚЕАЛАР

289. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Бизлар Оли ва Авлоди Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам комил бир ойга қадар уйнимизда ўт ёқмас эрдик. Фақат хурмо ва сув ила ўтар эрдик. Яъни, емак учун хурмодан бошқа бир неъмат хонаи саодатда бўлмас эрди. Хурмо ҳам кифоят қилмоғонлигида сув ила қорин тўйғазур эрдик.

290. Ҳазрати Абу Талха Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида

ниҳоятда оч қолганлигимиздан шикоят қилдик ва қоринларимизга боғлаб олган бир-бир тошларимизни кўрсатдик. Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу сўзни эшитиб, ўзларининг муборак қоринларини очдилар. Боқсак, Жаноб қоринларига икки адад тош боғлабдурлар.

291. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Бир кун Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундоқ бир вақтда уйдан ташқарига чиқдиларки, одат шарифалари ул вақтда кўчага чиқмас эрдилар. Ва ҳеч бир одам ул вақтда хизматларига ҳозир бўлмас эрди. Жаноб кўчага чиққан замонлар рўбарўларидан ҳазрати Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу келиб қолдилар. Жаноб савол қилдилар: Ё Або Бакр на учун бевақт келиб қолдингиз. Ҳазрати Абу Бакр дедилар: Жамоли муборакларини соғиндим. Салом бергим келди (Ҳақиқатда ул зотга очлик пайдо бўлган эрди. Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ранжимасинлар деб, изҳор қилмадилар). Бироздан кейин ҳазрати Умар Розиеллоҳу анҳу ҳам келиб қолдилар. Жаноби саллоллоҳу алайҳи васаллам бу зотга ҳам юқоридаги саволни қилдилар. Лекин ҳазрати Умар дедилар: Ё, Расулаллоҳ, мени очлик бул ерға келтирди. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар. Очлик менга ҳам бироз маълум бўлиб турубдур. Кейин бу уч зот ҳазрати Абул Ҳайсам Ансорий деган бир зотнинг маконларига боришдилар. Ҳазрати Абул Ҳайсам мадиналик саҳобаларнинг бойларидан бўлиб, катта бир хурмозор боғлари бор эрди. Эчкилари ҳам кўп эрди. Лекин хизматчилари йўқ эрди. Анинг учун уй ишларини ўзлари қилур эрдилар. Бу ҳазрат уйларига борганларида уйдагиларга ширин сув олиб келмак учун ўзлари кетган эдилар. Жаноб хотинларидан сўраганларида шундоқ жавоб бердилар. Кейин бироз вақт ўтмай, келиб қолдилар. Мешкларин сувга тўлдириб келибдурлар. Кўрдиларки, Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ва икки ёри муҳтарам бу зот хоналарига даъватсиз ташриф қилибдурлар. Бу ҳолни кўргач, югуриб келиб Жаноби сарварни олам саллоллоҳу алайҳи васалламни кучоқлаб олиб, дедилар: Ота ва онам қурбонлари бўлсин. Ё, Расулulloҳ, хуш келибдурлар. Кейин буларни олиб, боғларига кирдилар. Ва булар учун би-сотлар тўшадилар. Ултирғизиб қўйиб, ўзлари хурмо келтирмак учун бордилар. Бир бош тўла хурмони келтириб, қошларига қўйдилар. Ул шоҳда пишган ва пишмаган ҳар қисм хурмолар бор эрди. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар. На учун бутун бир бошни келтирдингиз. Бунда хомлари ҳам бор экан. Бекор қолур. Пишганларини олиб келсангиз бўлмасмиди. Ҳазрати Абул Ҳайсам дедилар. Мен шу ниятда келтирдимки, Жаноб хоҳлаганларидан танаввул қилсинлар. Хоҳласинлар пишганин, хоҳласинлар ғўрасин есунлар. Кейин ҳар уч меҳмон мукаррам хурмодан едилар. Ва сувдан ичдилар. Ва Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Мен қасамёд қилурман, ул зот номиғаки,

жоним анинг қабзасидадур. Бу кунги бу неъмат ўшал неъматлардандурки қиёмат кунда андин савол қилинурсизлар. Яъни, бу уч неъматки оромлик соя ва ширин янги хурмо ва муздек совуқ сув. Кейин ҳазрати Абул Ҳайсам меҳмонларга таом ҳозирламак учун ўринларидан туриб юриб қолдилар.

Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Эй, биродар, бизлар учун жондор сўймоқчи бўлсангиз сут бериб турган нарсани сўйманг. Кейин Абул Ҳайсам Розииёллоҳу анҳу бир эчкининг боласини сўйиб, ниҳоятда тезлик ила таом ҳозирлаб келдилар. Ҳаммалари ул таомдан танаввул қилдилар. Кейин Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Эй, Абул Ҳайсам, ходимингиз борми? Абул Ҳайсам дедилар: ходимим йўқдур. Жаноб дедилар: Қачон бизга бир тарафдин ғуломлар келса, ёдимизга солинг, ҳожатингизни раво қилурмиз. Иттифоқо, бир тарафдин икки ададгина ғулом келиб қолди. Ҳазрати Абул Ҳайсам Розииёллоҳу анҳу ваъдаларин ёдга солмоқ учун Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳузурлариға келдилар.

Жаноб дедилар: Бу икки адад ғуломдин қайси бири хизматга муносиб кўрилса, олиб боринг. Ҳазрати Абул Ҳайсам дедилар: Жаноби Мавломиз ўзлари менга бирини хоҳлаб берсинлар. Жаноб дедилар: Мушаввара сўралган инсон амин бўлур. Мана бу ғуломни олгинки, намоз ўқиб турганлигини кўрдим. Лекин менинг бу ғулом хусусида сенга тавсиям шулдурки, бунинг ҳақида хайрихоҳ бўлгин. Кейин Ҳазрати Абул Ҳайсам Розииёллоҳу анҳу ғуломни олиб уйларига бордилар. Бўлгон воқеани ва Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини хотинлариға баён қилдилар. Хотинлари дедилар: Сиз Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тавсияларининг ҳақини адо қила олмасиз. Муносиби шулдурки, бу ғуломни озод қилиб юборингки, шояд ризоларини топурсиз. Ҳазрати Абул Ҳайсам Розииёллоҳу алайҳи васаллам ўзларига ниҳоятда зарур бўлган бир ғуломни Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хушнудликлари учун Аллоҳ Таоло йўлида озод қилиб юбордилар. Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламга бу воқеа маълум бўлиб эрди. Ҳар иккиларидан хуш бўлиб, дедиларки: Аллоҳ Таоло ҳар набий ва анинг халифаси учун икки адад ботиний маслаҳат бергучи ва далолат қилгучи пайдо қилур. Алардан бирлари яхшиликка далолат қилур. Ва тарғиб берур ва ёмонликдан ман қилур. Иккинчиси, барбод бўлмоғи ва ҳалокати учун ҳамиша кўшиш қилур. Ва бу хусусда ҳеч камчилик қилмас. Ҳар ким ёмон йўлларға далолат этгучи рафикдан сақланиб қолса, ул одам тамоми ёмонлик ва ҳалокатдан саломат қолур.

292. Ҳазрати Саъд ибн Аби Ваққос Розииёллоҳу анҳу дебдурлар: уммати исломияда ҳаммадан аввал худо йўлида қон тўккан зот мендурман. Ва ҳаммадан аввал худо йўлида ўқ отган одам ҳам мендурман. Саҳобан киромнинг бир жамоалари ила бир замонларда шундсқ ҳолда уруш қилур эрдикки, ул

кунларда дарахтлар барги ва тиканли дарахтлар мевасидан бошқа бир нарсани емас эрдик. Бора-бора оғизларимизнинг ичлари яра бўлиб кетди. Қайси биримиз таҳорат ушатсак, қўй каби ё туя каби ушатар эрдик. Мен шундоқ кунларни кўриб кечирган бўлсам бу кун Бани Асад қабилиси менинг димом ҳақида менга сарзанш¹⁶⁰ берурларми? Ул ҳолда менинг тамоми амалларим зоё бўлиб, ўзим хасорат¹⁶¹ қилгон ва ноумид бўлгон бўлурман.

Ф о й д а: Бу ҳадисда саҳобаи киром Розийллоҳу анҳумнинг ибтидоий ҳолатларидан бир намуна кўрсатилубдур. Бу узун бир ҳадиснинг баъзи ҳиссасидур.

293. Ҳолид ибн Умайр ва Шуваис иккилари дебдурлар: Ҳазрати Умар Розийллоҳу анҳу Утба ибн Ғазавонга ҳукм бердиларки, сен тамоми йўлдошларинг ила баробарликда илгарига қадам қўй. Бора-бора Араб мамлакатининг охирига ва Ажам мамлакатининг аввалига етарсан. Булар ҳукмга бўйсунган ҳолда илгари юрдилар. Бора-бора Басранинг Мирбади, яъни, хурмо жам қилиб қуриладиган ерига етдилар. Ул ерда сқ, юмшоқ тошларни кўрдилар. Дедилар: Бу нимадур? Баъзилари дедилар: Бу басрадур. Басра деб, оққа мойил бўлган юмшоқ тошни айтилур. Кейин яна юрдилар. Бора-бора Дажла дарёсининг кичик кўпригининг яқиниға етдилар. Кейин дедиларки, ҳазрати Умар Розийллоҳу анҳу турмоқ учун сизларга амр берган ер шул ердир. Кейин шул ерга тушдилар. Ва анда қарор олдилар, деб ровийлар ҳадисни тамомини баён қилдилар. Ва шул ҳадис охирида ҳазрати Утба Розийллоҳу анҳунинг хулбалари бордур. Анда дебдурлар: Бир кунлар шундоқ ҳолатлар кўрдикки, мен етти нафарнинг етгинчилари эрдим. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ила баробар эрдик. Емакларимиз дарахтларнинг барглари эрди. Баргларни еб-еб сғизларимизнинг ичлари яра бўлиб кетди. Ушал кунларда мен ердан бир чодир топиб олдим. Анинг ярмини Саъдга ёрдим. Бизлар ибтидода шундоқ кулфатлар кўрган эрдик. Бу кунлар ўшал етти киши ҳаммамиз бир-бир катта шаҳарда амирдурмиз. Лекин Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йўлларидадурмиз. Лекин сизлар оз кунда бошқа амрларни ҳам кўрурсизлар.

294. Ҳазрати Анас Розийллоҳу анҳудан марвидур. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Мен Аллоҳ таолонинг йўлидан ул замон кўрқитилдимки, ҳеч ким кўрқмас эрди. Ва ул замон азият берилдимки, ҳеч кимга азият берилмас эрди. Ва менинг бошимдан шундоқ ўттиз кеча ва кундуз ўтдики, мен била Билол иккимиз учун жонвор ейдурган сир твом йўқ эрди. Магар шунчалик бир нарса бўлур эрдикки, ани Билол ўз қўлтиғида сақлар эрди.

Ф о й д а: Бу ҳадисдан тушунарли бўлурки, Жаноби рисолат паноҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ва ҳаммадан аввал ислом диниға мушарраф бўлган собиқин аввалин Розийллоҳу анҳум ибтидои Исломда инсон кўрмаган жафо ва

азиятларни кўргандурлар. Худони якка ва ягона эътиқод қилганликларни учун мушриклар қўлларидан ҳар турли озорлар берилдилар. Алар ўлдирурмиз, деб қўрқитдилар. Бутун дунё халқи ҳар қисм роҳат ва амниятда бўлгон бир замонда алар учун кенг жаҳон игнанинг кўзи каби тор бўлди. Лекин бу имтиҳонларда сабр қилган зотларга дунёнинг ўзида ҳам Аллоҳ Таоло буюк мукофотлар ато қилди. Охираатдагиси иншооллоҳ алоҳида турибдур.

295. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу бунни ҳам дебдурларки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг на сабоҳлик таомларида ва на кечки таомларида нон ва гўшт иккиси жам бўлгон эрди. Балки бири бўлеа, иккинчиси бўлмас эрди. Магар қачон бир меҳмон мажлиси бўлиб қолса, ул ҳолда, албатта, нон ва гўшт ҳам жам қилинур эрди. Яъни; Жаноби ўзлари ва хонадонлари ганҳо бўлсалар меҳмон бўлмаса; у ҳолда гўшт бўлсин ё нон бўлсин ўзини тановвул қилар эрдилар. Такаллуф қилиб ўлтирмас эрдилар.

296. Навфал ибн Йёс дебдурлар: Ҳазрати Абдурахмон ибн Авф бизларга ҳамнишин эрдилар. Ва ниҳоятда яхши бир ҳамнишин эрдилар. Бир кун бизлар билан баробар бир ердан қайтдилар ва ўзларининг уйларига бизни олиб бордилар. Борган замонлари гусл қилдилар. Кейин қошимизга чиқдилар. Ҳузурларига катта бир табақда гўшт ва нон келтирдилар: Ҳазрати Абдурахмон ибн Авф ани кўриб йиғладилар. Мен сўрадим: На учун йиғларлар? Ҳазрат Абдурахмон дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дунёдан сафар қилдилар. Ва ҳаётларининг охиригача ва ўзлари ва на хонадонлари арпа унидан бўлган ноннинг ўзидан қоринлари тўймайди. Мени ҳаёлим шулдурки, Жанобдан кейин бизларнинг бу қадар неъматларга фарқ бўлишимиз бизлар учун яхши бўлмаса керак.

297. Муҳаммад ибн Сайрин раҳимаҳуллоҳу дебдурлар: Бир куни бизлар ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳунинг ҳузурларида ўлтириб эрдик. Баданларида икки адад қизил ранглик либослари бор эрди. Улардан бирига бурунларини тозаладилар, кейин дедилар: ажаб-ажаб бу кун Абу Ҳурайра канап либосга бурнин тозалар. Мен бир куни ўзимни шундоқ ҳолда кўргандурманки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари ила ҳазрати Оиша анҳонинг ҳужраларининг ўртасида беҳуш бўлиб йиқилиб ётур эрдим. Уткинчи одам келиб, оёғини бўйнимга қўяр эрди. Ва гумон қилур эрдикки, мен жинни бўлган бўлсам, Ҳолбуки, мен жинни эмас эрдим. Очиқкина мени шу ҳолга солиб қўйган эрди (Араблар беҳуш одам ҳушига келсин деб, бўйнига оёқларини қўярди).

298. Молик бин Данбор Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳеч бир вақт нонга ва гўштга ҳам муборак қоринлари тўйган эмасдур. Магар; муборак хоналариға меҳмон келиб қолса, ул ҳолда меҳмонларга едирмак учун ва аларга илтифотлар қилиб туюлса, мумкин эрди.

ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ МУБОРАҚ ЕШЛАРИ ҲАҚИНДАГИ ТАҲҚИҚ

Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари ҳақида уламолар учга бўлинубдурлар. Жумҳур муҳаддисин ва муарриҳин қавллари ва саҳиҳ қавл шулдурки, ёшлари 63 га боргандур. Иккинчи қавлда 60 дебдурлар. Бу қавлда ғолибан ўндан зиёдасини зикр қилинмай айтилибдур. Бу тариқа ҳам арабарда бир қонда бордур. Учинчи қавлда 65 дейилибдур. Бу қавлда туғилган йиллари ила вафот қилган йилларини алоҳида саналибдур.

299. Ҳазрати ибн Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам нубувватдан кейин ўн уч йил Маккаи мукаррамада турдилар. Бу аснода Жанобга ваҳий тушиб турдилар. Ва Мадинаи мунавварада ўн йил турдилар. Ва Мадинада ёшлари 63 га кирганда вафот қилдилар.

300. Ҳазрати Муовийа Розиеллоҳу анҳу бир бор хутбаларида дедилар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам 63 ёшда вафот қилдилар. Ва ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умар Розиеллоҳу анҳумо икковлари ҳам шу ёшда кетдилар. Ва мен ҳам ҳозир 63 ёшдадурман. Яъни, умидим борки, менга ҳам таъбий итбоъ насиб бўлиб қолса.

Фойда: Лекин ҳазрати Муовийа Розиеллоҳу анҳуға умрда Жаноби Саййиди оламға итбоъ насиб бўлмади, балки ёшлари тахминан 80 га етди.

301. Ҳазрати ибн Аббос Розиеллоҳу анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам 65 ёшларинда вафот қилдилар.

ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ВАФОТЛАРИ ҲАҚИДА

Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари тамоми тарих иттифоқлари ила душанба куни бўлган. Тарих ўнинчи сана ҳижрийнинг рабиъул аввали эди. Аксари муарриҳлар ўн иккинчи рабиъул аввал дебдурлар. Лекин муҳаддислар таҳқиқларида иккинчи рабиъул аввалда эканлиги саҳиҳ кўрилуру. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аввали бош оғриқдан бошланди. Ушал кун Жаноби волидамиз ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо уйларинда эрдилар. Кейин ҳазрати Маймуна Розиеллоҳу анҳо навбатлари бўлган кунда дардлари яна зиёда бўлди. Шу ҳолларда ҳам волидаларимиз навбатлариини баробар бериб турдилар. Вақтики хасталиклари тобора зиёда бўла бошлаб эрди. Жанобнинг ишора-

лари ила ҳамма волидаларимиз то беморликдан тузалгунларича ҳазрати Оиша уйларида турсинлар деб қарор қилдилар. Аввали ва охири ўн икки кун ё ўн тўрт кунда дунёдан охиратга сафар қилдилар. Ва душанба куни чош вақтда бу воқеа вужудга келди.

302. Ҳазрати Анас Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Менинг Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак дийдорлариға охири мушарраф бўлишим шул кун бўлдики, ул кун душанба эрди. Бомдод номозини саҳобан киром ҳазрати Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу орқаларида ўқиб туриб эрдилар. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам бирдан хонаи саодат пардасин кўтардилар. Умматларнинг намозларини муояна ¹⁶² қилдилар. Ул вақт Жанобнинг чеҳраи мубораклари сафода, нурда гўё мусҳаф шарифнинг соф бир варақиға ўхшар эрди. Бу ҳолни кўриб, саҳобалар орқаға сурилдилар. Шояд намозға келурлар, деган умидда бетоқат бўлдилар. Жаноб ҳаммаларингиз ўз-ўз жойларингизда туринглар деб ишора қилдилар. Ва пардани туширдилар. Ва шу куннинг охирида вафот қилдилар.

303. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафот қилган кунларида мен Жанобни ўз сийнамға суяб ўлтирдим. Жон берилишдан аввал бир идиш талаб қилдилар. Анга пешоб қилиб бўлганларидан кейин жонларин жононға таслим бердилар.

304. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдимки, жон бериб турган соатлари эрди. Қошларида бир идишда сув бор эрди. Муборак қўлларини ул идишға солиб, чеҳраи анварлариға суркар эрдилар. Ва дер эрдилар: Ё, Аллоҳ, ўлим аччиликлари устида менга мадақор бўл.

305. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўлар соатла қийналганликларини кўрганимдан кейин бир кишининг осон ўлишини кўриб, ани орзу қилмадим. Яъни, осон жон бермак ўшал жон бергувчининг фазилати бўла олмас экан. Агар шундоқ бўлса эрди, Жаноби сарварни кинот саллоллоҳу алайҳи васаллам осон жон берур эрди.

306. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Вақтики Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар. Саҳобан киром дафн хусусида ихтилоф қилдилар. Муборак жасадларини қайси ерга дафн этсунлар. Баъзилари масжидға, баъзилари бақиъға¹⁶³, баъзилари боболари кўмилган жойлари Қуддус шарифға, баъзилари асли Ватанлари Маккаю мукаррамаға дафн қилайлик дедилар. Шул ҳолда ҳазрати Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу дедилар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитгандурман. Ани ҳеч фаромуш қилмадим. Ул ҳадис шулдурки: Аллоҳ таоло ҳар набийнинг жонини шундоқ бир ерда қабс қилурки, набий ул ерга дафн қилинишини дўст тутур. Мана бу ҳадис мафҳумича

Жаноби жон таслим қилган ерларига дафн қилинсун. Кейин саҳобан киром жасад муборакни ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳонинг уйларига дафн этдилар.

307. Ҳазрати ибн Аббос ва ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳумо дебдурлар: ҳазрати Абу Бакр Розиеллоху анҳу Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам вафотларидан кейин келдилар ва муборак юзларидан бўса қилдилар.

Ф о й д а : Бу бўса агарчи баракат ҳосил қилмоқ учун бўлса ҳам ҳақиқатда, маҳбубдан доимий жудолик соатида видоъ бўсасидур.

308. Ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам вафот қилганларидан кейин ҳазрати Абу Бакр Розиеллоху анҳу ҳужраи саодатга кирдилар. Ва Жанобнинг пешоналаридан бўса қилдилар. Ва икки билакларига қўлларини қўйиб туриб ва анбиё ва аспнёҳ ва аҳлилоҳ дедилар.

309. Ҳазрати Анас Розиеллоху анҳу дебдурлар: Қайси кун Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам Мадинага ташриф қилдилар. Мадинанинг ҳар бир нарсаси нурлик, дурашон бўлиб эрди. Вақтики Жаноб вафот этдилар, Мадинанинг ҳар бир нарсаси қоронғу бўлди. Бизлар саҳобалар қўлларимиз тупроғини қоққан ва дафнларидан бўшаган ҳам эрмас эдикки, дилларимизнинг ўзгарганлигини сездик.

Ф о й д а : Бу ўзгарши амалларда ва ақидаларда эмас эрди, балки суҳбатларнинг фэйзсиз бўлиши ва зоти баланд сифатларидан ажралши натижаси бўлгон бир ҳол эрди.

310. Имом Муҳаммад Боқир раҳимаҳуллоху дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам душанба кун вафот этдилар. Ушал кун ва сешанба кечаси ва сешанба кундузи турдилар. Ва чоршанба кечаси кечкурун ерга қўйилдилар.

311. Ҳазрати Абу Салама ибн Абдураҳмон Авф Розиеллоху анҳумо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам душанба кун вафот қилдилар. Ва сешанба кун дафн қилиндилар.

312. Ҳазрати Солим бин Убайд саҳоба Розиеллоху анҳу дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам ўлим беморликларида беҳуш бўлдилар. Кейин ҳушларига келиб, намоз вақти бўлдими? деб сўрадилар. Хизматларида ҳозир зотлар «Ори. Намоз вақти бўлди» дедилар. Жаноб Билолга денглар, азон айтсин. Абу Бакрга денглар, имом бўлиб, одамлар намозларини ўқиб берсин, дедилар. Бу сўзни деб, яна беҳуш бўлдилар. Яна ҳушларига келиб, намоз вақти бўлди ми деб сўрадилар. Ҳозирлар: Ори, дедилар. Жаноб Билолга денглар, азон айтсин. Абу Бакрга денглар имом бўлиб, одамлар намозларини ўқиб берсин. Ҳазрати Оиша Розиеллоху анҳо дедилар: Е, Расулуллоҳ, меннинг отам ғамға мағлуб бир зотдурлар. Жанобларнинг мақомларида холи кўрсалар йиғлаб бетоқат бўлурлар ва намоз ўқиймаслар. Бошқа бир кишига амр берсалар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи

васаллам яна беҳуш бўлдилар. Ҳушларига келганларидан кейин яна дедилар. Билолға денглар, азон айтсин ва: Абу Бакрга денглар имом бўлиб халқ намозини ўқиб берсин. Кейин ҳазрати Оиша Розийёллоҳу анҳоға боқиб дедилар: Сизлар Юсуф алайҳиссаломнинг саҳобалари кабидурсизлар. Кейин ҳазрати Билол Розийёллоҳу анҳуға азон учун амр қилди. Азон айтилди. Имом бўлиб турган Абу Бакр Розийёллоҳу анҳуға айтилди: Халққа имомат қилиб, намоз ўқиб бериб турдишар, яъни жума кечасининг ёши намозидан бошлаб, душанба кунининг бомдод намозига қадар, жами ўн етти намозини имомат ила адо қилдилар. Беморлик вақтларида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам беморлик вақтларида бироз тузалгандек бўлдилар дедилар: Қараглар, мени суяб масжидгача олиб борадурган одам бормикин? Шу ҳолда ҳазрати Оишанинг озода қилган чўрилари Барийра ила яна бир киши келиб эрдн, аларға суяниб, Жаноб масжидга бордилар. Намоз жамаатда имом бўлиб турган ҳазрати Абу Бакр Розийёллоҳу анҳу Жанобни кўриб, кейинларига қайтиб, меҳробни бўшатмоқчи бўлдилар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «Жўйингиздан кўзгалманг» деб ишора қилдилар. Кейин ҳазрат Абу Бакр Розийёллоҳу анҳу намозларини тамом қилдилар. Кейин Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўшал кун фойий дунёдан интиқол¹⁶⁴ этдилар. Тамомни саҳобалар мундуҳи бўлдилар. Ҳар қайсилари ҳар хил ҳолатларга дучор бўлдилар. Ҳазрати Умар Розийёллоҳу анҳуға ажиб бир кайфият зоҳир бўлди. Эълон этдиларки, бирор кишидан Жаноби Раеулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни вафот қилдилар деган сўзни эшитсам, мен бу қилич ила бошини олурман. Саҳобан киром ҳаммалари бундан аввал бирор пайғамбар замонини кўрмаган ва набий вафотларида нималар қишинуру тажриба қилмаган, аввалги пайғамбарлар китобларини ўқумаган ва эшитмаган эрдилар. Шунинг учун ҳазрати Умар эълонлари ила ҳаммалари хомуш тўхтадилар. Жаноби саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар деган сўзни қила олмадилар. Ҳазрати Солим деб дурлар: Ҳаммалари менга дедилар: Эй, Солим, сен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг соҳиблари ҳазрати Абу Бакрнинг қошларига бориб, ул зотни чақириб кел. Мен Аволиға ул зотни чақиргани бордим. Ҳазрати Абу Бакр маҳаллаларининг масжидида эканлар. Мен йиғлабон ва ҳушим кетган ҳолда хизматларига етдим. Мени кўрган замонлари Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васаллам вафот этдиларми? дедилар. Мен дедим: Ҳазрати Умар ҳар кимдан: «Расулуллоҳ вафот қилдилар» деган сўзни эшитсам, бу қилчим ила бўйинни узиб ташларман, дедилар. Ҳазрати Абу Бакр жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бироз тузалганликларини кўргач, ўзларидан ижозат олиб, аҳлларини кўргали Аволыға кетган эрдилар. Вафотларининг хабарини эшитиб, мен ила масжидга келдилар. Одамларнинг ораларини ёриб, «қоч-қоч» деб ёриб, ҳужраи саодатга доҳил бўлдилар,

Тўғри бориб, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг устлариға ўзларини ташладилар ва бўса қилдилар ва бу оят шарифани тиловат қилдилар.

Таржимаси: Эй ҳабиб, Сиз ҳам вафот қилурсиз. Ва алар ҳам вафот қилурлар.

Саҳобалар дедилар: Эй Расулulloҳнинг ёрлари, Жаноби Расулulloҳ вафот қилдиларми? Ҳазрати Абу Бакр дедилар: Ори. Жаноб дорулбақоға рихлат қилдилар. Бу сўздан тамоми саҳобалар билдиларки, Жаноб вафот қилибдурлар. Ҳазрати Абу Бакр Розийллоҳу анҳунинг оят ила қилган истидлоллари ростдур. Кейин яна савол қилдилар: Эй соҳибирасул, Жаноби Расулulloҳға жаноза намози ўқилурми? Ҳазрат Абу Бакр дедилар: Ори. Жаноза ўқилур. Алар дедилар: Нечук ўқилур? Ҳазрати Абу Бакр дедилар: Бир жамоа кирурлар, тўрт такбир айтурлар ва Жанобга дуруд¹⁶⁵ ўқирлар ва дуо қилурлар. Кейин чиқурлар. Кейин бошқа жамоа кирурлар: Такбир айтурлар ва дуруд ўқирлар ва дуо қилурлар ва чиқурлар. Мана шул тарқа ҳамма одамлар намоз ўқирлар.

Саҳобалар дедилар: Эй, Расулulloҳнинг ёрлари, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ерга дафн этилурми? Ҳазрати Абу Бакр дедилар: Ори. Ерга дафн этилурлар. Дедилар: Қайси ерга дафн этилурлар? Ҳазрати Абу Бакр дедилар: Аллоҳ Таоло жонларини олган ерга дафн этилурлар. Чунки Аллоҳ Таоло бу Жанобнинг жонларини яхши бир ерда қабз қилди. Шул ер муносибдур. Саҳобалар билдиларки, Абу Бакр рост сўзладилар. Кейин ҳазрат Абу Бакр амр қилдиларки, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жасад муборакларини ўзларининг яқин ҳешлари ювсинлар. Фусл қилдиргувчи зот ҳазрати Али карамуллоҳ важҳи бўлдилар. Ҳазрати Аббос ва ўғиллари ҳазрати Фазл иккилари ёрдам бериб турдилар. Ва ҳазрати Қусам ва Усома шақрон парда орқасидан ва кўзларин боғлаган ҳолларида сув қуйиб бериб турдилар. Ва лаҳадларини ҳазрати Абу Тальҳа қазидилар.

Кейин халифа тайин этиш ҳақида мушоввара қилмоқ учун муҳожирлар жам бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакрга дедилар: Юрсинлар, биродарларимиз Ансори киром ҳузурлариға борайлик. Кейин алар қошлариға бордилар. Аларнинг катталари Суқайфа бани Соъдада жам бўлган эканлар. Алардан Ҳаббоб ибн ал-Мунзир дедилар: Бизлардан бир амир, Сизлардан бир амир бўлсин. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттоб Розийллоҳу анҳу дедилар: Кимдир ул зотики жам бўлган бўлса, анда бу оятдаги уч фазилат: биринчи, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ила ҳамиша бир бўлсин. Хусусан, форда иккиннинг бири. Иккинчи, Қуръони карим шаҳодати ила соҳиблиги собит бўлсинки, бу суҳбатга мункир¹⁶⁶ албатта, кофир бўлур. Учинчи, Аллоҳ Таолонинг маййятига пойил¹⁶⁷ бўлсин. Бу оятда зикр қилинган икки зот кимлардурлар? Ҳазрати Умар Розийллоҳу анҳу бу сўзни қилгандан кейин байъат учун қўлларини узатдилар. Ҳазрати Абу Бакр Розийллоҳу анҳуға байъат қилдилар.

Кейин Суқайфага жам бўлган зотлар ҳаммалари байъат қилдилар. Ва ниҳоятда яхши бир байъат бўлди.

313. Ҳазрати Анас Розийёллоҳу анҳу дебудурлар: Жаъоби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вақтики маразилмавт аламларини тортиб туриб эрдилар. Ҳазрати Фотима Розийёллоҳу анҳо: «Ҳой, отамни таклиф қилинглар» дедилар. Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Бу кундан кейин отангга таклиф йўқдур. Бу кун отангга шундоқ бир нарса келдики, қиёматгача ҳеч бир киши ани ўзидан узоқ қила олмас. Эмди мулоқат қиёмат куни бўлур.

314. Ҳазрати ибн Аббос Розийёллоҳу анҳу дебудурлар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бу сўзни айтиб турганликларини эшитдим. Менинг умматларимдан кимнинг икки адад фарзанди ёш ва гўдаклигида ўлиб кетган бўлса, Аллоҳ Таоло ул икки фарзанд туфайли уни жаннатга доҳил қилур. Ҳазрати Оиша Розийёллоҳу анҳо дедилар: агар бир кишининг биргина фарзанди ўлган бўлса, нима бўлур? Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Кимнинг биргина фарзанди ўлган бўлса, анинг ҳам ҳукми шулдур. Эй, товфиқлик хотин, ҳазрати Оиша дедилар: Умматларингиздан бир кишининг бирор адад ҳам фарзанди ўлган бўлмаса, анинг холи на бўлур Жаноб дедилар: Агар учун мен заҳира бўлурман. Умматим учун менинг жудолигимнинг ранжи аҳл-авлод жудолигининг ранжидан зиёда эрур.

ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ МЕРОСЛАРИ ҲАҚИНДА

Бу бобда келган ҳадисларнинг ҳаммасин мазмуни шулдурки, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан қолғон матрука¹⁶⁸ мол садақадур. Ворисларга тақсим этилмас. Аҳли суннат ва жамоат уламолари бу масалада ҳаммалари иттифоқ қилғондурлар. Тамоми набийлар матрукалари ҳам аксари уламолар қошларинда шундоғдур. Бунинг сабабларидан бири шулдурки, набийлар қабрларида тирикдурлар. Тирикнинг моли тақсим қилинмас. Ва хотини бошқага никоҳ этилмас ва ғайриҳи.

315. Ҳазрати Амр ибн ал-Хорис Розийёллоҳу анҳу дебудурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин фақат урушда киядиган қилич, найза, зурра ва қалқон каби аслаҳаларини ва ҳамиша минадурган дулдул ном кацирларини ва бир мунча ерларини қолдириб кетдилар ва аларни ҳам ҳаётларида садақа қилиб эрдилар.

Фойда: Жанобнинг ерлари Фидак заминининг ярмини ва Водий Қура заминининг учдан бири ва Бани Надир заминининг учдан бири ва Ҳайбар Хумсидин иборат бўлган ҳиссалари эрди. Бу ерларнинг ҳосили умумий эрди. Яъни ўзларига, оилаларига ва мусулмон фақирларга алардин ҳисса тақсим этилур эрди.

316. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Ҳазрати Фотима Розиеллоҳу анҳо ҳазрати Ҳалифай аввал Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу хизматларига келдилар ва савол қилдиларки: Сиздан қолган меросларингизни ким олур? Ҳазрати Абу Бакр Розиеллоҳу анҳу дедилар: Аҳлим ва авлодим олурлар. Ҳазрати Фотима дедилар: Шундоқ бўлса, мен ва учун отамнинг меросларини олмасман? Ҳазрати Абу Бакр дедилар: Мен Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитгандурманки, у зот деб эрдилар: Бизлар (яъни, пайғамбарлар)нинг ворисларимиз бўлмас. Молларимиз аларга тақсим этилмас, лекин мен вақфларга назорат қилувчи бўлиб турганлигим учун кимларга Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сарпараст¹⁶⁹ бўлган бўлсалар, мен ҳам аларга сарпараст бўлурман. Ва кимларга Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам нафақа бериб келган бўлсалар, мен ҳам аларга нафақа берурман.

317. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳодан марвидурки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Бизларнинг ворисларимиз бўлмас. Нима нарсаки бизлардан қолибдур, ул садақа бўлур.

318. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розиеллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Менинг ворисларим ўз ўрталарида мендан кейин на тилла тақсим қилурлар ва на танга. Мендан нима қолган бўлса, хотинларим нафақаларига ва Халифам заруриятига сарф қилинур. Ортгани садақа бўлур.

319. Ҳазрати Молик ибн Авс Розиеллоҳу анҳу дебдурлар: Мен бир кун ҳазрати Амиру-л Муъминин Умар Розиеллоҳу анҳу хизматларига кирдим. Мендан кейин ҳазрати Абдурахмон ибн Авф ва Тальҳа ва Саъд кирдилар. Бир оздан кейин ҳазрати Али ва Аббос мурофаа қилишиб, яъни, жанжаллашиб келдилар. Ҳазрати Умар Розиеллоҳу анҳу ҳаммаларига боқиб дедилар: Ҳаммаларингиздан еру осмоннинг молики бўлгон. Худо номида қасам бериб туриб, савол қилурман: «Аё, билурсизлармики, Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дегандурлар: Бизнинг ворисларимиз бўлмас, биздан нима нарса қолса, садақа бўлур». Ултирган ҳазратларнинг ҳаммалари дедилар: Ори. Шундоқ дегандурлар:

Ф о й д а: Ҳазрати Умар ибн Набир заминидан Жаноби Саййиди олам саллоллоҳу алайҳи васалламининг ҳиссаларини ҳазрати Али ва ҳазрати Аббос икновларига берган эрдилар. Ўзларига ва оилаларига ҳарж қилиб, зиёдасини садақа қилсинлар. Шу ер устида жанжал бўлибдур.

320. Ҳазрати Оиша Розиеллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламдан на тилла ва на танга ва на қўй ва на туя қолгондур. Рови дебдурлар: ҳазрати Оиша ва на қул ва на чўри ҳам дедиларми? Ё, дедиларми? Лекин бошқа ривоятларда бордур.

**ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИ ТУШДА КЎРМАК
ҲАҚИНДАГИ
ҲАДИСЛАР**

Тушда бир нарсани кўрмак уч қисмга бўлинув. Биринчи, яхши туш, яъни, муборак хоб — бу Аллоҳ Таоло тарафидан бир нав башорат бўлур. Иккинчи, одам қўрқадурган ташвишлик туш — бу шайтон тарафидан бўлур. Мусулмонга озор бермак учун кўрсатилур. Учинчи, инсоннинг ўз хаёллари ва васасалари бўлурки, тушда кўрилув. Бу бир мусулмон агар Жаноби Расули акрам саллоллоҳу васалламни тушида кўрса, ҳақиқатда Жанобнинг ўзларини кўрган бўлур. Шайтонда бу қудрат йўқдурки, Жанобнинг суратларига ўтиб туриб кўрилса.

321. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд Розийёллоҳу анҳудан марвидурки, Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Кимки тушида мени кўрибдур, ул одам ҳақиқатда мени кўрган бўлур, чунки шайтон маним суратимга ўтиб туриб, кўрина олмас.

322. Ҳазрати Абу Ҳурайра Розийёллоҳу анҳудан марвидур: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Ҳар ким мени тушида кўрса, ул албатта, менинг ўзимни кўрган бўлур. Чунки шайтон менинг суратимда кўринмас ва манга ўхшай олмас.

Фойда: Аллоҳ Таоло пайғамбаримизнинг ҳаётларида ўзларини қандоқ шайтоннинг таъсирларидан саломат сақлаб қолган бўлса, баайни шундоқ вафотларидан кейин суратларини анинг касридан маҳфуз сақлагандур.

323. Язид Форси Розийёллоҳу анҳу Қуръони шариф ёзув эрдилар. Бир кеча тушларида Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрдилар. Ҳазрати ибн Аббос Розийёллоҳу анҳум ул замонда тирик эрдилар. Тушларини ул зотга арз қилдилар. Ҳазрати ибн Аббос дедилар: Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дегандурларки, шайтон ўзини менга ўхшатиб кўрила олмас. Кимки мени тушида кўрибдур, ул ҳақиқатда менигина кўрибдур. Кейин Ҳазрати ибн Аббос Язид Форсига дедилар: Сен ўшал тушда кўрган одамнингнинг шаклларини баён қила олурсанми? Язид Форси деди: Ори. Бас қила олурман. Ул зот қоматда ҳам жисмда ҳам муътадил бир зот эрдилар. Яъни, на узун ва на қисқа, на семиз ва на ориқ, ўрта бир ҳолда эрдилар. Муборак ранглари оққа мойил, буғдойранг эрди. Кўзлари сурма қўйилган, оғизлари кулиб турган, юзларининг мудавирлиги ярашган, соқоллари қалин, юзларини ихота этган ва сийналарини ёлган эрди. Ҳазрати ибн Аббос Розийёллоҳу анҳумо дедилар: Агар сен ул Жанобни уйғоқлигинда кўрган бўлсанг ҳам, бундан зиёда равшан, таъриф қила олмас эрдинг. Яъни, тамоми ўз шаклларини

мукаммал баён этдинг. Албатта, Жанобнинг ўзларини кўриб-дурсан.

324. Ҳазрати Анас Розийллоҳу анҳудан марвидур. Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам дебдурлар: Ҳар ким мени тушида кўрган бўлса, албатта, менинг ўзимни кўргандур. Чунки, шайтон менинг сувратимда кўрила олмас. Ва мўъмин банданинг туши нубувватнинг қирқ олтидан бири бўлур.

Имом Термизий раҳимаҳуллоҳу бу муборак китобларини са-лаф имомларидан икки буюк зот асарлари ила хатм қилурлар-ки, ҳақиқатда буюк насиҳатлардур. Биринчиси, шулдурки, бир насаға ҳукм қилинадургон бўлса, гумон ва тахмин ила қи-линмасун. Балки динимизнинг мадори бўлгон итбоъи суннат ила иш кўрилсун. Иккинчиси, ҳар бир кас ва нокасан илм олинмасун. Балки диндор инсондан илм олинсун. Дини йўқ инсонга эргашмак ҳалокатнинг ўзидур. Ул икки асар булар-дир.

325. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак раҳимаҳуллоҳу дебдурлар: Эй, мусулмон, агар қози ёки ҳакам бўлиб қолсанг Жаноби Ра-сулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобан киром Ро-зийллоҳу анҳум йўлларидан ажралмагин.

326. Имом ибн Сийрийн раҳимаҳуллоҳу дебдурлар: ҳадис-дандур, боқинглар, динларингизни кимлардан олиб турибдур-сизлар?

Ҳойда: Ҳадис, тафсир, фикҳ, тавҳид, ахлоқ ва бошқа тамоми диний илмлар ҳақиқатда диндур. Булар воситалари ила инсон ўз динидан илм, таълим олур. Диндорлик аҳкомини ўрганур. Анинг учун дин олмакда, диндор тақволик устозини билиб, таниб, андин илм касб этиш лозимдур. Устоз ва мур-шиднинг шогирд ва муридга асари буюк бўлур. Суҳбат асари кўп замон қолиб кетур. Бир бор ўзгариб қолгандан кейин, ту-залмак мушкул бўлур. Мавлоно Жамолиддин Румий раҳима-ҳуллоҳу дебдурлар:

Эй басо иблиси одам руй ҳаст;
Пас баҳри дасти найобод дод даст.

Бу асар мутаржими Саййид Маҳмуд Тирозий таржимани қуйи-даги сўзлар билан хатм қиладилар: Ҳазрати ҲАҚ СУБҲОНАҲУ ВА ТАОЛО ДАРГОҲИГА беҳисоб ҳамд ва беадад шукрларим-ни арз этурманки, бу қадар заифлик ва хасталик ва бедастёр-лик ҳолларимда ва ҲАРАМ шариф дарслари ила масруфиятим замонларида ўз лутфи ва карами ила бу муборак китоб ША-МАИЛИ — ТЕРМИЗИЙнинг Туркистонча таржимасини тўрт ой зарфинда Мадинаи Танбада соҳиби ШАМОИЛ АЛАЙҲИС СОЛОТ ВА С-САЛЛАМ живорларида итмомиға муваффақ айлади. Қарамдан умидим шулдурки, биз афтода муҳожир-ларга бу китоб ила амал давлатини насиб айлар, ИНШО АЛЛОҲ.

САЙИИД МАҲМУД ТИРОЗИЙ. 1384 ҲИЖРИЙ

АЙРИМ СУЗЛАР ИЗОҲИ

- | | |
|----------------------------------|-----------------------------------------------------------|
| 1. Розийллоҳу Таоло
Анҳу | — Аллоҳ Таоло ундан рози бўлсин |
| 2. Акрам | — Энг юксак олижаноб, яхши фази-
лат, мардонавор |
| 3. Саллоллоҳу алайҳи
васаллам | — Унга Аллоҳнинг раҳмати ва сало-
ми бўлсин |
| 4. Мавзун | — Тузилиши келишган чиройли,
ўлчанган, вазнга солинган |
| 5. Малоҳат | — Гўзаллик, ҳусн, ёқимлилик |
| 6. Аллоҳ Таоло | — Буюк Аллоҳ |
| 7. Фойда | — Изоҳ, шарҳ, фойда |
| 8. Иқомат | — Туриш, яшаш |
| 9. Зулф | — Қокил, соч |
| 10. Жувра | — Кийим-бош, мос, бут |
| 11. Ридоъ | — Елкага ташланадиган кенг кийим |
| 12. Чодир | — Чодра, ёпинғич |
| 13. Расулуллоҳ | — Аллоҳнинг пайғамбари, элчиси,
расули |
| 14. Мудаввар | — Юмалоқ |
| 15. Хат | — Чизиқ, из, янги чиққан мўйлаб |
| 16. Маддоҳ | — Мадҳ қилувчи, мақтовчи, халқни
йиғиб ҳикоя сўзловчи |
| 17. Авсофи Алийяи
Набавийя | — Юксак пайғамбарлик сифатлари |
| 18. Дурахшон-Дерахшон | — Қўркам, порлоқ, савлатли, ҳаша-
матли |
| 19. Кушода | — Очиқ, очилган, хурсанд |
| 20. Хад | — Ёноқ |
| 21. Маъсум | — Пок, тоза, гуноҳсиз |
| 22. Эътидол | — Муътадиллик, ўрта даража, нор-
мал |
| 23. Дандон | — Тиш |
| 24. Ож | — Фил суяги, равшан, ёруғ |
| 25. Узвлари | — Аъзолари |
| 26. Ҳисса | — Бўлак, томон |
| 27. Хам | — Эгилган, букилган |

28. Рафтор — Юриш
29. Саҳоба — Ҳамроҳ, биродар, дўст. Кўплик. шакли: асҳоб, саҳоба—пайғамбарнинг яқин сафдошлари, ёрдамчилари
30. Жамил — Чиройлик
31. Ё, Расулаллоҳ — Эй Аллоҳнинг пайғамбари (Араб тилида «Ё» ундалма сўз бўлиб, ундан кейин келадиган от фатҳалик бўлади. Шунинг учун «Расулаллоҳ»га ўзгарган).
32. Анҳо — Унга (у аёлга). Араб тилидаги «ан» олд қўшимчаси қўшилиб келувчи олмошларга қўшилиб келган шакллари. Анҳу — унга (у эркак кишига). Анҳум уларга маъноларини ифода этади.
33. Молик — Эга, тасарруф этувчи, хожа
34. Уқя — Уқя, оғирлик ўлчов бирлиги — 33,44 граммга тенг.
35. Мушрик — Бир вақтда кўп худога топинувчи. Аллоҳга шрик келтирувчи
36. Китобийлар — Муқаддас китоблар аҳиллари: яҳудийлар, христианлар, аҳли китоблар
37. Рисолат маоб — Пайғамбарлик манбаи
38. Мунташир — Ейилган, тарқалган
39. Шақоват — Бахтсизлик, ярамаслик, ёмонлик
40. Назофат — Тозалик
41. Вафра — Мўл, кўп
42. Лимма — Қоқил, тутам
43. Жумма — Узун таралган соч
44. Мухталиф — Ҳар хил, турли-туман
45. Мустаҳаб — Қилишлик тавсия этилган ишлар. Қилинса савоб бўладиган; қилинмаса гуноҳ бўлмайдиган ишлар
46. Ҳизофат — Сақданиш
47. Оризий — Кўринувчи
48. Тажаммул — Безак, зийнат
49. Бок — Хавф, қўрқинч, зарар
50. Сарих — Очиқ, аниқ, равшан
51. Таҳийёт — Салом, дуо, мақтов
52. Макруҳ — Ислом динида манъ этилганлиги шубҳали бўлган ишлар. Қатъий ман қилинмаган ишлар
53. Суннат — Пайғамбар томонидан қилинган ва мусулмонлар учун қилишликка буюрилган ибодатлар ва ишлардир.

54. Иттибон суннат — Суннат ишларини бажариш, суннатга эргашиш
55. Иршод — Йўл кўрсатмак, билдирмоқ, йўланма бермоқ
56. Марвий — Ривоят қилинган, баён қилинган
57. Ровий — Ривоят қилувчи
58. Нафл — Фарз ва суннат намозларидан бошқа, қўшимча ўқиладиган намоз номи
59. Вожиб — Бажарилиши зарур бўлган амал, иш. Фарз қилинган ишлардан бир даража паст бўлган, Аллоҳ томонидан буюрилган иш ва ибодатлар
60. Сатр — Беркитиш, ёпиш
61. Байъат — Аҳд, паймон, ислом динини қабул қилганлиги ҳақида ваъда бериш
62. Хужраи саодат — Саодатли хужра
63. Тавашшуҳ — Епинғични ўнг қўлнинг остидан олиб чап кифтга солиб қўйиш
64. Шар — Емонлик, гуноҳ
65. Таъоруз — Қарама-қаршилиқ, ҳар хиллик
66. Соқ — Болдир, поча
67. Бурд — Устдан киядиган йўл-йўл кийим
68. Жубба — Шайхлар киядиган бўйи ва енги узун тўн
69. Тоқа — Жуфтнинг зидди, якка, пой, ёлғиз
70. Мусанниф — Китоб тузувчи, муаллиф
71. Ва-ллоҳу аълам — Аллоҳ билгувчидир. Худо билади
72. Лафз — Сўз
73. Беър — Қудуқ
74. Хилофат — Халифалик (ўринбосарлик)
75. Шуруъ — Бошланиш
76. Мавқуф — Тўхтатилган
77. Марфуъ — Ошириб юборилган, юқори кўтарилган, юқорида
78. Зирра — Совут
79. Зотулфузул — Фазилатлар эгаси, фазилатлик, етук
80. Имома — Салла
81. Фатҳ — Очиш, забт этиш
82. Истидлол — Бирор даъвони исботлаш учун далил келтириш, бирор белги орқали бирор нарсани билиш
83. Санад — Таянч, ҳужжат, далил
84. Уҳуд ғазоти — Мушрикларга қарши уҳуд номи билан аталган диний уруш
85. Сипар — Қалқон
86. Розиеллоҳу анҳум — Аллоҳ улардан рози бўлсин ва қиёматда бизни улар билан бирга

- ажмаъин ва хашарано қилсин (Улар туфайли бизни ҳам маъаҳум ёрлақасин).
87. Аҳкоми илоҳия — Илоҳий ҳукмлар
88. Хадар — Қон тўкиш
89. Муртад — Диндан қайтган
90. Ҳадду қасос — Ҳазо ва қасос
91. Меқот — Бирор иш учун белгиланган вақт, мавсум
92. Имома — Салла
93. Изор — Лунги
94. Ридо — Қийим, камзул
95. Назар андоз — Назар ташловчи, назар солувчи
96. Ҳилм — Юмшоқ табиатлик, сабрлилик
97. Маразул мавут — Улим дарди
98. Таракалари — Қолдирган нарсалари
99. Чорзону — Чордона
100. Таъоруз — Қаршилиқ, қарши фикр
101. Рикобий — Узанги
102. Идом — Бир ишни доим бажариб туриш, одат
103. Мабъус — Юборилган, вакил этилган
104. Дуббо-н-Набий — Пайғамбар қовоғи
105. Зоҳир — Қўриниб турган, очиқ-ошкор
106. Иътикоф — Ҳеч қаёққа чиқмасдан бир жойда ўтириш, чиллада ўтириш
107. Мисвок — Оғиз ювганда тиш тозалайдиган асбоб
108. Маҳал — Вақт, фурсат, жой, ўрин
109. Кунжойиш — Сиғиш, жойланмиш
110. Эдом — Нон хуруш
111. Намози зуҳр — Пешин намози
112. Силк — Ток новдаларидаги ўсиқ барглари
113. Вудуъ — Ювиниш, таҳорат олиш
114. Байтул хало — Хало жой, ҳожатхона
115. Маъмур — Буюрилган, бирор ишга амр этилган
116. Нашот — Ғайрат, активлик
117. Шуруъ — Бошлаш
118. Масона — Қовуқ
119. Боҳ — Жинсий майл, жинсий ҳиссиёт
120. Духул — Кириш, қўшилиш
121. Таждиди вдуъ — Янгидан ювиниш, янгидан таҳорат олиш
122. Фиқҳ — Ислом динининг йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми
123. Жад — Бобо
124. Дарборий — Ҳузури
125. Маркаб — Улов, миниладиган ҳайвон
126. Ҳандақ ғазоти — 5-ҳижрий йили бўлган диний уруш,

- Абу Суфён 4 минг аскар билан
 Мадина томон боради. Мадина
 аҳли Муҳаммад алайҳиссалом
 бошчилигида шаҳарни муҳофаза
 қилишади. Шаҳар атрофига ҳан-
 дақ қазилади. Шунинг учун бу
 «Ҳандақ ғазоти» деб номланган.
127. Мазоҳ — Ҳазил
 128. Фуқаҳо — Фиқҳ илмининг олимлари, диний
 ҳуқуқ билимдонлари (бирлиги
 фақиҳ)
129. Сарвари коинот — Коинот йўлбошчиси
 130. Тўша — Ҳадия
 131. Жоҳилият — Нодонлик, жоҳилият замонаси —
 Исломгача бўлган давр, замон
 — Кўринувчи, сиртқи
 — Ички
132. Зоҳирий — Паноҳ, бошпана
 133. Ботиний — Сўйилиш, сўйиш
 134. Маржиъ — Хуфтан намози
 135. Забиҳ — Бедорлик, хушёрлик
 136. ЁИШО намози — Тоқ, жуфтсиз, фарз намозларидан
 137. Таҳажжуд — бошқа қўшимча ўқиладиган намоз
 138. Витр — номн — витр вожиб
 — Иқтидо қилувчи
 — Эҳтимоллик, мумкинлик
 — Намозда «фотиҳа» сурасига қўшиб
 ўқиладиган сура
 — Куй, қироат
 — Уйлаш, фикр қилиш
 — Чуқур уйлаш, мулоҳаза қилиш,
 диққат билан фикрлаш
 — Бир қанча, аллақанча, кўп
 — Масжид саломни, масжид дуоси,
 маълум вақт намозини ўташ учун
 масжидга кирганда, ўша намоз
 олдидан ўқиладиган икки ракаъат
 намоз
139. Муқтади — Қим вақти, ярим кун
 140. Таржиҳ — Одам болалари
 141. Зам сўра — Емонланган, нафратланган
 — Гўзалликлар, яхши муаммолар
 — Ғалва, ҳад чегарадан ошиш, ҳужум
 — Эҳтимоллик, мушуқуллик
 — Холис, соф, ёлғиз
 — Адабсизлик, ибосизлик
 — Манбаъи, олинган жойи
 — Гуноҳ
 — Жосуслик қилиш
142. Тартил
 143. Тадаббур
 144. Ткаммул
145. Мутаъаддид
 146. Таҳятул масжид
147. Завол
 148. Баии башар
 149. Мазмум
 150. Маҳосин
 151. Гулув
 152. Таржиҳ
 153. Маҳс
 154. Густоҳлик
 155. Маоҳиз
 156. Маъсият
 157. Тажассус

- | | |
|-------------------|---------------------------------------------------|
| 158. Заҳира | — Эҳтиёт қилиб сақланган нарсалар, запас нарсалар |
| 159. Оқиб | — Ноиб, ўринбосар |
| 160. Сарзанш | — Қойиш, сазо бериш, танбеҳ. |
| 161. Хасорат | — Зиён, зарар |
| 162. Муояна | — Кўздан кечириш, қараш |
| 163. Бақиъ | — Мадина аҳлининг мозори |
| 164. Интиқол | — Кўчиш, вафот қилиш |
| 165. Дуруд | — Салом, сано айтиш |
| 166. Мункир | — Инкор қилувчи |
| 167. Манйят нойил | — Улфатига эга |
| 168. Матрука | — Қолдирилган, тарк қилинган |
| 169. Сарпараст | — Бош бўлиш, бошқарувчи бўлиш |



УНВОН — МҮНДАРИЖА

Муқаддима	3
Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим	6
Муҳри нубувват	10
Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг сочлари ҳақида	12
Жаноби Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг сочларини та- раганликлари ҳақида	13
Жаноби Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг соқол ва соч- ларига тушган оқлари	14
Жаноби Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг сурма истеъ- мол қилганликлари ҳақида	16
Расуллоҳ либослари ҳақида	17
Расуллоҳнинг маҳси, кавушлари ҳақида	19
Расуллоҳнинг узуклари ва узук тақишлари ҳақида	21
Расуллоҳнинг қиличлари, зирра ва қалқонлари ҳақида	23
Расуллоҳнинг салла, ридо ва азорлари ҳақида	26
Расуллоҳнинг юриш ва ўлтиришлари ҳақида	29
Расуллоҳнинг суянган нарсалари ва суянишлари ҳақида	30
Расуллоҳнинг таом танаввул қилишлари ва қандоқ нонга одат қил- ганликлари ҳақида	31
Расуллоҳнинг нон билан ё бурунж бирла танаввул қиладиган та- омлар ҳақида	33
Расуллоҳнинг таом тепасида вудуъ қилишлари ҳақида	39
Расуллоҳнинг таомдан аввал ва кейин ўқийдиган алфозлари ҳа- қида	40
Расуллоҳнинг сув ичадиган пиёлалари ҳақида	42
Расуллоҳнинг қандай меваларни танаввул қилишлари ҳақида	42
Расуллоҳнинг ичадиган нарсалари ва ичишларининг тариқаси ҳақида :	43
Расуллоҳнинг ҳушбўй истеъмол қилишлари ҳақида	45
Расуллоҳнинг хулқ ила сўз қилишлари ҳақида	46
Расуллоҳнинг кулишлари ҳақида	47

Расулulloҳнинг ҳазил қилишлари ҳақида	49
Расулulloҳнинг шеър ҳақида қилган сўзлари	51
Расулulloҳнинг кечқурунлари қилган ҳикоялари ҳақида	53
Расулulloҳнинг уйқулари ҳақида	56
Расулulloҳнинг ибодатлари ҳақида	57
Расулulloҳнинг қироатлари ҳақида	69
Расулulloҳнинг гиря ва зорлари ҳақида	71
Расулulloҳнинг тўшаб ётадиган ётоқлари ҳақида	73
Расулulloҳнинг тавозеълари ҳақида	74
Расулulloҳнинг аҳлоқ ва одот шарифалари ҳақида	78
Расулulloҳнинг қортуғ ила қон олдирганликлари ҳақида	85
Расулulloҳнинг ном ва лақаблари ҳақида	87
Расулulloҳнинг ҳаёт кечирishi ҳақидаги воқеалар	87
Расулulloҳнинг муборак ёшлари ҳақидаги ҳақиқат	92
Расулulloҳнинг вафотлари ҳақида	92
Расулulloҳнинг мерослари ҳақида	97
Расулulloҳнинг тушда кўрмак ҳақида	99
Айрим сўзлар изоҳи	101

Массовое издание

На узбекском языке

ШАМОИЛИ МУХАММАДИЯ

Издательство „Меҳнат“ — Ташкент — 1991

Ётакчи муҳаррир М. Тўйчиев
Мусаввир И. Сучилина
Бадний муҳаррир О. Бақликова
Техн. муҳаррир Н. Сорокина
Кичик муҳаррир Қ. Дориломонова
Мусаҳҳиҳа М. Тожиёва

ОИБ № 1220

Теринга берилди 29.05.91. Босилига руҳсат эғлди 03.06.91. Қоғоз Улмаи 60X90' 16
2-сонли қоғозга юқори босма усулида босилди. Шартли босма табақ 7,0. Шартли бўёқ
Улмаи 7,21. Нашр т 6,5. Нусхаси 100000 (II ғзод 50001—100000.) Вуюртма № 3264. Баҳоси
7 сум.

«Меҳнат» нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 96—91.

Ўзбекистон ССЖ Матбуот давлат кўмитаси, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бир-
лашмасининг 1-босмаҳонасида босилди, 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-бек кўча, 2-уй.

**«МЕҲНАТ» НАШРИЁТИ 1991 ЙИЛДА
«МЕРОС» РУКНИДА ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАРИНИ ЧОП ЭТДИ:**

Олимаг ул-Банот. Муошарат одоби.
Ўзбек тилида. 2,0 босма табақ. 300 000 нусха.

Наврўз ва табиат сирлари. Ўз-
бек тилида. 2,0 босма табақ. 100 000 нусха.

Ризоуддин ибн Фахруддин. Тарбияли
хотун. Ўзбек тилида. 2,0 босма табақ. 200 000
нусха.

**«МЕҲНАТ» НАШРИЁТИ 1991 ЙИЛДА
«МЕРОС» РУКНИДА ҚУИИДАГИ
КИТОБЛАРИНИ НАШР ЭТАДИ:**

Унсурулмаолий Қайковус. «Қобуснома».
Ўзбек тилида. 10,0 босма табоқ. 300 000 нусха.

Юз бир ҳадис. Ўзбек тилида. 2,0 босма
табоқ. 300 000 нусха.

**Масъудали Ҳакимжон. Хатти муалли-
мий.** Ўзбек тилида. 4,0 босма табоқ.

Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар.
Ўзбек тилида. 10 босма табоқ.

**Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ибодати Ислом-
нийя.** Ўзбек тилида. 7,0 босма табоқ.